

O'ZBEKISTON ISSN 2181-8150

QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

№10. 2020




**ПАХТАКОР ХИРМОНИ
ЮКСАЛМОҚДА**





Chorvador.uz

ЭНГ ЯХШИ ЧОРВАДОРЛАРГА




Резина ётоқлар



УТТ аппарати



Сут совутиш ва сақлаш танклари



Чорвачилик комплексларини лойиҳалаштириш



Сигир елинини дезинфекция қилиш
ва ускуналарни ювиш воситалари



Чорвачилик ускуналари ва эҳтиёт қисмлари

Озуқа тайёрлаш ва тарқатиш техникалари



Сигир соғиш ускунаси ва заллари



Тошкент ш., Аҳмад Дониш 22.
тел. (71) 226 65 96; +998 91 192 07 55;
+998 97 444 00 16; +998 94 647 10 03.
E-mail: chorvador@chorvador.uz
www.chorvador.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЕР ҲИСОБИ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИНИ ЮРИТИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ер умуммиллий бойлик, Ўзбекистон халқининг ҳаёти, фаолияти ва фаровонлиги асоси, энг муҳим табиий ресурс ҳисобланади. Шу сабабли, ерлардан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер билан узвий боғланган Давлат кадастрлари ягона тизимини тўлақонли юритиш давлатнинг энг муҳим вазифаларидандир.

Иқтисодий соҳадаги кенг қўламли ўзгаришлар ер ва унга боғлиқ ресурсларнинг аниқ ҳисобини юритиш, улардан оқилона фойдаланиш тизимини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Хусусан, ерларни ажратиш, уларнинг ҳисобини юритиш, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, ер назоратини амалга ошириш вазифаларининг **ягона органда тўпланганлиги**, ер участкалари, бино ва иншоотларга (кейинги ўринларда – кўчмас мулк) кадастр йиғмажилди **рўйхатдан ўтказувчи органнинг ўзи томонидан тайёрланиши** соҳада манфаатлар тўқнашувини юзага келтирмоқда.

Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида:

1. **Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасининг** қишлоқ хўжалиги ерлари ва экинларини мониторинг қилиш, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш, тупроқ бонитировкасини ўтказиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматини аниқлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқшунослик, геоботаникага оид тадқиқотларни амалга оширишга доир вазифалари, функциялари ҳамда ваколатлари **Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ўтказилсин.**

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларнинг таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқи-

батларини тугатиш мақсадида уларнинг мониторингини ўтказиш **Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги** доирасида амалга оширилиши белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси негизда **Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги** (кейинги ўринларда – Кадастр агентлиги) ташкил этилсин.

3. Қуйидагилар **Кадастр агентлигининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари** этиб белгилансин:

а) кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида:

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш;

давлат ер кадастри, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлашга ва ер участкаларининг ўзбошимчалик билан эгаллаб олиншига йўл қўймасликка қаратилган самарали ер назоратини амалга ошириш;

б) геодезия ва картография соҳасида:

геодезия ва картография соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш;

аэрокосмик суратга олиш, топография-геодезия, картографияга оид изланишлар ҳамда тадқиқотларни, ерларни масофадан зондлаш, геодинамик тадқиқотлар маълумотлари ва материалларидан фойдаланган ҳолда картографик мониторингни амалга ошириш;

давлат картография-геодезия кадастрини юритиш;

давлат геодезия назоратини амалга ошириш;

в) давлат кадастрларини юритиш соҳасида:

давлат кадастрларини юритиш соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш;

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш, ҳудудлар давлат кадастрининг самарали юритилишини таъминлаш;

давлат кадастрларини юритиш тартибларига риоя қилинишини таъминлашга қаратилган самарали кадастр назоратини амалга ошириш;

г) кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, геодезия, картография ва давлат кадастрларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш;

д) кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, геодезия, картография ва давлат кадастрларини юритиш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш.

4. Қуйидагилар:

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг, шу жумладан, ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи, эгаллик қилиш, фойдаланиш ва ижарага олиш ҳуқуқининг вужудга келиши, ўзгариши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши **фақат давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин кучга кириши;**

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш учун ўз вақтида мурожаат этмасликда айбдор шахсларга **маъмурий жавобгарлик белгиланганлиги;**

кўчмас мулкнинг тури, тавсифи, ҳажми, қиймати ва бошқа кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида унинг **кадастр йиғмажилди тайёрланиши** маълумот учун қабул қилинсин.

5. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

захирада турган ва янги ажратилаётган ер участкаларига кадастр йиғмажил-

ди қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда – туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимининг, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларда – туман (шаҳар) қурилиш бўлимининг мурожаатига мувофиқ туман (шаҳар) ҳокимлигининг буюртмасига асосан тайёрланади, ушбу харажатлар ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида мазкур ер участкасига эга бўлган шахс томонидан қопланади;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар мазкур Фармон кучга киргунга қадар вужудга келган, бироқ давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса, уларга кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш **ҳуқуқ эгаларининг буюртмаларига асосан уларнинг маблағлари ҳисобидан** амалга оширилади;

давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик бошқаруви органлари, шу жумладан, ўрмон хўжаликлари, сув хўжалиги ташкилотлари, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, ижтимоий муассасаларга берилган ер участкаларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш **балансда сақловчиларнинг буюртмаларига асосан ва уларнинг маблағлари ҳисобидан** амалга оширилади;

кадастр йиғмажилди Кадастр агентлиги томонидан шаҳодатланган кадастр муҳандислари ҳамда Кадастр агентлиги тизимидаги ташкилотлар томонидан **шартнома асосида тайёрланади**;

2020 йил 1 октябрдан бошлаб ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши, ўзгариши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлишини назарда тутувчи қарорлар, аукцион ва танлов баённомалари, нотариал тасдиқланган битимлар ҳамда бошқа ҳужжатлар **Ўзбекистон Республикаси Миллий географик ахборот тизимида** (кейинги ўринларда – Миллий геоахборот тизими) давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин кучга киради;

давлат ер кадастри, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш орқали тўпланган маълумотлар асосида амалга оширилади.

6. Белгилансинки, **2021 йил 1 январдан** бошлаб:

ер тури, контури, чегараси ва ҳуқуқ эгалари ҳақидаги барча маълумотлар

Кадастр агентлигининг **онлайн геопорталига** (кейинги ўринларда – онлайн геопортал) киритилади;

онлайн геопортал Миллий геоахборот тизимига интеграция қилинади; **ер баланси ва унинг ҳисоботи, туман (шаҳар) ер кадастри дафтари** фақат Миллий геоахборот тизимида юритилади;

Давлат кадастрлари ягона тизими **Миллий геоахборот тизимида шакллантирилади**;

тегишли давлат кадастрлари маълумотлари Миллий геоахборот тизимига фақат телекоммуникация тармоқлари орқали тўғридан-тўғри тақдим этиб борилади.

7. Кадастр агентлиги:

а) икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказмаслик, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳамда давлат кадастрларини юритиш тартибини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар фақат Кадастр агентлиги органлари томонидан кўриб чиқилишини назарда тутувчи қонун лойиҳасини;

кўчмас мулк объектларининг давлат кадастри соҳасида давлат хизматлари нархларини қайта кўриб чиқиш, шу жумладан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган **ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган йиғимни камайтириш** бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

б) **2020 йил 1 ноябрга қадар** онлайн геопортални синов тариқасида ишга туширсин;

в) **2020 йил 1 декабрга қадар** барча қишлоқ хўжалиги хариталарининг онлайн геопорталга киритилишини ҳамда унинг Миллий геоахборот тизимига интеграция қилинишини таъминласин;

г) **2021 йил 1 январдан** бошлаб онлайн геопортални тўлиқ ишга туширсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Давлат солиқ қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Қурилиш вазирлиги билан бирга ер участкаларини ажратиш ҳақидаги қарорлар, аукцион ва танлов баённомалари ҳамда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлишига асос бўлган бошқа ҳужжатларнинг **2021 йил якунига**

қадар Миллий геоахборот тизимида тўлиқ давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

9. Белгилансинки, қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш ва қайта баҳолаш, тупроқ бонитировкаси ва тупроқ хариталарининг коррективировкасини ўтказиш, суғориладиган ерларда тупроқ агрохимёвий тадқиқот ишларини бажариш ва агрохимёвий картограммалар тузиш, тупроқ (ер) мониторингини ўтказиш учун **Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан назарда тутилдиган маблағлар** 2021 йил 1 январдан бошлаб **Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ажратилади**.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ой муддатда тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш ва геоботаникага оид тадқиқотларни амалга оширишга **тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш бўйича** Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги **“Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПФ-5708-сон Фармони 1-бандига 1-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартириш киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига:

икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарори лойиҳасини;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни киритсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**
Тошкент шаҳри,
2020 йил 7 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

**РЕСПУБЛИКА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИ ЖАДАЛ
РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА АҲОЛИНИ СИФАТЛИ
ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТЎЛАҚОНЛИ
ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Мамлакатимизда сўнги йилларда қўрилган чоралар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорти 2017 йилга нисбатан 2019 йилда 2 бараварга кўпайишига, йилига 10 миллион тоннадан ортиқ сабзавот, 17 миллион тоннадан ортиқ бошқа деҳқончилик маҳсулотлари ва 2,5 миллион тонна гўшт етиштиришга эришилди.

Шу билан бирга, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг халқаро стандартлар ва хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, озиқ-овқат ишлаб чиқарувчилар ва экспортёрлар орасида ўзаро муносабатлар тўғри йўлга қўйилмаганлиги мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва янги бозорларни очишда тўсқинлик қилмоқда.

Мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини халқаро сифат стандартлари асосида қайта ишлаш ҳажмларини ошириш, ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари турларини ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш ҳамда аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлигига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин: мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини етиштирувчи (ишлаб чиқарувчи) корхоналар билан ушбу маҳсулотларни қайта ишловчи, тайёрловчи ва реализация қилувчи корхоналар ўртасида ўзаро манфаатли муносабатлар учун шароитлар яратиш;

маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш ва уларни диверсификация қилиш, ҳудудларнинг мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларидан унумли фойдаланиш асосида озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг стратегия ва моделларини ишлаб чиқиш;

мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишловчи тадбиркорлик

субъектларини қўллаб-қувватлашнинг молиявий ва номолиявий чоралари – янги воситалар ва ахборот тизимларини яратиш, юқори самара берувчи йўналишларда лойиҳаларни амалга ошириш;

озиқ-овқат саноатининг ривожланишига хусусий ва тўғридан-тўғри чет инвестициялар оқимининг таъсирини таҳлил қилиш, прогнозлаш ва бу борада тегишли таклифларни ишлаб чиқиш;

замонавий савдо ва логистика марказларини ташкил этиш, маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларини жаҳон бозорларида илгари суриш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ҳамда импорт ҳажмини камайтириш чораларини кўриш.

2. Мазкур қарорга асосан юклатилаётган қўшимча вазифаларни самарали амалга ошириш учун Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппарати тузилмасида:

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва инфратузилмани ривожлантириш бошқармаси негизида бошқарув ходимларининг чекланган сони 12 та штат бирлигидан иборат Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармаси ташкил этилсин;

вазир ўринбосари – Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи лавозими жорий қилинсин.

Бунда, Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармасининг 8 та штат бирлиги қўшимча штат бирликларини киритиш ҳисобига шакллантирилади.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 20 миллиард сўм миқдоридagi маблағларни Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси

(кейинги ўринларда – Жамғарма)га ўтказиб бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини сарфлашнинг қўшимча йўналишлари этиб белгилансин:

озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган истиқболли лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланишини тайёрлаш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини, лекин ҳар бир лойиҳа учун 100 миллион сўмдан кўп бўлмаган миқдорда қоплаш;

озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган истиқболли лойиҳаларнинг инфратузилмасини таъминлаш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини, лекин ҳар бир лойиҳа учун 100 миллион сўмдан кўп бўлмаган миқдорда қоплаш;

озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларни чуқур қайта ишлаш соҳасига хорижий экспертларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини, лекин ҳар бир лойиҳа учун 50 миллион сўмдан кўп бўлмаган миқдорда қоплаш.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чораларини тақдим этиш тартиби бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва “Ўзбекизоқовқатхолдинг” ХКнинг:

“Ўзбекизоқовқатхолдинг” ХКни тугатиш;

“Ўзбекизоқовқатхолдинг” ХК Озиқ-овқат саноати корхоналарини ривожлантириш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш жамғармасининг тугатиш якунларига кўра қолдиқ маблағларини Жамғармага ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

6. “Ўзбекизоқовқатхолдинг” ХКни тугатиш комиссияси 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

7. Молия вазирлиги сут маҳсулотларини қайта ишлаш қувватларини ташкил этиш учун Ҳукумат кафолати остида жалб этилган халқаро молия институтлари ва хорижий банклар олдидаги тугатилаётган “Ўзбекизоқиқовқатхолдинг” ХКнинг қарз маблағларини график бўйича тўлаб борилишини таъминласин.

8. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тижорат банклари билан биргаликда:

озик-овқат маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш тизимини молиявий қўллаб-қувватлаш учун халқаро молия институтлари маблағларининг кенг жалб қилинишини;

халқаро молия институтларининг жалб қилинган маблағлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида маҳсулот етиштирувчилар, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотларга манзилли етиб боришини таъминласин.

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идораларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжлари асосида **2021/2022 ўқув йилидан** бошлаб республика олий таълим муассасаларининг “**5321000-Озик-овқат технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)**” ҳамда “**5410500-Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)**” таълим йўналишлари бўйича бакалавриятнинг кундузги ва сиртқи таълим шаклларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини босқичма-босқич ошириб бориш чораларини кўрсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

бир ой муддатда тегишли таълим йўналишлари (мутахассисликлар)да соҳа бўйича таҳсил олаётган талабаларнинг амалиётларини ўташ объектлари – иш берувчи ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантирсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда **2020 йил 1 декабрга қадар** озик-овқат технологиялари соҳасида замонавий техника ва технологияларни жорий этган етакчи корхона, ташкилотлар ва муассасалар билан талабаларнинг амалиётларини ўташ юзасидан ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш тўғрисида тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

10. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) Бош вазир ўринбосари Ў.Барноев:

бир ҳафта муддатда қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари – Озик-овқат

саноатини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиги лавозимига юкланган вазифаларни профессионал даражада бажаришга қодир бўлган, зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга юқори малакали номзод бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин;

бир ой муддатда ҳудудларнинг мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлаш бўйича туманларнинг диверсификацияланишини таъминласин;

б) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев):

бир ой муддатда Озик-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармаси фаолиятини йўлга қўйиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

бир ой муддатда Озик-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармасини танлов асосида зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга замонавий менежмент ва маркетинг услулларини эгаллаган юқори малакали кадрлар билан тўлдирсин;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Норқулов) ҳамда Давлат божхона кўмитаси (Азимов) билан биргаликда **уч ой муддатда** озик-овқат саноатида импорт қилинаётган товарлар тури, таснифи, миқдори, нархи ҳамда ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқараётган маҳаллий корхоналар бўйича доимий янгилиниб борадиган маълумотлар базасини яратсин ва уни ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштирсин;

в) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Норқулов) ҳамда Молия вазирлиги (Ишметов) билан биргаликда:

уч ой муддатда илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда қишлоқ хўжалиги озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва реализация қилиш, савдо-логистика ҳамда сақлаш марказларини ташкил этишни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2021 йил 1 январга қадар республикада қишлоқ хўжалиги озик-овқат маҳсулотларига мавжуд ички талабни ҳисобга олган ҳолда **2021-2023 йилларга мўлжалланган саноатбоп қишлоқ**

хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кенгайтириш дастурини ишлаб чиқсин-ва тасдиқласин;

2021 йил 1 мартга қадар мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озик-овқат маҳсулотларини қайта ишлашни жадал ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин;

г) Бош вазир ўринбосари С.Умурзоқов қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва уларнинг экспорт ҳажмларини ошириш мақсадида халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин;

д) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари бир ой муддатда ҳудудларнинг мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларини ҳисобга олган ҳолда озик-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлаш бўйича инвестицион лойиҳалар ташаббускорларини аниқласин ва лойиҳаларни ишга тушириш учун доимий амалий ёрдам кўрсатиб борсин;

е) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (Ходжаев) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва “Дунё” ахборот агентлиги билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда қарорда белгиланган тадбирларни аҳоли орасида кенг ёритиш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-4292-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 18 февралдаги “Республика озик-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2492-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**
Тошкент шаҳри,
2020 йил 9 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ ИШТИРОКИДА “ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ” ЛОЙИХАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси ижросини таъминлаш, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси билан ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва қўшилган қиймат занжирини яратишни кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолиси бандлиги ва даромадини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 ноябрдаги “Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси иштирокида “Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4021-сон қарорига асосан:

а) “Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳаси (кейинги ўринларда – Лойиҳа) доирасида 2020 йил 4 августда Ўзбекистон Республикаси ва Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси ўртасида қўшимча **46,2 миллион АҚШ доллари** миқдоридagi **кредит**, шунингдек, **800** минг АҚШ доллари миқдоридagi **грант маблағлари** бўйича қарз битимининг (кейинги ўринларда – қарз битими) имзоланганлиги;

б) Лойиҳани амалга ошириш доирасида:

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасининг кредити ҳисобидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) ва транспорт воситалари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари), қўшилган қиймат солиғидан ва йиғимлардан;

иштирок этаётган жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси норезидентлари даромадлари жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинadиган солиқдан озод қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қарз битимига мувофиқ Лойиҳа доирасида жалб этиладиган қўшимча қарз маблағлари қуйидагиларга йўналтирилиши белгилансин:

қишлоқ хўжалигида диверсификация қилишни молиялаштириш бўйича кредит ажратиш учун – **39,8** миллион АҚШ доллари. Бунда кластер ва кооперациялар ҳамда уларга аъзо бўлган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга – **30,3** миллион АҚШ доллари, ёшлар ва аёллар учун – **5** миллион АҚШ доллари миқдоридa, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига **4,5** миллион АҚШ доллари миқдоридa кредитлар ажратилади;

ирригация тизимларини модернизация қилиш учун – **3,1** миллион АҚШ доллари. Бунда **ўрмон фонди ерларида тик қудуқ қазиш ва насос ўрнатиш орқали сув чиқаришга 2** миллион АҚШ доллари сарфланади;

қишлоқ хўжалигида билим, инновация ва агрохизматлар тизимини ривожлантириш бўйича – **4,1** миллион АҚШ доллари.

3. Қуйидагилар:

“Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳаси **техник-иқтисодий асосланувининг асосий кўрсаткичлари** 1-иловага мувофиқ;

“Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳасига жалб этиладиган қўшимча

молиялаштириш доирасида **Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасининг қарз маблағларини сўндириш, фоиз ва комиссия тўловларини амалга ошириш** прогноз жадвали 2-иловага мувофиқ;

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасининг “Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида маблағлардан фойдаланиш бўйича **“Йўл харитаси”** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Лойиҳаниннг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини ҳамда натижадорлигини таъминлайди;

Лойиҳада иштирок этувчи тижорат банклари зиммасига кредит линиясини бошқариш, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси қарзининг ўз вақтида ўзлаштирилиши ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш, шунингдек, сублойиҳаларни амалга ошириш бўйича **ҳисобот ва мониторингни** юритиш вазифалари юкланади.

5. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасининг **35 325 000** АҚШ доллари миқдоридaги қарз маблағларининг қайтарилиши тўлиқлигича Лойиҳа доирасида тижорат банкларига қайта кредитланадиган маблағларнинг қайтарилиши ҳисобидан ҳамда қолган **10 875 000** АҚШ доллари миқдоридaги қарз маблағларининг қайтарилиши Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан амалга оширилади.

6. Лойиҳа доирасида Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасининг қарз

маблағларини қайта кредитлаш битимларида субсидиар қарзнинг фоиз ставкаси “Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси қарз маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан белгилансин.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлигига бир ой муддатда “Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳасига жалб этиладиган қўшимча молиялаштириш маблағлари доирасида Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси қарз маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар киритиш ҳамда Молия вазирлиги ва Марказий банкка тасдиқлаш учун киритиш вазифаси юклатилсин.

8. Молия вазирлиги Лойиҳа доирасида Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси қарз маблағлари бўйича қайта молиялаштириш битимларини, шунингдек, заруриятга кўра, уларга тегишли ўзгартиришларни имзолаш ваколати берилсин.

9. Ташқи ишлар вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буюртманомалари бўйича Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга кириш визалари тез фурсатларда расмийлаштирилишини таъминласин.

10. Ички ишлар вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буюртманомалари бўйича Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга кўп марталик визалар расмийлаштирилиши, берилиши ва муддати узайтирилишини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида вақтинча рўйхатга қўйилиши ва муддати узайтирилишини тез фурсатларда таъминласин.

11. Ҳисоб палатаси Лойиҳа доирасидаги маблағларнинг мақсадли ажратилиши ва сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин ҳамда **ҳар ярим йилда** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

12. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Лойиҳа доирасида ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши жараёнида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш устидан доимий назорат ўрнатсин.

13. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) қишлоқ хўжалиги вазири Ж.Ходжаев:

бир ҳафта муддатда масъул ижрочилар иштирокида мажлис ўтказиб, уларнинг аниқ вазифаларини белгилаб берсин;

икки ҳафта муддатда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда Лойиҳа доирасида маблағлардан фойдаланиш бўйича ҳудудлар кесимида **“Йўл харита”**ларини тасдиқласин;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев), Молия вазирлиги (Эргашев), Марказий банк (Холхужаев) билан биргаликда бир ой муддатда Лойиҳани амалга оширишга масъул бўлган ходимлар учун хорижий консультантларни жалб қилган ҳолда **икки кунлик семинар** ташкил қилсин;

молиялаштирилган сублоийҳалар тўғрисида, шунингдек, уларнинг сифатли амалга оширилиши устидан мониторинг натижалари юзасидан **ҳар чорак якуни бўйича** Вазирлар Маҳкамасига маълумот киритиб борсин;

б) Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари **бир ой муддатда** Лойиҳа доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар юзасидан ташаббускорлар иштирокида тақдимотлар ўтказсин;

в) қишлоқ хўжалиги вазири Ж.Ходжаев:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида **соҳанинг етук маҳаллий мутахассисларидан иборат бўлган илмий-техник кенгашни шакллантириб**, у томонидан Лойиҳанинг компонентлари доирасидаги техник топшириқлар амалга оширилиши, ҳужжатларнинг кўриб чиқилиши ва дастлабки хулоса берилишини;

қишлоқ хўжалигида билим, ин-

новациялар ва агрохизматлар тизими доирасида **илмий-тадқиқот ва инновация йўналишларига маблағларни ажратишда** соҳани ривожлантиришнинг **устувор вазифаларига мувофиқлиги, иқтисодий самарадорлиги ва асосланганлигига** алоҳида эътибор қаратилишини;

Лойиҳани амалга оширишда қишлоқ хўжалигига ихтисослашган олий таълим муассасаларини кенг жалб қилиб, **амалий семинар ва ўқув курслари ташкил этилишини**;

Лойиҳа доирасида иқтисод қилинган маблағларни **молиялаштиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб**, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси билан келишган ҳолда қайта тақсимланишини таъминласин.

Қишлоқ хўжалиги вазирига, зарур ҳолларда, ушбу қарорнинг 1 ва 3-иловалари билан тасдиқланган Лойиҳа **техник-иқтисодий асосланувининг асосий кўрсаткичлари** ҳамда **“Йўл харитаси”га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи** берилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 ноябрдаги “Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси иштирокида “Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4021-сон қарорига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

15. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А.Қўчқоров ва Ў.И.Барноев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**
Тошкент шаҳри,
2020 йил 15 сентябрь

БОҒ-ТОКЗОРЛАРДАГИ КУЗГИ ЮМУШЛАР

Республикамизда боғ-токзорлар майдонлари йилдан-йилга кўпайиб, улардан олинadиган маҳсулот миқдори ҳам ортиб бормоқда. Жорий йилда 2,7 млн тонна мева ва 1,8 млн тонна узум маҳсулотлари етиштириш режаси янгилашди, ушбу марраларни эгаллашга оз қолди.



Октябрь ойи бошида мевали ўсимликлардан олма ва нокнинг кеч қишки навлари, беҳи, шарқ хурмоси, анор навларининг ҳамда узумнинг кечки қишки "Пушти тоифи", нимранг ва Октябрьский навлари ҳам териб олинди, боғ-токзорларни қишга тайёрлаш зарур.

Уларда меваларнинг барча турлари ва узум навлари териб олинган, келаси йил боғ ва токзорлардан юқори ва сифатли маҳсулот олиш мақсадида мева дарахтларини ва токзорлардан ток тупларини қишнинг аёзли совуқ кунларига чидамлилигини ошириш чораларини кўриш тақозо этади.

Бунинг учун октябрь ойида боғ-токзорларда суғоришни батамом тўхтатиш зарур (интесив боғлар бундан мустасно). Боғларда боғ қатор ораларини ҳайдашдан олдин, уларни кузги озиклантириш, яъни ҳар бир гектар майдонга 15-20 тонна чириган гўн, минерал ўғитлардан соф ҳолда 180 кг фосфор, 90 кг калий ўғитини солиб, бўз тупроқли суғориладиган боғларда дарахтларнинг қатор оралари 25-30 см чуқурликда, шағалли ерларда 15-20 см чуқурликда шудгор қилиниши керак. Бунда юза жойлашган илдишлар шикастланмайди. Тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида боғларда дарахтларнинг қатор ораларига сидерат ўтларни экиб, баҳорда уларни ҳайдаб ташлаш ҳам жуда яхши самара беради.

Боғларда кўплаб касаллик ва зараркунандаларнинг замбуруғлари дарахтларнинг пўстларининг ораларида қишлайди. Уларни йўқ қилиб ташлаш мақсадида дарахтларнинг танаси оқланади.



Шунда улар қишки совуқлардан ҳам яхши ҳимоя қилинади. Бунда 2 кг тупроққа 1,5-2 кг оҳак аралаштириб, ҳар

10 л эритмага озроқ мол шатмоғидан кўшиб, уни суюқ қаймоқсимон масса ҳолига келтириб, дарахтларнинг танаси ҳамда она шохларини тўлиқ оқлаш зарур. Ушбу суюқлик данакли мева дарахтлари (ўрик, шафтоли, гилос, олхўри ва олча) га айниқса яхши самара беради. Агарда ҳар 10 литр эритмага 80-100 грамм мис купросини сувда эритиб, кўшиб юборилса самараси янада ортади.

Уруғли мева боғларида (олма, нок, беҳи) дарахтлардан тўкилган баргларида касаллик ва зараркунандаларнинг юқумлари сақланади, шунинг учун боғларда қатор ораларидаги тупроқ ағдариб ҳайдалади. Ҳайдалмай қолган ҳар бир дарахт 25 см чуқурликда ағдариб чопилади. Касалланган, синган шохлар, қуриб қолган дарахтлар қирқилиб, боғ ташқарисига чиқариб ташланади. Об-ҳаво шароитига қараб октябрь ойи охирида дарахтларнинг барги ёппасига тўкилса, замбуруғ касалликларига қарши бордо суюқлигининг 3 фоизли ёки 6 фоизли карбамид эритмаси билан яхшилаб ювиш керак.

Токзорларда ток тупларини қирқиш, кўндоқлаш ҳамда ерга кўмиш ишлари олиб борилади.

Мамлакатимизда айрим йиллари қишда ҳаво ҳарорати қисқа муддатли -25-30°C гача пасаяди, бу ток тупларини қишда ерга кўмишни талаб этади. Шунинг учун ушбу ойда ток тупларига шакл бериб қирқиш, кўндоқлаш ва кўмиш ишлари бажарилади. Ток туплари кўмилмайдиган жанубий минтақаларда кузда ток туплари кесилмайди, чунки кесилган токнинг совуққа чалиниши кучаяди. Кесиладиган ток тупларининг нави ёки симбағазнинг турига қараб шакл берилади. Ток тупларини кесишда биринчи галда оидиум (кул), антракноз, милдью, бактериал рак билан зарарланган новдалар ва занглар қирқиб олинди, токзордан чиқариб ёқиб юборилади. Кўпинча деҳқонлар ток тупларини ёпиш мақсадида қирқилган новдалардан фойдаланишади. Бунга асло йўл қўймаслик керак. Чунки турли касаллик юқумлари билан барг ва новдалар келаси йили уларнинг янада кўпроқ тарқалишига замин яратади.

Ток туллари кесилгач, улар кўндоқланиб, ерга ётқизилади. Уларни кўмишдан олдин оидиум (кул), антракноз, милдью ва бактериал рак касалликларининг юқумларига қарши 3 фоизли бордо суюқлиги 5 градусли оҳак-олтингургурт (ИСО) қайнатмаси ёки мис купросининг 3фоизли эритмаси билан пуркаш зарур. Ток туллари шимолий минтақаларда 25-30 см қалинликда тупроқ билан кўмилади. Бошқа минтақаларда эса тупроқ қалинлиги 20-25 см бўлиши керак. Тупроққа ток кўчатини яхши кўмилиши учун тупроқдаги намлик 70-80 фоизни ташкил қилиши керак. Бунинг учун ток туллари кўндоқлангандан сўнг ёки олдин токзор енгил суғорилиши зарур.

Токзорлардан келгуси йили юқори ҳосил олиш учун токзорларни озиклантириш зарур. Бунда токзорларда гектарига 15-20 тонна миқдорида органик ўғит (гўн), 90 кг соф ҳолда фосфор, 60 кг калий ўғитларини солиш керак.

Резавор экинларда (кулупнай, қорағат, малина) алоҳида эътибор қаратиш керак. Қулупнайзорлар бегона ўтлардан тозаланиб, қатор оралари культивация қилиниб, ўсимликнинг икки томонига қишки совуқдан ҳимоя қилиш мақсадида органик ўғит гўн 15-20 тонна ҳисобида солинади. Ой давомида ёгингарчилик бўлмаса кулупнайзор бир марта суғорилади.

Цитрус ўсимликларининг дарахтларини иссиқхоналарда кўпинча юмшоқ сохта қалқондор, ўсимлик битлари, каналар зарарлайди. Ушбу зараркунандаларнинг олдини олиш мақсадида. Уларга қарши Омайт (10 л сувга 3-4 гр), Данадин (10 л сувга 10гр), Нигуол, Алтикор (10 л сувга 1,5 гр), Вертимекс препаратларини 0,5-0,8 фоизли қилиб бирортасини сепса бўлади. Препаратлар ўсимликни ҳамма қисмига, айниқса баргининг пастки тарафидан пуркалади.

Цитрус ўсимликларининг оқ каналарига қарши Нигуол, Алтикор (10

л сувга 1,5 гр) эрталаб ва кечкурунлари яъни каналар ёппасига учиб чиққанда пуркалади. Бу иш 10 кунда такоррланади. Цитрус ўсимликларининг баргларидаги қора қуясимон замбуруғлар ва чириш касалликларини сув билан ювганда улар кетмайди. Бунинг учун барглар 1 фоизли Бордо суюқлиги ёки 0,5 фоизли мис хлор оксиди эритмаси билан қўшимча



пуркалганда улар йўқ қилинади. Цитрус ўсимликларининг октябрь ойида бир марта қорамол гўнги билан парранда гўнги тенг миқдорда олиб сувда яхшилаб аралаштириб суғорилса, ўсимликларнинг совуққа чидамлилиги ортади. Ҳаво ҳарорати иссиқ бўлса суғоришни яна бир икки марта қайтариш мумкин. Юқорида баён этилган тадбирлар ўз вақтида ва

сифатли бажарилса, келаси йили мева-узумдан мўл ва сифатли ҳосил олишга замин яратилади.

Равшан АБДУЛЛАЕВ,
қ.х.ф.н.,
Жамшид АГЗАМХОДЖАЕВ,
Ахмаджон ҚОСИМОВ,
Санжар ШОДИЕВ,
Абдурахмон ПАРДАБОЕВ,
илмий ходимлар
Академик М.Мирзаев номидаги
БуваВИТИ.

ТАВСИЯ

ТЎҚСОНБОСТИ ЭКИНЛАРНИ ЭКИШГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Октябрь ойида пишиб этилган сабзавот, полиз ва картошка экинлари ҳосилини ўз муддатида, кечиктирмай йиғиб олиш катта аҳамиятга эга. Ёз ойларида экилган кечки карам, сабзи, ош лавлаги ҳамда картошка ҳосили ушбу ойнинг иккинчи ярмидан бошлаб ноябрь ойининг охиригача йиғиб олинади. Шунингдек, кечки муддатда экилган сабзавотлардан – шолғом, турп, кўкатлар ва август-сентябрь ойларида экилган пиёз, саримсоқ экинлари майдонларида ўсимликларни яғаналаш, беғона ўтларни ўташ, сўғориш каби парваришлаш ишларини сифатли ўтказиш юқори ҳосил етиштириш омили ҳисобланади.

Ушбу ойда миришкор дехқонларимиз **тўқсонбости усулида сабзавот экиш** ишларига тайёргарлик кўришлари лозим. Бунда экин экиш режалаштирилган майдонларни сифатли тайёрлаш, талаб этиладиган юқори сифатли уруғликлар, минерал ва органик ўғитлар захирасини шакллантиришлари лозим.

Ушбу усулда совуққа чидамли бўлган сабзавот экинларидан сабзи, пиёз, ош лавлаги, кўкат сабзавотлардан исмамоқ, укроп, петрушка, сельдерей, кашнич, салат экинларининг уруғлари кеч кузда совуқ ва намгарчилик бошланмасдан ноябрь ойининг иккинчи ярми декабрь ойининг биринчи декадасида сепилади. Яна бир муҳим жиҳат, тўқсонбости муддатда сабзавот уруғлар сарфи 20% гача кўпроқ бўлиши лозим.

Қуйида тўқсонбости усулида экиш учун тавсия этилган сабзавот экинларини етиштириш бўйича тавсиялар келтирилган.

Пиёз уруғини тўқсонбости усулида экиш муддатига кўра жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь-15 декабрь ва шимолий вилоятларда 1 ноябрь-1 декабрь кунларига тўғри келади. Пиёз уруғи ҳар бир гектарига 18 кг гача сарфланади.

Тўқсонбости муддатда пиёзни маҳаллий шароитда яратилган “Истиқбол”, “Зафар”, хорижнинг “Манас”, “Дайтона”, “Леоне”, “Банко”

навларини экиш тавсия этилади.

Пиёз катта майдонларда СКОН-4,2, СММ-4 русумли сеялка билан, кичик майдонларда эса қўл кучи ёрдамида ернинг нишабига қараб қатор ораларини 70-90 см дан олиб, уч-тўрт қаторли усулда ёки қўлда сочиб экилади.

Нўш пиёз. Тўқсонбости усулида пиёзни уруғидан етиштиришдан ташқари унинг нўш пиёздан етиштириш киради. Нўш пиёзлар баъзан кузда (октябрь – ноябрь ойларида) ёки эрта баҳорда нўш пиёз (майда пиёзбоплар) экилади.

Нўш пиёз кузда экилгани маъқул, чунки майда пиёзбошларни қишда сақлаш кўп чиқитга чиқишга олиб келади. Нўш пиёз пушталарга ёки текис далаларга (маркёр изи бўйича) бўйнигача ботириб, икки қаторлаб лента шаклида экилади. Бунда ленталар ораси 50-60 см ва қатордаги пиёзлар ораси 10 см дан қилинади. Бунда 4 см йирикликдаги пиёзбошлар 10-12 кг/м² ҳисобидан зич қилиб экилади.



Тўқсонбости муддатда нўш пиёзни маҳаллий шароитда яратилган “Истиқбол” ва “Зафар” навлари ҳамда хорижнинг Манас, Дайтона, Леоне, Банко ва Родар каби навларини экиш тавсия этилади.

Сабзи уруғини тўқсонбости усулида экиш ишларини Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь-15 декабрь ва шимолий вилоятларда 1 ноябрь -1 декабрь кунларига тўғри келади.



Сабзининг илдизмеваси қизил рангли, маҳаллий “Зийнатли”, “Фаровон”, хорижнинг “Шантане 2461”, “Куроода Шантанэ”, “Нантская 4”, “Канада”, “Карсон” каби нав ва дурагайларини экиш тавсия этилади.

Ош лавлаги уруғларини тўқсонбости усулида экиш муддати жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь-15 декабрь ва шимолий вилоятларда 1 ноябрь-1 декабрь кунларига тўғри келади.

Ош лавлагининг маҳаллий “Диёр”, “Ягона” ва хориждан келтириладиган навларидан “Бордо 237”, “Бикорес”, “Боро F₁”, “Детройт”, “Пабло F₁” дурагайлари экиш учун тавсия этилади.

Лавлаги уруғлари 4-5°C да униб чиқа бошлайди, ўсиб ва ривожланиб бориши учун энг қулай ҳарорат 20-25°C дир. Лавлаги совуқ (-2-3°) ва юқори ҳарорат таъсирига чидамли бўлади, тупроқда нам етарли даражада бўлганда юқори ҳосил беради.

Уруғ сарфи тўқсонбости усулида экишда 16-18 кг. Экиш эггалари 60-70 см бўлиб, 2-3 қаторли, ўсимлик оралари



8-10 см, 2-3 см уруғлар чуқурликка экилади.

Ерни шудгор қилишдан олдин гектари-га 25-30 тонна чириган гўнг, 320 кг аммо-фос, 180 кг калий хлор ўғити солинади.

Ош лавлаги ўстиришда тупроқнинг тўйинган дала нам сиғимига нисбатан суғоришдан олдинги тупроқ намлиги 65-70 % бўлиши керак.

Кўкат сабзавотлар овқатга турли кўринишда ишлатилади. Уларга бир йиллик, икки йиллик ва кўп йиллик сабзавотлар қиради. Кўкат сабзавотлар витаминларга, минерал тузларга, эфир мойларига ва ферментларга бой бўлиб, зиравор сифатида сабзавотларни тузлашда ҳам ишлатилади.

Кўкат сабзавотлар юқори ҳосилдорлиги, тезпишарлиги, иссиққа кам талабчанлиги, тупроққа, намга ва озиқ моддаларга кўп талабчанлиги билан бошқа сабзавотлардан ажралиб турадилар.

Кўкат сабзавотлар ниҳоллари пайдо бўлгандан кейин 30-40 кунда ҳосили йиғиб олиннадиган даражага етади. Уларни йил давомида экиб янги сабзавот етиштириб туриш имконияти бор.

Кўкат сабзавотларга юқори ҳарорат салбий таъсир қилади, иссиқ ортиқча ва ҳавонинг нисбий намлиги паст (60% дан) бўлса, ўсимлик барвақт гулпоя чиқаради, барглари суз ўсади, ҳосили камаяди, баргининг сифати пасаяди, шираси кам, ўзи дағал бўлиб қолади.

Кўкат сабзавотлар ва салатни экиш муддати жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь-15 декабрь ва шимолий вилоятларда 1 ноябрь-1 декабрь кунларига тўғри келади.

Салат (барг салат) бир йиллик ўсимлик бўлиб, у йирик барглардан иборат паст тупбарг ёки салат боши ҳосил қилади.

Салатнинг маҳаллий Кўк шох ва хориждан келтирилайдиган Фиоретт, Конкорд F₁, Лагунас F₁, Левистро F₁, Саула F₁ навлари экиш учун тавсия этилади.

Салат совуққа чидамли ўсимлик. Барглари ўсиши ва бош ўраши учун қўлай ҳарорат кундузи 15-20°C ва кечаси

12-15°C бўлиши керак. У 5°C паст ҳароратда ҳам оз бўлсада ўсаверади.

Уруғи лентасимон усулида 2-3 қатор қилиб экилади. Бунда ленталар ораси 45-60 см, лентадаги қаторлар ораси 15 см қилинади. Бир гектар ерга салат уруғидан 4-5 кг, бошли салатниқидан 3-4 кг экилади. Салат уруғи сепилгандан сўнг майдон суғорилмайди. Барча агротехник тадбирлар баҳорда бошланади.

Исмалоқ ўсимлиги совуққа чидамли сабзавотлар қаторига қиради. Уруғи 3°C ҳароратда кўкариб чиқади. Ёш ўсимликлари 6-8°C гача совуққа бардош беради. Ҳароратнинг юқори бўлиши ва ҳаво намлигини пасайиб кетиши ўсимликка салбий таъсир қилади, барглари майда бўлиб қолади. Исмалоқ ҳосили ниҳоллар пайдо бўлгандан 25-40 кундан сўнг йиғиб олинади.

Исмалоқни фақат битта “Нафис” нави Давлат реестрига киритилган. Исмалоқ сабзавот сеялкалари билан қўш қаторлаб, ленталар ораси 50-60 см ва қаторлар орасини 15-20 см.дан қилиб экилади. Ҳар гектар ерга 15-20 кг уруғ, 2-3 см чуқурликка кўмилади. Исмалоқ уруғи сепилгандан сўнг майдон суғорилмайди.

Ўсув даврида парвариш қилиш ишлари экинни суғориш, қатор ораларини юмшатиш ва бегона ўтларни ўташдан иборат. Озиқ-овқатга ишлатиладиган исмалоқ яғана қилинмайди. Исмалоқ 5-6 та барг чиқаргандан бошлаб кесилиб ёки юлиниб, ҳосили бир неча марта йиғиштирилади. Гулпоялар чиқарганда ҳосили терилмайди.

Исмалоқ ўстиришда тупроқнинг тўйинган дала нам сиғимига нисбатан суғоришдан олдинги тупроқ намлиги 70-75% бўлиши керак.

Укроп бир йиллик ўсимлик ҳисобланади. Укропнинг маҳаллий Узбекский 243, “Ором” ва хориждан келтирилайдиган “Анет” навлари экилади. Кўклигида ишлатиладиган укроп уруғи полларга қалин қилиб сепилади. Бир гектар ерга 20-25 кг уруғ сарфланади.

Кашничнинг “Орзу” ва “Янтарь” навлари экиш учун тавсия этилади.

Кашнич совуққа чидамли бир йиллик ўтчил ўсимлик ҳисобланади. Унинг уруғини ўсиши учун 5-6°C, кўкариб ҳосил яратиши учун 15-16°C ҳарорат керак. Кашни

вегетация бошида секин ўсади, кейин тез ривожланади. Унинг барра барглари 2-3 марта ўриб олиш мумкин. Бунда 1-1,5 см танаси қолдирилади, тегишли шароит яратилганда барги яна ўсиб чиқаверади. Вақтида ўриб олинмаса, уруғпоя ҳосил қилади.

Кашнич ер танламайди. Уруғи экилгандан сўнг 35-40 кунда ҳосили етилади. Пол қилиб сепилганда гектарига 8-10 кг уруғ сарфланади. Уруғ экилгандан сўнг, устидан майда чириган гўнг сепилади. Асосий парвариши 1-2 марта ўташ, қалин ерларини бир оз яғаналаш ва вақтида суғоришдан иборат. Яхши парваришланганда гектаридан 12-15 тоннагача ҳосил олиш мумкин.

Петрушканинг “Нилуфар”, “Сахарная” ва “Новас” навлари экиш учун тавсия этилади.

Петрушка совуққа чидамли икки йиллик ўтчил ўсимлик ҳисобланади. Унинг уруғини ўсиши учун 5-6°C, кўкариб ҳосил яратиши учун 15-16°C ҳарорат керак. Петрушка вегетация бошида секин ўсади, кейин тез ривожланади. Унинг барра барглари 3-4 марта ўриб олиш мумкин. Бунда 1-1,5 см танаси қолдирилади, тегишли шароит яратилганда барги яна ўсиб чиқаверади.


Петрушка ер танламайди. Уруғи экилгандан сўнг 55-60 кунда ҳосили етилади. Пол қилиб сепилганда гектарига 3-4 кг уруғ сарфланади. Уруғ экилгандан сўнг, устидан майда чириган гўнг сепилади. Асосий парвариши 1-2 марта ўташ, қалин ерларини бир оз яғаналаш ва вақтида суғоришдан иборат. Яхши парваришланганда гектаридан 10-12 тоннагача ҳосил олиш мумкин.

Тўқсонбости усулида экилган сабзавот экинлари уруғлари эрта кўкламда ердан жуда барвақт униб чиқиб, тез ривожланиши ҳисобига эрта ҳосил беради.

Сабзавот уруғлари экилган эгатлар устидан чириган маҳаллий ўғитлар ёки дарахт қипиқлари билан мулчалаш ёки шаффоф полиэтилен плёнкаларини ёпиш тадбирларини қўллаш экилган сабзавот уруғларини эрта

кўкламда барвақт униб чиқиб, жадал ўсиб ривожланиши ҳисобига эрта баҳорда экишга қараганда ҳосил етилиши 25-30 кунгача эртароқ, ҳосилдорлиги эса 15-20% га ортиқроқ бўлади.

Рустам НИЗОМОВ, қ.х.ф.д., Фахриддин РАСУЛОВ, қ.х.ф.ф.д., Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ.



МАШИНА ТЕРИМИ – ИШНИНГ УНУМИ

Дехқонларимиз пахта йиғим-терими мавсумини доимо интиқлик билан кутган. Чунки уларнинг йил бўйи қилган меҳнати шу мавсумда “тарозида тортилган” ва баҳоланган. Терим қатнашчилари, айниқса пахта териш машиналарининг механик-хайдовчилари эл ардоғида бўлган.



Элликка яқин механик-хайдовчиларимиз Меҳнат Қаҳрамони деган юсак унвон билан тақдирланган. Машхур механизатор Турсуной Охунова бу унвоннинг қўш соҳибаси эди.

Фермер хўжаликлари ва агрокластерлар ҳозирда “Кейс-2022”, СЕ-220 русумли горизонтал шпинделли ва МХ-1,8 русумли вертикал шпинделли замонавий пахта териш машиналарига эга. МХ-1,8 ва СЕ-220 машиналарининг алоҳида афзаллиги шундаки, пахта йиғим терими мавсуми якунлангандан кейин улардан тракторларни ажратиб олиб, 10-11 ой бошқа қишлоқ хўжалиги юмушларини бажаришда фойдаланилади. Бу эса табиийки, машиналарни сотиб олишга сарфланган харажатларнинг тезроқ қопланишига имконият яратилди, деганидир.

Жиззах вилоятидаги «Агросервис Дўстлик МТП»нинг Қаҳрамон Қўзибаев, Рустам Мукаррамов, Ғанишер Суёнов каби механик хайдовчилари “Кейс-2020” икки қаторли горизонтал шпинделли машиналар ёрдамида ҳар куни 10-15 тонна ҳосилни йиғиштириб олмоқда. Кунларнинг исиши, ғўза тупларидаги кўк барглarning тўла тўкилиши ва кўсақларнинг кўп очилиши ҳисобига машиналарнинг кунлик иш унуми тез кунларда 20-25 тоннагача ошади. Бу ҳам чегара эмас. Зафар Жураев, Бахтиёр Отабоев, Шавкат Турсункулов ва Ғайрат Бобобеков сингари моҳир механизаторлар “Кейс”да бир мавсумнинг ўзида 250-550 тонна пахта ҳосилини териб олиш мумкинлигини олдинги йиллари амалда исботлаб қўйганлар.

Сирдарё туманидаги “Агросервис Сирдарё МТП” МЧЖ механизаторлари ва муҳандис-техник ходимлари МХ-1,8 вертикал шпинделли машиналарни юқори унум билан

ишлатиш сир-асрорларини пухта эгаллаб олишган. Улар мавсум бошлангунга қадар трактор двигатели, терим аппарати, пневматик система, машинанинг юриш қисми узел ва деталларини сифатли таъмирлайдилар, созлаш ишларини пахта даласининг ҳолатига қараб бажарадилар. Носозликларни жойида бартараф қиладилар. Шу боис машиналар мавсум давомида бузилмасдан ишлайди.

Машина бузилиб, тўхтаб қолмаса кўп пахта теради. Аъзам Хўжаев, Лутфулла Турақўлов, Ҳайитбой Қурбонов ва Йўлчи Рисбековлар ҳар йили 110-130 тонна ҳосилни бункердан бўшатади.

Уларнинг Ортиғали Сарибоев, Шохимардон Фозилов, Даврон Дадаев, Камол Маҳаммадиев каби издошлари бу йилги мавсумда ҳар куни 8-10 тонна пахта теришга эришмоқдалар.

Машина терими ҳисобига пахта тайёрлаш режаларини бажараётган фермер хўжаликлари сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Сирдарё вилоятидаги “Йўлчибой ота”, “Омонбой ўғли Тугал”, “Тугмабой”, “Абдужаббор”, “Эркаев Бозорбой”, “Сирдарё чуқурсой”, “Алишер Янгибоев”, “Сирли тонг жилоси”, “Янгиобод асил ери”, “Пардаев Бегали”, “Шукур Шуҳрат Файз” фермер хўжаликлари бунинг яққол мисолидир.

Илғор фермерлар бир кунда 20 тонна пахта терадиган машина ҳар бири 50 кг дан терадиган 400 нафар ишчини ўрнини босишини, қўл теримининг фартук, тошу-тарози, ҳар далага битта трактор ва тиркама, одамларни ташийдиган автобус топиш каби ортиқча ғалваларга чек қўйишини яхши биладилар. Бундай фермерлар сафи бу йилги мавсумда янада кенгайишига ишончимиз комил.

Муҳаммадҷон ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д. (ҚХМИТИ).



Анорни севиб истеъмол қилмайдиган инсон бўлмаса керак. Ширин ва нордон таъми ҳамда витаминларга бойлиги туфайли уни минг йиллар давомида инсонлар авайлаб парвариш-лаб келишади. Юртимиздаги кўплаб хонадон эгалари, албатта, ўз ҳовлисига анор кўчатларини экиб парваришлайди.

Президентимиз Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Қува туманида бўлиб, “Қува анори” агрофирмасини кўздан кечирган ва соҳада қилинаётган ишлар юзасидан ўз фикрларини билдириб, анорчиликни ислоҳ қилиш лозимлигини айтган эди. Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги муносабати билан “Қува анори” агрофирмаси раҳбари Мастурахон Сайфиддинова “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими” унвони билан тақдирланди.

— Болалигим анорзорлар ичида ўтган, — дейди опа биз билан суҳбатда.

— 1979 йил ўша пайтдаги давлатимиз раҳбари Шароф Рашидов туманимизга ташриф буюриб, Анорчилик хўжалигига асос солган. У кишининг маслаҳати билан юртимизда мавжуд бўлган барча навлардан олиб келиб, экиб парваришлай бошлаганмиз. 1980 йили “40 қизлар” бригадасини тузиб, бригада бошлиғи лавозимида иш бошлаганман. Анор зах ва шўрхок ерларни суймайди. Шағал аралаш тупроқли майдонларда яхши ривожланади. Бизнинг экин майдонларимиз унинг талабига мос. 1986 йилдан хўжалик раиси сифатида фаолиятимни давом эттирдим. 2006 йили 650 гектар экин майдони билан “Қува анори” агрофирмасини ташкил қилдик. Экин майдонларимиз адирликларда жойлашганлиги, сув таъминоти қийинлиги сабабли ҳудуд СИУсини ҳам бошқара бошладим.

Дунёда 140 дан зиёд анор навлари мавжуд, бизнинг агрофирмамизда шу навлардан 30 дан зиёди парваришланади. Сифатли анор меваларини етиштириш анчагина мураккаб иш. Ҳозирги кунда 289 гектар анорзорни 150 дан зиёд фуқарога тақсимлаб берганмиз. Бу одамлар ҳам анорчиликнинг усталари. Анор кўчатлари 3 йилда нишона кўрсатади, 5-6 йилда тўла ҳосил бера бошлайди. Кўчатлар орасига барча турдаги полиз ва сабзотларни экиш мумкин. Бу ҳам, албатта, яхшигина даромад дегани.

Бир туп анор 35-40 киллограмм ҳосил бериши мумкин. Кўпчилик унинг кўчатларини узоқ яшамайди деб ҳисоблайди. Яхши парваришланса, анор дарахти 100 йилгача ҳосил беради. 289 гектар майдонда етиштирилаётган кўчатларнинг барчасини замонавий томчилаб суғориш ускуналари билан жиҳозладик.

Анор меваларини 18 фоизи ёрилиб кетади, 12 фоизи эса кичрайиб қолади. Қуёшга ўнг томони эса сарғайиб сифати бузилади. Мана шу ҳолатни камайтириш мақсадида анорзорларни қора рангли тенлар билан қоплаб чиқдик. Мақсадимиз чет элларга сифатли маҳсулот экспорт қилиш. Анорзорларимиз орасига ўсма, райхон ва турли кўчатлардан тортиб полиз экинлари-ю, ерэнқоғача

УНВОҢЛИ БОҒҒОН ОПА



экилган. Кўчатларимиз гулини чанглатиш мақсадида 13 та асалари оиласини ҳам парваришляяпмиз.

Хўжалигимизда 0,2 сотих иссиқхона ташкил қилиб, помидор, ҳар хил гуллар ва лимон кўчатлари эқдик. Соҳани янада ривожлантириш мақсадида вилоят бўйича яна 20000 гектар анорзорлар барпо этиш режалаштирилган. Бу эса келгусида анор меваларини етиштириш кўламини янада кенгайтиришга замин бўлиб хизмат қилади. Жорий йилнинг айна кунларига қадар анорзорлар ичида етиштирилаётган ҳар хил мевали дарахтлардан 415 миллион сўмлик олма, ўрик, шафтоли маҳсулотларини халқимиз дастурхонига етказиб бердик. Анор гарчи кўпчиликнинг сеvimли меваси бўлсада, шу кунга қадар бу мева навларини паспорти йўқ эди. Бир неча йиллик сайи ҳаракатларимиз натижасида 6 та навга паспорт олишга эришдик. 1 гектар майдонга оналик қаламчаларини экиб парваришляяпмиз натижасида ён атрофимиздаги хўжаликлар ҳам сифатли кўчатлар ҳарид қилиш имкониятига эга бўлди.

Маълумки, анор меваларини бир мартада узиб олиб бўлмайди. Сабаби бу мева дарахти апрель ойидан август ойигача гуллашда давом этади. Шунинг учун сархил меваларни узаётганда 1-,2-,3-,4- гулларни инобатга олган ҳолда ҳосил йиғилади. 2020 йилда кўчатларимиз ҳосилни йиғиштириб олиш билан банд. Насиб қилса, 5-6 минг тонна анор меваларини экспорт қилишни режалаштирганмиз.

Камтарин меҳнатимни юсак қадрлаб, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими” унвони билан тақдирлагани учун Юртбошимиздан миннатдорман. Бу унвон бизни янада кўпроқ меҳнат қилиш ва изланиш сари чорлайди.

Суратда: “Қува анори” агрофирмаси раҳбари “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими” Мастурахон Сайфиддинова анорзорларни кўздан кечирмоқда.

Ўз мухбиримиз.

ЕР ҲАМ СУЙГАНИИ СУЯДИ



Кўхна ва навқирон Чуст тумани азалдан ўзининг уста деҳқонлари ва тажрибали тадбиркорлари билан донг таратган. Шунинг учун юртимизнинг турли бурчакларидан бу туманга баъзи одамлар тажриба алмашгани келса, баъзилари азим Чустнинг боғида мазмунли дам олиб, бир пиёла чой устида суҳбат кургани келади.

— Туманимиз экин майдонлари асосан қир-адирликларда жойлашган, — дейди туман қишлоқ хўжалиги бўлими ходими Анваржон ака Валижонов. — 1191 та фермер хўжалигининг 19372,06 гектар экин майдони бор. 241 та хўжалиқда ғалла ва пахта етиштирилади. Экин майдонларимизнинг талайгина қисми тош ва шағал аралаш ҳудудлардан иборат бўлганлиги сабаб бу ерларда меҳнат қилиб, мўлжалланган ҳосилни олиш жуда қийин. Шундай бўлсада, йиллар давомида тажриба тўплаб агротехник тадбирларни ўз вақтида адо этаётган фермер хўжалиқларимиз раҳбарларининг уддабуронликлари туфайли давлатга пахта ва ғалла сотиш режалари ўз вақтида адо этиб келинмоқда.

Жорий йил туман аҳли учун қувончли кечди. Туманнинг отахон фермерларидан бири “Наби-Собир” фермер хўжалиги раҳбари Самаджон ака Собиров мустақиллигимизнинг 29 йиллиги арафасида Президентимиз фармонида биноан “Дўстлик” ордени билан тақдирланди. Биз орденли фермер учрашиб, суҳбатлашдик.

— 1977 йилдан 2016 йилгача Резаксой насос станциясида фаолият юритдим, — дея гап бошлади фермер. — Оддий ишчидан станция раҳбари лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтдим. Болалигим қадимий Саримсоқтепа қишлоғида ўтган. Қишлоқда катта бўлганим учун ерга меҳрим бўлакча. 2002 йили 10 гектар экин майдонида хўжалигимиз ўз фаолиятини бошлаган эди. Йиллар давомида экин майдонлари ҳосилдорлигини ошириб боришга ҳаракат қилдик. Қаерда куйган тупроқ ёки маҳаллий ўғит кўрсам, олиб

келиб ерга сочдим. Тош ва шағалдан иборат бўлган ерлар йиллар ўтгани сайин унумдор майдонларга айланиб борди.

Ҳозир 95,5 гектар экин майдонимиз бор. Ерларимиз адирликлардаги тош-шағал аралаш майдонлар бўлса-да, уруғчилик хўжалиги ҳисобланамиз. Жорий йил 58 гектар экин майдонида ғалланинг “Перевица” ва “Бригада” навларини экиб, ҳар гектар майдондан режадаги 40 центнер ўрнига 62 центнердан ҳосил олишга эришдик. Режадан ортган ғалланинг 60 тоннасини хўжалигимиз ишчилари ва қишлоғимизнинг кам таъминланган оилаларига тарқатдик.

35 гектар майдонга пахтанинг “Наманган – 34” навини экиб, режада белгиланган 30 центнер ўрнига 40 центнердан ортиқ “оқ олтин” йиғиб олмоқчимиз. Етиштирган пахтаимиз уруғлик бўлганлиги учун ҳам барча агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш билан бирга, меҳр бериб парвариш қилдик. Экин майдонларини Чуст усулида суғордик. Бу усул ўқ ариғдан оқаётган сувни 50-60 метр масофадаги обкаллар аро жуда майда, жилдиратиб суғоришдир. Сувнинг меёрдан ортиб кетиши ернинг ширасини оқиб кетишига сабаб бўлади. Экин майдонларимиз пахта униб чиқиб етилгунга қадар етти маротаба суғорилади. Бу етти маротаба қатор арасига ишлов берувчи тракторлар қиради дегани. Қатор орасига неча маротаба ишлов берсак, шунча маротаба ўғит бериб борамиз.

Ер ҳам суйганни суйди. Биздан ўз неъматини аямайди. Халқимиз олдида юзимиз ёруғ бўлишига ишончим комил. Хўжалигимиз ишчиларини моддий қўллаб-қувватлаш, маҳалламиздаги кам таъминланган оилаларга, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига хомийлик ёрдами кўрсатиш доимий ишимизга айланган. Бундан ташқари, хўжалигимизнинг 5 гектар боғи, 80 оила асалариси, 1,5 сотихлик иссиқхонаси, 0,5 сотихли суний баликхонасида етиштирилаётган маҳсулотларимизни ҳам доимо ишчиларимиз билан баҳам кўрамиз.

Берганга худо ҳам беради, дейди доно халқимиз. Қўли очиқ инсоннинг дастурхони тўкин бўлади. “Дўстлик” ордени соҳиби Самаджон аканинг сўзларини тинглар эканман, қани энди барча фермерларимиз ҳам шундай меҳнаткаш ва қўли очиқ бўлса, уларга ҳам шундай олий нишонлар насиб қилса деган фикр ўтди хаёлимдан.

Суратда: “Дўстлик” ордени соҳиби Самаджон Собиров пахта даласида.

Каримжон ЭРГАШЕВ,
ўз мухбиримиз.

САОДАТ ФЕРМЕРНИНГ САОДАТИ

Жиззах вилоятининг қишлоқ хўжалиги соҳасига алоқадор одамлари Зафаробод туманидаги Охунбобоев номли сув истеъмолчилари уюшмаси деҳқонларининг қатор йиллардан буён эришиб келаётган юқори натижалари ҳақида яхши хабардор. Уюшма таркибидаги фермер хўжаликлари аъзолари йиллар давомида тўпланган бой тажрибаларини ишга солиб, ҳар томонлама мураккаб келган жорий йилда ҳам эътироф этишга арзигулик натижаларни қўлга киритишмоқда. Худуд бўйича давлатга пилла сотиш режасининг 110 фоизга бажарилгани, шартномадагидан 600 тонна кўп ғалла сотилганининг ўзи бу сўзларни тасдиқлайди. 500 гектардан ортиқ майдонга такрорий экинлар экилиб, бу майдонларнинг катта қисми камбағал оилаларга ўзининг иқтисодий аҳволини яхшилаб олиш учун ажратилгани ҳам эътиборга лойиқ.



қилаётгани ҳам жамоа чеварларининг кўли гуллигини исботлайди.

— Ўз ишининг устаси бўлган, даладаги юмушларни бошқа ҳамма ишдан афзал деб биладиган фермерларимиз кўплиги ютуқларимизга омил бўлмоқда, — дейди уюшма раиси Ҳамрой Исматов. — “Боғ боши” фермер хўжалиги раҳбари Саодат Ҳалимовани ҳеч иккиланмасдан шу каби кўпчилиكنинг ҳурмати ва ишончига сазовор бўлганлар сафига кўшишимиз мумкин.

СИУ раҳбари ана шундан кейин мақоламиз қахрамони фаолиятига тасниф берди. Аёл бошига қарамасдан бундан 18 йил аввал атиги 6 гектарда фаолият бошлагани, техника, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар, ишчи кучи етишмаслиги каби қатор камчиликлардан бошидан кечирганини айтиб ўтди. Мавжуд имкониятлар, соҳа ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳадисини олиб, ўзи билан ҳамфикр, яқдил жамоага асос солгани, бунинг натижасида айни пайтда ер майдонини 100 гектарга етказганини эсга олди.

— Саодат опанинг кимлиги, қандай инсоний хислатларга эга экани коронавирус пандемияси хуруж қилган дамларда яққол кўзга ташланди, - дея кўшимча қилади Зафаробод тумани ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосори Иномжон Шакаров. — Фермер ғалладан бўшаган 30 гектардан ортиқ ерини худуддаги кам таъминланган оилаларга бўлиб берди. Нафақат бўлиб берди, балки ушбу майдонларни ўз техникаси билан шудгорлаб, керак бўлса, уруғлик билан таъминлади. Бугун-эрта мана шу ерларда деҳқончилик қилган эҳтиёжманд хонадонлар эгалари такрорий экинлардан мўл ҳосил олиб, ўзларининг оилавий бюджетларини тўлдириш имкониятга эга бўлиб туришибди.

Туманнинг “Ёрқин” маҳалласида мўъжазгина тикувчилик корхонаси мавжуд. Бу ерда шу худуднинг 30 га яқин хотин-қизлари иш билан таъминланган. Фаолият бошлаганига унчалик кўп вақт ўтмаганига қарамай ушбу корхонанинг номи узоқ-яқинга таралиб улгурди: Буюртмаларнинг кўплиги, кўплаб диди нозик мижозларнинг айнан шу манзилга мурожаат

— Кўпчилигимиз ишсиз, уйда ўтирар эдик, бирон-бир юмуш билан шуғулланиб, рўзғоримизга фойдамиз тегишини орзу қилардик, - дейди тикувчилардан бири Зулайҳо Муҳаммадиева. — Саодат опа бизнинг ана шу ниятимизни амалга оширди. Қишлоғимизда тикувчилик цехи очиб берди. Кўнглимизга ёққан ишни бажариш билан бирга мўмай пул топиб, оиламиз корига ишлатаётгимиздан мамнунмиз.

Мана-мен деган айрим забардаст йигитларнинг қанчаси қўл силтаб, ташлаб кетган иш — фермерликни “эплаб” келаётган, бу ишдан ортиб, тадбиркорликни ҳам йўлга қўяётган, ўзгалар ёрдамига муҳтож ҳамюртларига қўлидан келганича ёрдам қилаётган Саодат Ҳалимова ҳақида кўп ва хўб гапириш мумкин. Аммо битта факт — яқинда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида Президентимиз фармони билан “Дўстлик” орденига сазовор бўлганининг ўзи бу аёлнинг кимлигини тасдиқлайди, унинг ҳаёти ва фаолиятига муносиб баҳо бўлади.

— Юртимизда кейинги уч-тўрт йил ичида жуда кўп ижобий ўзгаришлар бўлмоқда, — дейди Саодат Ҳалимова. — Битта ўзимни мисол қиладиган бўлсам, шу муддат ичида “Мустақилликнинг 25 йиллиги” кўкрак нишони, “Илғор фермер” совринини олишга муваффақ бўлдим. Бу йил эса, “Дўстлик” орденига муносиб кўришди. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон, деган жаннатмакон юртда ҳеч бир инсон, амалга оширилган ҳар бир савобли иш бесамар кетмаслигини исботлайди.

Оддий фермер, чекка қишлоқда яшаётган бир меҳнаткаш аёлнинг бундай фикр-мулоҳазалари барчани дунёга, атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга бошқа кўз, теран нигоҳ билан қарашга ундайди. Мустақил юртда яшаётганиндан, шу заминнинг тақдирини ўз қўли билан яратаётган одамлари кўплигидан руҳланиб кетасан, киши!..

Суратда: “Дўстлик” ордени соҳибаси Саодат Ҳалимова.

Худойберди КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.

МИРОВ МЕХНАТИНИНГ РАҒВАТИ

Мамлакатимиз Президентининг “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармонида биноан тақдирланганлар орасида Сирдарё вилоятидаги “Шўрўзак-Сирдарё” ирригация тизими бошқармасининг Ўнг тармоқ канали муҳандис-гидротехниги Хажимаҳмад Саттаров ҳам бор. У киши “Шухрат” медали соҳиби бўлди.

Қуйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси жамоаси юсак мукофот билан Х.Саттаровни қутлашди. Тадбирда “Шухрат” медали соҳибига Сув хўжалиги вазирлиги раҳбариятнинг табриги ўқиб эшиттирилди.

Камтарона меҳнатларимиз давлатимизнинг юсак мукофотида лойиқ қўрилганидан бошим осмонга етди, – дейди Х.Саттаров. – Аслида бу нафақат “Шўрўзак-Сирдарё” ирригация тизими бошқармаси жамоаси, балки бутун сирдарёлик сувчиларга берилган мукофотдир. У бизни янада ғайрат билан меҳнат қилишга, олдимизга қўйилган вазифаларни сидқидилдан бажаришга ундайди.

Қуйи Сирдарё ИТХБ матбуот хизмати.



ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ЁМОНЖАР КАНАЛИДА РЕКОНСТРУКЦИЯ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ

2019-2020 йилларда Бухоро вилоятида Ёмонжар каналини реконструкция қилиш бўйича катта ишлар бажарилди. Жумладан, республика ва маҳаллий бюджетдан 16 млрд сўмдан зиёд маблағ ажратилиб, каналнинг 7,2 км қисми бетонлаштирилди, 20 км қисми механизмлар ёрдамида тозаланди.

Ёмонжар каналини реконструкция қилишда АҚШ билан ҳамкорлик ўзининг амалий самарасини берди. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг таклифига биноан, АҚШнинг Халқаро тараққиёт Агентлиги молиялаштираётган, Марказий Осиё минтақавий экологик маркази томонидан амалга оширилаётган “Марказий Осиёда сув, таълим ва ҳамкорлик” лойиҳаси (Smart Waters) доирасида Ёмонжар каналида техник тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, сув тўсувчи иншоот ва гидрометрик постлар барпо этилди.

Сув чиқарувчи иншоот реконструкция қилиниб, канал қирғоғида бетонлаштириш ишлари олиб борилди. Ушбу мақсадлар учун 121 минг АҚШ доллари ўзлаштирилди.

Лойиҳа якунланиши муносабати билан Ёмонжар каналнинг Қоракўл туманидан ўтган қисмида, янги барпо

этилган сув тўсувчи иншоот бўйида тадбир ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Бухоро вилояти сув хўжалиги ташкилотлари, Сув истеъмолчилари уюшмалари, Марказий Осиё минтақавий экологик ташкилоти вакиллари, Олот ва Қоракўл тумани ҳокимлари, ҳудуддаги фермерлар ҳамда томорқа



ер эгалари иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққанлар Ёмонжар каналининг реконструкция қилиниши ҳудудда сув таъминотини ва уни бошқаришни яхшилаганини таъкидладилар. Натижада ҳудуддаги фермер хўжаликлари ва аҳоли томорқаларида ҳосилдорлик ошди. Сув йўқотишлари камайиб, каналнинг фойдали иш коэффициенти ортди. Барпо этилган гидрометрик пост орқали Олот ва Қоракўл туманлари ўртасида сувни тақсимлаш чоғида унинг аниқ ҳисобини юритиш имкони яратилди.

Шунингдек, Ёмонжар каналидаги реконструкция ишларининг якунига бағишлаб онлайн тадбир бўлиб ўтди. Унда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Дэниел Розенблум, Марказий Осиё минтақавий экологик маркази ижрочи директори Зафар Маҳмудов, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг ўринбосари В.Аҳмаджонов ва бошқалар қатнашди. Онлайн мулоқот аввалида Ёмонжар каналида бажарилган ишлар ҳақида видеоролик намойиш этилди.

- Янги барпо этилган ёки реконструкция қилиниб, Ёмонжар канали сувидан фойдаланувчилар учун топширилган сув иншоотлари Бухоро вилоятининг Қоракўл ва Олот туманларидаги 7 минг гектардан зиёд суғориладиган ерларнинг сув таъминотини яхшилайдди. Шу билан бирга, сувнинг тақсимоти ва бошқарувини сифат жиҳатдан юксалтиришга хизмат қилади, - дейди АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Дэниел Розенблум.

Аму-Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармасидан маълум қилишларича, келгусида вилоятдаги бошқа каналларни ҳам реконструкция қилиш ишлари изчил давом эттирилади.

*Сув хўжалиги вазирлиги
Матбуот хизмати.*

МЕҲНАТИДАН ШУҲРАТ ТОПГАН АЛЕКСАНДР



Инсон доимо орзу-умидлар билан яшайди. Болалигидан узоқ умр кечирини, ҳеч кимдан кам бўлмасликни, севган касбига эришини орзу қилади.

Хоразм вилоятининг Гурлан туманида истиқомат қилаётган Александр Вапаев ҳам орзулари изидан қувлаб 50 ёшга етганини сезмай қолди. Лекин ўтган йиллари бекор кетмади. У бу йилларда улғайди, оқ-қорани таниди, қачондир шогирд эди, энди ўзи устоз бўлди.

—28 йилдирки экскаватор рулини бошқариб, канал ва зовурлар қазииш билан шуғулланаман, шу касбни болалигимдан севаман. Қандай қилиб бўлса-да меҳнаткаш деҳқонлар оғирини енгил қилаётганимдан, оддийгина меҳнатимга берилаётган юксак баҳодан ҳам ҳайратда, ҳам севинчдаман,— дейди у.

1971 йили Россияда туғилган Александр Гурлан туманида тақдир тақозоси билан касб-ҳунар техника билим юртини тугаллади.

1992-1999 йилларда “Хоразмсувқурилиш” трестининг Гурлан механизациялашган кўчма колоннасида экскаваторчи бўлиб ишлади, камтарлиги сабаб, бир талай дўсту биродарлар орттирди. Шундан кейин тўрт йил давомида туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида экскаваторчи бўлиб ишлади.

2003 йилдан бошлаб “Қарамази Қиличбай” ирригация тизими бошқармасида экскаватор бошқариб келаётган қаҳрамонимиз 2014 йилда бошқарма томонидан ўтказилган кўрик-танловда “Энг яхши экскаваторчи” номинацияси ғолиби бўлди. Бу унинг илк муваффақиятидир, эҳтимол. Аммо меҳнат машаққатларидан чўчимади, кунлар тунларга уланган пайтлар ҳам бўлди. Гурлан туманидаги шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларида у доимо етакчилик қилди.

— Вапаевни барча ҳамкасблари хурмат қилади, у ўзидан олдин дўстини уйлайдиган инсон. Режа ва топшириқларни доимо биринчилардан бўлиб уддалайди. Мустақиллигимизнинг 29 йиллик байрами арафасида Президентимиз фармонида биноан “Шуҳрат” медалига сазовор бўлганлигини эшитиб, барча ҳамкасблар қувондик, — дейди “Қарамази Қиличбай” ирригация тизими бошқармаси бошлиғи Ш. Раҳмонов.

Бугун эл хизматида камарбаста бўлиб, ўз касбига меҳр қўйган Александр Вапаевни барча элдошлари ва шогирдлари қатори биз ҳам юксак мукофот “Шуҳрат” медали билан чин дилдан мубороқбод этамиз.

Суратда: “Шуҳрат” ордени соҳиби Александр Вапаев.

Шукуржон ЖАББАРОВА,
ўз мухбиримиз.

Маълумки, Президентимизнинг 2017 йил 21 ноябрдаги қарори билан “Мард ўғлон” кўкрак нишони таъсис этилган эди.

“МАРД ЎҒЛОН” СОВРИНДОРИ



Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги арафасида бир қатор ватандошларимиз ушбу давлат мукофоти сазовор бўлди. Улар орасида Тошкент давлат Аграр университетининг Агробиология факультети талабаси Равшан Халилов ҳам бор.

Равшан 1999 йилнинг 17 декабрида Жиззах вилояти Дўстлик тумани Олтин водий қишлоғида туғилган. 2018 йилда Жиззах давлат педагогика институтининг академик лицейини тамомлаган. Равшанжон Ёшлар Иттифоқининг фаол аъзоси сифатида кўплаб лойиҳаларда иштирок этиб келмоқда. У илм олишга ташна, қизиқувчан талаба. Шунингдек, унинг “Дил дафтари” номли шеърӣ китоби, “Ажиналар изидан” номли ҳикоялар тўплами нашрдан чиққан. “Она тили – миллат руҳи” номли ўқув-услубий кўлланмаси чоп этилган. Республика, вилоят, шаҳар ва туман

миқёсидаги кўплаб форум, илмий-амалий конференция, олимпиада, танловларда фаол иштирок этиб совринли ўринларни эгаллагани учун диплом, сертификат, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Равшанжон бир вақтнинг ўзида “Innovation Prodigy” рақамли иқтисодий ривожлантиришда ёшларнинг ўрни “Тошкент ёшлар форуми – 2020” лойиҳаси муаллифи ва ташаббускори, “Hero Light” кўнгилли ёшлар жамоаси сардори, “Қаҳрамон”, “Волшебное зеркало”, “Кактус”, “Book avtomat”, “Инновационное капельное орошение” стартап лойиҳалари муаллифидир.

Эндигина йигирма бир ёшга қадам қўйган йигит шунча ишни қилишга қандай улгурар экан, деган савол кўнглингиздан ўтади. Ушбу саволимизга қаҳрамонимиз қуйидагича жавоб берди:

— Ўйлайманки, ҳар бир ишнинг бошида интизом туради. Қўйилган мақсад сари интилган, сабр-тоқатли, қийинчиликлардан қўрқмаган одам, албатта, мақсадига эришади. Мени шундай ўғитлар асосида тарбиялаган ота-онам, устозу мураббийларим олдида таъзим қиламан. Ватанимиз гуллаб-яшнаши, халқимиз фаровонлиги йўлида бор куч-ғайратимни аямайман.

Биз ҳам журналимиз тахририяти жамоаси ва кўплаб муштарийлари номидан Равшанжонни давлат мукофоти билан қутлаймиз, унга янгидан-янги марраларни забт этишда омад тилаб қоламиз.

Ўз мухбиримиз.

ЯХШИЛИКШУНОС УСТОЗ

Қарийб 40 йил Тошкент ирригация ва мелиорация муҳандислари институтида меҳнат қилган олима, физика-математика фанлари номзоди Маъмура Таштанованинг портретида чизгилар



Мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида йилдан-йилга илм-фан, олий ўқув юртлири, мактаблар, мактабгача тарбия муассасаларига эътибор кучаймоқда, профессор-ўқитувчилар, педагоглар, мураббийларга имтиёзлар берилмоқда, ишлаш шароитлари яхшиланмоқда, уларнинг жамиятдаги мавқеи ошиб бормоқда. Бунга жавобан соҳа ходимлари ҳам меҳнат фаолиятларида фидойилик кўрсатиб, ўз устларида тинмай ишлаб, замон талабларига мос изланиб, жонбозлик кўрсатмоқдалар. Шундай фидойилардан бири – Тошкент ирригация ва мелиорация муҳандислари институти фахрийси, доцент Маъмура опа Таштановадир.

Маъмура Таштанова Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Сойлик қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Қишлоқдаги 12-ўрта мактабни 1961 йилда битирган. 1962 йили Тошкент Давлат университетининг (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети) физика факультетига ўқишга кириб, уни 1967 йилда битирган. Ўта зеҳнли ва қобилиятли бўлган Маъмурахон тез орада устозларнинг эътиборини тортди ва ўқишни битиргандан кейин, шу дорилфунунда ишда олиб қолинди, 1969-1974 йиллар давомида ёш иқтидорли олима Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) даги А.Ф.Иоффе номидаги Физика техника институтида илмий изланиш билан шуғулланиб, аспирантурада ўқиди. 1974 йилда диссертация ёқлаб, физика-математика фанлари номзоди даражасига эришди.

1975 йилнинг сентябридан М.Таштанованинг илмий-педагогик фаолияти Тошкент ирригация ва мелиорация муҳандислари институти билан чамбарчас боғлиқ. У узоқ йиллар мобайнида шу олийгоҳ физика кафедрасида доцент лавозимида ишлаб, ёшларга илм улашди, талабаларга нисбатан ниҳоятда катта бағрикенглик билан муносабатда бўлди.

Илмий изланишлари давомида опа юзтадан ортик мақолалар, турли қўлланмалар чоп этган. Кафедрада илмий-тадқиқот ишларини кенг йўлга қўйишга сезиларли ҳисса қўшиб, айни пайтда талабаларни назарий ва амалий билимларини чуқурлаштириш бўйича тинимсиз иш олиб борди. Фидойи ва заҳматкаш олиманинг шогирдларини республикаимизнинг барча жойларида учратиш мумкин. Профессор-ўқитувчилар, институт талабалари опани ўта камтар ва билимли, тажрибали устоз сифатида жуда ҳурмат қиладилар.

Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида, биз билан бўлган суҳбатда, Маъмура опа институтда ишлаган даврини эслар экан: “Ушбу олийгоҳда ишлаган давримни

хаётимнинг энг мазмунли йиллари деб биламан. Институт жамоаси ниҳоятда аҳил. Тақдир тақозоси билан менга ажойиб ва меҳрибон устоз профессор-ўқитувчилар, иқтидорли ёш педагоглар билан ишлаш насиб қилди. Айниқса академик Саъдулла Искандаров, академик Оқил Салимов институтга раҳбарлик қилган йиллари ишлаган даврим ҳеч эсдан чиқмайди. Зеро, бу йиллар институтда ҳаёт қайнар, фаол жамоатчилик ва илмий изланишлар, педагогик ютуқлар яққол кўзга ташланиб турар эди.

Институтда бўлиб ўтган бир суҳбат ҳеч эсимдан чиқмайди: 50 ёшга тўлганимда, институтда бирга фаолият кўрсатган, ҳамкасбимиз доцент Лола Умрзоқовна Салимова мени табриклаб, шу ерда ҳозир бўлган устозимиз, институтимиз етакчи домлаларидан бўлган, катта олим раҳматли Элчи ака Файзиевга қараб: «Шогирдингиз Маъмурахондан бир умр миннатдорман. Бир пайтлар, халқимизнинг асл фарзанди Шароф Рашидов вафотидан кейин, тоталитар тузум йўқ бўлиш арафасида жон талвасасига тушиб, халқимизни бошига кўп кулфатлар солган эди. Ўшанда Оқилжон акамни ҳам ноҳақ ҳибсга олишди. Ўша пайтлар, акаси қамоқда деб, баъзилар биз билан алоқасини узди, тескари қараб кетишди. Лекин Маъмурахон бир текис, аввалгидан ҳам самимий бўлган муомаласини ўзгартирмади, кези келганда, ёрдамини ҳам аямади», дедилар. Мазкур олийгоҳда ишлаган давримда мен кўплаб мукофотлар, фахрий ёрлиқларга сазовор бўлдим, лекин Лола опанинг ушбу дил сўзлари менга ҳамма мукофотлардан ҳам улуғроқ туюлиб кетди», – деди.

Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги “Буюк Турон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси М. Жалоловнинг айтишича, опа ўзи истиқомат қиладиган маҳаллада ҳам жамоат ишларида фаоллик кўрсатган. 1998 йилдан 2012 йилгача бошланғич хотин-қизлар кўмитаси раиси лавозимида фаолият юритган. Ўз жамоатчилик фаолияти давомида кўплаб оилалардаги маънавий муҳитни соғломлаштиришда, эр-хотинларни яраштиришда фаоллик кўрсатган, маҳалладаги барча маданий-маърифий тадбирларда ва маҳалладаги хайрия ҳашарларда фаол иштирок этиб келган.

Айни пайтда, Маъмура опа Таштанова 3 нафар фарзанди, 8 нафар набираси ва 3 нафар эвараси ардоғида қариллик гаштини сурмоқда. Унинг оиласи маҳалладаги намунали оилалар сирасига киради. Барча фарзандлари ва набиралари ўқимишли, одобли ва жамиятда ўз ўринларига эга.

Доно МАРАСУЛОВА,
ўз мухбиримиз.

ХОТИН-ҚИЗЛАР – ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ИШОНЧЛИ ТАЯНЧИ



— Адиба Комилжоновна, авваламбор, ўзингиз раислик қилаётган Ўзбекистон Аграр соҳа аёллари уюшмасининг олдида турган мақсад ва вазифалар ҳақида айтиб берсангиз.

— Уюшманинг асосий мақсад ва вазифалари аграр соҳада фаолият юритаётган хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш ва ролини ошириш, уларнинг касбий маҳоратини юксалтириш, иқтисодий, ҳуқуқий билим доираларини кенгайтириш, гендер тенгликни таъминлаш ҳисобланади.

Шунингдек, уюшма эътибори етиштирилган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларга етказиб бериш, тасарруфларидаги ер майдонлари, бино ва иншоотлар, технологиялардан самарали фойдаланиш, ўз соҳалари бўйича кўникма ва малакаларини ошириб боришга кўмаклашишга қаратилган.

Бу борада етук раҳбар бўлиб шаклланишлари учун уларга зарур бўладиган ҳуқуқий, иқтисодий ва психологик йўналишдаги ўқув, амалий ва кўргазмали семинарлар, тренинглар, давра суҳбатлари ташкил этиш, турли йўналишларда кўрик танловлар ўтказиш, республика ва халқаро кўргазмаларда, конференциялар ва соҳага оид семинар-тренингларда иштирок этишларига ёрдам беряпмиз. Аёлларни илмий-тадқиқот

Юртимизда азал-азалдан аёлларга ўзгача ҳурмат, эътибор ва эҳтиром билан қараб келинади. Бунга тарихимиз ва бугунги кунимиздан кўплаб мисоллар келтириши мумкин. Айнан шунинг учун Халқаро қишлоқ аёллари кунини кенг нишонлаш мамлакатимизда анъанага айланиб бормоқда. Ушбу сана яқинлашиб келаётганлиги муносабати билан мухбиримиз Ўзбекистон Аграр соҳа аёллари уюшмасининг раиси Адиба Ахмеджановага бир қатор саволлар билан муурожаат қилди.

ишларига жалб қилиш ва илмий ишланма натижаларини аграр соҳа амалиётига жорий этилишида кўмаклашиш, соҳадаги хотин-қизларнинг илғор тажрибаларини тўплаш, аёллар раҳбарлигидаги илғор фермер хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг тажрибаларини оммалаштириш юзасидан кенг қамровли тарғибот ишларини олиб бормоқдамиз.

— **Маълумки, қишлоқ аёллари мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида, жумладан, аграр соҳасида ҳам самарали меҳнат қилиб келмоқдалар.**

— Бугунги кунда иқтисодиётнинг турли тармоқларида банд бўлган хотин-қизлар 5,5 миллион нафардан ортиқ бўлиб, уларнинг улуши 41,6 фоизни ташкил этмоқда. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 1,5 миллион зиёд хотин-қизлар банд. Уларнинг соҳадаги улуши 43,3 фоизни ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, хотин-қизлар — мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасининг ишончли таянчи, дея оламиз. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2007 йил 18 декабрдаги Бош Ассамблеясининг 62/136—сонли йиғилишида қишлоқ аёлларининг, шу жумладан, туб аҳолининг қишлоқ хўжалигини ва қишлоқ туманларини ривожлантиришни жадаллаштириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ жойларда камбағалликни йўқотишдаги роли тан олиниб, 15 октябрни Халқаро қишлоқ аёллари куни деб расман эълон қилинган. Қишлоқдаги

аёллар уй-рўзғор ишлари, асосий хизмат вазифаларидан ташқари томорқаларида қишлоқ хўжалиги ишлари билан шуғулланишлари, фарзандларини меҳнатга ўргатадилар. Ушбу байрам дунё давлатларидаги меҳнаткаш, бағри кенг ва фидойи қишлоқ аёлларига бағишланган. Бугунги кунда дунёнинг кўплаб давлатларида ушбу кун нишонланиб келинмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 сентябрдаги 03/2-307-сонли топшириғига мувофиқ 2019 йил 15 октябрь санаси мамлакатимизда илк бор “Халқаро қишлоқ аёллари куни” сифатида кенг нишонланди. Республиканинг ижтимоий-иқтисодий юксалишида қишлоқ аёлларининг ўрнини кўрсатишга қаратилган “Қишлоқ жавоҳирлари” номли ҳужжатли фильм суратга олиниб, намойиш этилди, байрамга бағишланган кўплаб тадбирлар бўлиб ўтди.

— **Бугунги глобаллашув даврда дунёнинг барча мамлакатларида гендер тенгликни таъминлаш ҳақида баҳс-мунозаралар бўлмоқда, турли таклифлар билдирилмоқда. Ушбу масала юзасидан Сизнинг фикрларингиз қандай?**

— Маълумки, дунё давлатлари сиёсатидаги устувор йўналишлардан бири жамиятда гендер тенгликни таъминлашдир. Ушбу масалага БМТнинг қатор расмий ҳужжатларида алоҳида эътибор қаратилиб, ҳамжамиятга аъзо давлатларда бу борада амалга оширилаётган

ишлар таҳлил этиб бориляпти. Йирик анжуманлардаги маърузаларда илғор тажриба ва катта натижалар эътироф этилиши билан бирга, истиқболдаги режалар муҳокама этилмоқда. БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Хелена Фрейзер расмий чиқишларида БМТ Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган 70-сон резолюциясига мувофиқ, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида” қарор қабул қилинганини ва унинг ижросига доир “Гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш”га оид тўққизта вазифа ишлаб чиқилганини қайд этиб, республикада бу борадаги ишларни эътироф этди.

Қарорда белгиланган бешинчи мақсаднинг вазифаларига (Гендер тенглик) мувофиқ, 2030 йилга келиб барча хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида аёлларнинг тўлиқ ва самарали иштирокини ва етакчилик қилиш учун тенг имкониятларни таъминлаш мақсадида стратегия ишлаб чиқилмоқда, Давлат дастурлари қабул қилинмоқда. Сўнги йилларда гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш, аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ҳимоя қилишнинг институционал асосларини такомиллаштириш, аҳолининг гендер тенглик ва аёллар ҳуқуқлари тўғрисида хабардорлигини ошириш борасида тизимли ишлар ташкил этилмоқда. Натижада, бир қатор қонун ва қарорлар

қабул қилиниб, амалиётга жорий этилмоқда.

— **Ҳозир коронавирус пандемияси манаман деган ривожланган мамлакатларни ҳам саросимага тушириб қўйди. Бизнинг республикамизда ҳам COVID-19 га қарши курашга қаратилган тизимли чоратadbирлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ аёлларининг бу йўналишдаги фаолияти ва уларнинг олдида турган вазифалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Пандемия шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида хотин-қизлар эркалар билан бир сафда сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқдалар. Ишлаб чиқариш жараёнларидаги айрим муаммолар, моддий-техника ресурслари таъминотидаги узилишлар, маҳсулотлар реализациясидаги логистика масалалари, рақамли иқтисодиётда иштирок этиш учун малака, билим ва тажрибанинг етишмаслиги хотин-қизлар фаолиятида ҳам кузатилди. Шу ўринда, уюшмамиз томонидан аграр соҳадаги хотин-қизларнинг малака ва тажрибаларини ошириш билан бирга, билим доираларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни замонавий, инновацион агротехнологияларга, рақамли иқтисодиётга асосланган ҳолда ташкил этишга қаратилган семинар ва тренингларни янада кўпроқ ўтказиш белгилаб олинганини қайд этиш лозим.

— **Журналимиз муштарийларига тилакларингиз.**

— Қадри баланд муштарийларга, авваламбор, мустаҳкам соғлиқ, ишларида омад ва зафарлар, юртимизни гуллаб-яшнашида қилаётган меҳнатларига унум ва барака, хонадонларига файз, хотиржамлик ва тўкинлик тилайман.

— **Мазмунли ва қизиқарли суҳбатингиз учун раҳмат.**

Азамат ТОИРОВ суҳбатлашди,
ўз мухбиримиз.



ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

— 2019 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ушбу санага бағишланган 256 та тадбир ташкил этилиб, унда жами 51 минг киши, шундан 38, 5 мингдан ортиқ хотин-қизлар иштирок этди. Хотин-қизларнинг 12 мингдан ортиғи моддий ва 30 минг нафари маънавий рағбатлантирилди;

— Сўнги йилларда талабалар ва магистрантлар ўртасида қизларнинг салмоғи ортиб, айти пайтда 30 фоизни ташкил этмоқда;

— Бугунги кунда Тошкент Давлат аграр университетида 190 нафар аёл меҳнат қилиб, уларнинг 24 нафари 30 ёшгача бўлган хотин-қизлардир;

— Республикадаги 81 мингдан ортиқ фермер хўжалигининг 5,8 мингасига аёллар раҳбарлик қилмоқда. Бундан ташқари, 688 минг гектардан ортиқ томорқа ер майдонларида асосан хотин-қизларнинг самарали меҳнатлари натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари ортиб, маҳсулот турлари кўпаймоқда;

— Бугунги кунда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг тизим ташкилотларидаги 5,5 мингга яқин ходимнинг 702 нафари ёки 12,8 фоизи хотин-қизлар бўлиб, уларнинг 125 нафари 30 ёшгача бўлганлардир. Тизимдаги хотин-қизларнинг 116 нафари илмий даражага эга;

— Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида меҳнат қилаётган аёллардан 19 нафари Давлат мукофотларига, ўнлаб аёллар эса вазирликнинг фахрий ёрлиги ва бошқа рағбатлантиришларига лойиқ топилган;

— Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш марказининг илмий-тадқиқот муассасаларида жами 561 нафар илмий ходимнинг 90 нафарини аёллар ташкил этади, шундан фан докторлари 7 нафар, фан номзодлари 23 нафар;

— Ҳозир олима аёллар раҳбарлигида 16 та амалий ва 3 та инновацион лойиҳа амалга оширилмоқда;

— Қишлоқ хўжалик экинларининг янги навларига ва уларни парваришлаш агротехнологияларига олинган патентлар, муаллифлик гувоҳномаларини олишида 25 нафар аёл ҳаммуаллиф ҳисобланади;

— Илмий ишлаб чиқариш марказининг илмий-тадқиқот институтларида 322 та лойиҳа, жумладан 19 та фундаментал, 198 та амалий, 71 та инновацион лойиҳа мавзулари шаклланиб, уни амалга оширишда ёш хотин-қизлар иштироки таъминланмоқда.

ЖОМЛИК ОЛИМА

ёхүд “Зайтунлар қироличаси”

Инсон қадри илм билан юксалади. Илмли киши қўлидаги ҳар бир нарсадан ўзига хос зийнат топади, ён атрофидаги воқеалардан ҳикмат излайди. Инсонни кўкка кўтариб, олий мақом унвонларни фақатгина илм беради ёки илм орқали етишилади. Олим ёки илмли одам талабчан ва уддабурон бўлади. Бугун юртимизда илм-фан билан машғул инсонларнинг кўпчилиги қишлоқдан эканлигини биламиз, маърифат аҳли одатда кўпроқ олис қишлоқлардан келиб чиқади. Чунки улар доимо илмга ва ўрганишга ташна бўладилар, ушбу гапимиз қаҳрамонимиз орқали ўз тасдигини топаётгани, илм намояналарига ҳурмат кучайиб бораётганини сезамиз.



Инсон қадри илм билан юксалади. Илмли киши қўлидаги ҳар бир нарсадан ўзига хос зийнат топади, ён атрофидаги воқеалардан ҳикмат излайди. Инсонни кўкка кўтариб, олий мақом унвонларни фақатгина илм беради. Олим ёки илмли одам талабчан ва уддабурон бўлади.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган инсон — Дилором Ёрматова, асли Самарқанднинг Катта Жом қишлоғи фарзанди.

У эсини таниган лаҳзаларда илк кўзи тушган нарсалар шундоқ ҳовлининг этагига тутшиб кетган қирлар, баланд тоғлар, турфа рангларда товланувчи бепоён буғдойзорлар бўлди. Унинг сирдош дўсти, ўйингоҳи далалар бўлди.

У тоғлар ортидаги, чексиз далалар бағридаги сирлар билан қизиқиб улғайди. Энг катта орзуси катта шаҳарларга ўқишга бориш, билмаганларини ўрганиш, мактаб кутубхонасида йўқ китобларни топиб ўқиш бўлди.

Дилоромни доимо тушуниб, қўллаб келган отаси, узун сочлари майда қилиб ўрилган, бошига ироқи дўппи кийган, эгнидаги чит куйлаги ўзига ярашиб турган қизини эргаштириб Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтига ўқишга олиб келди.

Дилором тоғларданам баланд орзусига эришди. Қишлоқ хўжалик олийгоҳи, агрономия факультетининг биринчи курс талабалигига қабул қилинди.

Талабалик йиллари унинг учун чуқур илм олиш, изланиш, орзулари сари интилиш йиллари бўлди. Сўнгра аспирантурада ўқиди. Номзодлик илмий ишини ҳимоя қилди.

1975 йилда Ўзбекистон деҳқончилигида мутлақо экилмаган ва ўрганилмаган, инсонлар учун ўта зарур бўлган соя ўсимлиги агротехникаси мавзусида докторлик илмий ишини бошлади.

Сояни етиштириш бўйича 1935 йилларда олимлар томонидан қисқа

муддат илмий ишлар олиб борилган аммо жуда кам ҳосил олингани учун бу ўсимлик Ўзбекистон тупроқ иқлимига тўғри келмайди, уни ўстириш фойда бермайди, деган нотўғри хулоса берилган.

Докторлик илмий ишини олиб бориш давомида Д.Ёрматова энг сифатли мой берувчи соя ўсимлигини биринчи бўлиб республика тупроқ иқлим шароитига мослаштирди, қатор вилоятларда Россия, Япония, Жанубий Корея мамлакатларининг 200 дан ортиқ соя навларини экиб ўрганди ва илмий хулосалар қилди.

Шунингдек, тупроқда эркин азот ҳосил қилувчи ризобиум (*rizobium joropika*), бактерияларининг ёки ризоторфинларнинг ҳар бир нав учун алоҳида бўлишини ўз кузатувларида исботлади ва республикада ўта зарур бўлган бу ўсимликнинг етиштириш агротехникасини илмий асослади. Соя экилганда тупроқ унумдорлиги қанчага ошишини биринчи бўлиб кўрсатиб берди. Шу илмий ишини бажариш вақтида у республикани қадамма-қадам юриб, кезиб чиқди, барча ҳудудлар учун лозим бўлган соя навларини қачон экиш лозимлиги ва олиб бориладиган агротехник тадбирларни тупроқ иқлим шароитига қараб тавсиялар берди. 1992 йилда, яъни орадан 17 йил ўтиб докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Бу даврда Дилором Ёрматова республикада “Соя опа” деган номга эга бўлди. Шу йилларда биринчи бўлиб “Соя”, “Ўзбекистонда соя етиштириш агротехникаси”, “Соя энг фойдали экин” номли монографиялари чоп этилди. Олима ўз изланишларида фақатгина соя билан эмас, балки мойли экин ҳисобланган зайтун билан ҳам шуғуллана бошлади. Чунки зайтун экологик тоза мой берувчи ягона ўсимликдир.

Дилором опа зайтунларни Ўзбекистон тупроғига ўргатаман деб қанча машаққатлар чекди. Биринчи 4 туп зайтун кўчатларини Туркиядан олиб келтирди. Ўша зайтунларни аввайлаб Сурхондарёнинг иқлими нисбатан иссиқроқ деб фикрлади ва вилоятнинг Олтинсой туманига экди. Олима чет элларда жуда кўп бўлади, қаерда бўлмасин албатта зайтун кўчатларини олиб келади ва “уларни экишни кимга топширсам экан?”, дея ишончли фермерни излайди.

Зайтунни Ўзбекистон тупроқ-иқлимига мослаштириш учун қанчалик қийинчиликларни бошидан кечирди ва ниҳоят зайтунларини республика шароитига мослаштирди. Устидан кулганлар ҳам бўлди, аммо олима уларга аҳамият бермади. Жуда кўп изланишлари натижасида зайтун бизнинг шароитга интродукция бўлишини қалбан ҳис қилди ва ўз мақсади йўлида дадил борди. Мана, зайтун экинлари беш йилдан буён ҳосил бериб кўзни қувонтирмоқда. Андижонда зайтун коллекцияси бор, у ерда 14 хил зайтун навлари ўсиб ривожланмоқда. Д.Ёрматова Ўзбекистонда биринчи бўлиб зайтунчилик илмига асос солди ва зайтуннинг қаламчалар орқали кўпайишини ва совуққа чидамлилиги йиллар мобайнида ошиб боришини физиологик жиҳатларини ўрганди ҳамда илмий асослаб берди.

— Нотаниш юртга узатилган қизларга ўхшаб, қийналиб, қисиниб турибди зайтунларим, — деб кулимсирайди профессор Д.Ёрматова. У турли эллардан келган зайтунлар билан битта тил — меҳр тилида гаплашади. Бир дугонаси унинг фидойи меҳнатларини кўриб “Зайтунлар қироличаси” дея улуғлайди. — Агар Ўзбекистонда зайтунзорлар кўп бўлса, биринчидан, экологик тоза ёғ муаммоси ҳал бўлар эди. Бир туп

дарахт кейинчалик юз килограмм ҳосил беради, 2019 йилда бир туп дарахтимиздан 30 кг. мева ҳосили йиғиб олинди, ундан инсон соғлиғи учун фойдали 20-22 фоиз тоза ўсимлик мойи олиш мумкин. Чиқиндиси ҳам кони фойда — моллар, паррандаларга озуқа. Мана икки йилдан буён зайтунлари катта миқдорда мева бермоқда аммо ушбу мойни ажратиб олувчи қурилма йўқ.

Ҳамиша изланувчан, янгиликка ўч Дилором Ёрматова 2009 – 2010 йилларда пахта қатор ораларига соя экиш бўйича Сирдарё вилоятининг Боёвут тумани фермерлари билан ҳамкорликда иш олиб борди. Хусусан, “Садриддин ота” фермер хўжалигида 1,2 гектар майдонда кичик тажриба ўтказди. Сеялкаларга бир йўла чигит ва соя уруғлари аралаш ҳолда солиниб, ҳар бир гектар майдонда 110 минг туп ғўза ва 100 минг туп соя ниҳоли униб чиққан. Натижада 700 килограмм соя дони ва 41 центнердан пахта ҳосили олинди. Туманининг бу ва бошқа фермер хўжаликларига ўтказилган тажрибалар ўша йилнинг ўзидаёқ ҳосилдорлик 7-8 центнер ошганини кўрсатди.

Шу йил 21 май куни Президентимиз Андижон вилоятига ташрифи чоғида Олтинқўл туманида ғўза қатор ораларига сояни аралаш қилиб экиш, қўшимча даромад манбаи эканлиги ҳақида сўзлади.

— Президентимизнинг ушбу тақлифларини эшитиб олим сифатида ғурурланиб кетдим, — дейди опа. — Бугун бутун дунёда коронавирус ташвишлари кезаётган бир пайтда, асосий вазифа аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бир қатор қийинчиликлар туғдирмоқда.

Юртбошимизнинг тақлифи андижонлик пахтакор фермерларга ғайрат бахш этди. Зудлик билан тажриба тариқасида ғўза қатор ораларига соя уруғи қадалди. Зеро бу йилги синов натижаси, эртанги куннинг аниқ режаси.

— Биз Андижонда соя уруғини қадашга киришганимизда далада ўсиб турган ғўзанинг бўйи 15-17 сантиметр атрофида эди, — дейди олима. — Бундан ташқари, ғўзанинг қатор оралари кенглиги айрим майдонларда 60 сантиметр бўлса, бошқа бирларида 76 ва 90 сантиметр кенликда экилганди.

Мутахассислар билан маслаҳатлашиб, ғўза энг кеч экилган майдонларни танлаб олдик. Даставвал, соя экини уруғлари қўлда экилди. Аммо андижонлик муҳандис ва фермерлар ишбилармон эмасми, ғўза қатор ораси 76 ва 90 сантиметр бўлган

майдонларда техника ёрдамида ҳар гектарига 25-30 килограммдан уруғ сарфланиб, 4-5 сантиметр чуқурликка қадашнинг уддасидан чиқди. Жалақудуқ туманидаги “Яхши ниятли Фирдавс”, “Нурли келажак рамзи”, Балиқчи туманидаги “Оломад”, “Сортепаривож”, Хўжаобод туманидаги “Меҳнаткаш”, “Абдували” фермер хўжаликларига кўзни қувонтирадиган даражада соя кўчатлари олинди.

Жорий йилда вилоятда катта майдонларда ғўза қатор ораларига соя уруғлари турли усулда экилди, синаб кўрилди ва кейинги мавсумнинг аниқ режалари белгилаб олинди. Андижон вилоятида Президент топшириғига мувофиқ келгуси йилда катта майдонларда соя ғўза қатор ораларига экилади ва ҳалқимиз қўшимча даромад олади.

Олима тиниб тинчимайди, узлуксиз изланишда, у томонидан 50 дан ортиқ дарслик ва ўқув қўлланмалари ёзиб

чоп этилди ва республика ОТМлари ва коллежларида ўқитилмоқда. Масалан, “Ўсимликшунослик”, “Тупроқшунослик”, “Қишлоқ хўжалик асослари”, “Деҳқончилик”, “Донли экинлар”, “Мойли экинлар”, “Экология”, “Табиий фанларнинг замонавий концепцияси”, “Зайтун етиштириш”, “Буғдой”, “Ўзбекистон дони” ва бошқа муҳим ҳамда салмоқли китоблари шулар жумласидандир. Дарс ўтишнинг интерактив усуллари

ни ўзида шакллантирган “Экологик мониторинг” ва “Экологиядан амалий машғулотлар” номли дарсликларни биринчи бўлиб ёзди.

Дилором опа умрини шу соҳага бағишлагани ва қишлоқ хўжалигида олиб бораётган ишлари учун 2017 йилда қишлоқ хўжалик ходимлари байрамида республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан “Қишлоқ хўжалиги фидойиси” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Олима отасининг изидан бориб адабиётни ўз хоббиси деб ҳисоблайди ва тўхтовсиз ижод қилиб боради.

Ўз тенгдошлари ҳақида ёзган “Етти қария суҳбати ёки севги қисмати”,

“Кечиккан мактублар” ҳикоялари, “Омонат дунё: келмоқ ёки кетмоқ” ва “Ота соғинчи ёки йиллар армони” номли асарлари ҳамда “Армон” ва “Бардош” номли шеърый китоблари чоп этилди.

Олима ўзи аёл бўлгани учун аёлни улуғлаб ёзган “Айланайин Ишқ” китоби аёл севгисини ифодалайди, ушбу китоб ҳам кўпларга манзур бўлди. Ҳеч ким ўйламаган ҳолда “Юсуф ва Зулайхо” қиссасини ва шоира Нодирабегимга бўлган ҳурматини изоҳлаб “Нодирабегим муҳаббати”, “Занжирбанд ишқ” номли насрий асарларини чоп этди. Дилором Ёрматова томонидан Мирзо Бобурга бўлган эҳтиром жуда катта бўлиб, 2019 йилда Халқаро Бобур фонди ва ёзувчи, журналистлар томонидан ёзилган мақолаларни тўплаб “Бобурийлар ҳақида битиклар” деб чоп эттирди. Яқинда эса инглиз ёзувчиси Гаскойн Бемберининг “Великие моголы” номли китобини рус тилидан ўзбек тилига таржима қилди.

Хуллас, қишлоқдан чиққан оддий қишлоқ қизи Дилором Ёрматова уч фарзанднинг онаси ва тўққиз неваранинг бувижони бўлиши билан бир қаторда ўз умрини илмга бағишлаган ва ўз роҳатини шу йўллардан топди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, сеvimли шоирамиз Ҳосият Бобомуродованинг 2018 йилда нашрдан чиққан “Далаларни куйлатган аёл” номли китоби ҳам айнан профессор Дилором Ёрматованинг ҳаёт йўлига бағишланган бўлиб, опанинг аёллик латофати ва фазилатларини, илм-фанда эришган ютуқларини, қишлоқ хўжалигидаги изланишларини очиб берган.

Халқаро қишлоқ аёллари куни яқинлашиб келаётганлиги муносабати билан профессор Дилором Ёрматовани ушбу қутлуғ айём билан муборакбод этар эканмиз, унга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, илмий-амалий ва ижодий фаолиятида янгидан-янги муваффақиятлар тилаб қоламиз. Хирмониғиздан барака аримасин, олима опа!

Дона ТАЛИПОВА,
ўз мухбиримиз.



ДАСТУРХОН ТЎКИНЛИГИ — ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

Халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, истеъмолчилар талабини ўзимизда етиштирилаётган мева-сабзавот, полиз, узум ва картошка маҳсулотлари ҳисобига тўла қондириш, қайта ишлаш ва экспорт ҳажмларини янада ошириш масалаларига давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса бугунги пандемия шароитида бу масала янада долзарбдир. Чунки манамен деган давлатлар ҳам бу бало олдида ожиз қолаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

БМТнинг башоратига кўра, йил охиригача дунёда глобал очарчиликнинг ўсиши кутилмоқда. Ҳозирги вақтнинг ўзидаёқ 820 миллион аҳоли, яъни сайёранинг ҳар 9 кишиси тўйиб овқатланмайди. Жорий йилда COVID-19 инқирози туфайли яна 49 миллион киши ўта қашшоқлик домига тушиши мумкин. Жаҳон ялпи ички озиқ-овқат маҳсулотининг ҳар бир фоизли пунктга пасайиши ўсишдан тўхтаб қоладиган болалар сонининг 0,7 миллионга кўпайишини аңглатади. Бундай ноҳус рақамлар эса жуда кўп...

Республикада эса амалга оширилаётган изчил ислохотлар боис халқимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан йил давомида мунтазам таъминлаб келинмоқда, ҳатто, дунёга экспорт қилинмоқда.

Масалан, деҳқон ва фермерларимиз бу йилги мураккаб шароитда фидокорона меҳнат қилиб, ғалладан олти ярим миллион тоннага яқин ҳосил етиштирдилар. Чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик, сабзавот ва полиз экинлари етиштириш бўйича ҳам салмоқли натижаларга эришилаётир.

Шунингдек, жорий йилнинг ўзида ҳар бир ҳудуднинг ички имконияти, таклиф ва талабларидан келиб чиқиб, республикада 11,9 млн тонна сабзавот, 2,9 млн тонна мева ва 1,7 млн тонна узум, 2,5 млн тонна полиз, 2,9 млн тонна картошка маҳсулотларини етиштириш кутилмоқда.

Мева ва узум маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш мақсадида паст рентабелли пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, уларнинг ўрнига ҳамда лалми ва адирлик майдонларда, иқтисодий жиҳатдан кам ҳосилли яроқсиз боғ-токзорлар ўрнига экспортбop юқори ҳосил берадиган жами 39,7 минг гектар интенсив мевали боғлар ҳамда 28,8 минг гектар токзорлар барпо этилди.

Биргина жорий йил баҳор ойларида 18,1 минг гектар интенсив боғ ва 15,6 минг гектар янги токзорлар барпо этилди.

Республикадаги 2 155 та фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида жами 4 851 гектар иссиқхоналар мавжуд бўлиб, шундан 1 730 гектар замонавий гидропоника ва 3 121 гектар тупроқда экин етиштирилаётган иссиқхоналардир. Жорий йилда ушбу иссиқхоналарда 297 минг тонна маҳсулот, жумладан 204,2 минг тонна помидор ва 73 минг тонна бод-ринг етиштирилиши режалаштирилган.

Натижада етиштирилаётган маҳсулотлар билан халқимизнинг ички истеъмол талабини тўлиқ таъминлаган ҳолда экспортга чиқаришга катта имконият яратилаётир. Масалан, жорий йилнинг январь-август ойларида 597,0 млн доллар қийматдаги 980,4 минг тонна, 2019 йилга нисбатан 105% кўп мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинди.

Келажақда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини кластер ва кооперациялар ҳамда Агрологистика марказлари орқали истеъмолчиларга етказиб бериш тизими истиқболли ҳисобланади.

Мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш, сақлаш ва қайта ишлаш тизимида қўшилган қиймат занжирини тўлиқ қамраб олиш мақсадида жорий йилда 86 та мева-сабзавотчилик кластерлари ташкил этилиб, уларга 80 минг га. шундан, кооперация асосида 7,8 минг нафар фермер хўжалиқларининг 60 минг га. ер майдонлари бириктирилди. Кластер ташкил этилган туманларда мавжуд мева-сабзавот ер майдонларининг 30 фоизи қамраб олинган.

Ушбу кластерларда мева-сабзавотларни қайта ишлаш бўйича 819,2 минг тонна ва сақлаш бўйича 76,3 минг тонна қувватлари мавжуд.

Соҳани ривожлантириш мақсадида республикада ҳар бир ҳудудларнинг қиёсий устунлик тарафлари ва тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда экспортбop экинларни жойлаштириш бўйича янги ёндашув ва интенсивлаштириш бўйича ҳам ишлар жадал олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, маҳсулот етиштирувчиларнинг манфаатдорлигини ошириш ва илм-фан ютуқларини кенг жорий этиш мақсадида республика ҳудудларини босқичма-босқич қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг муайян турларини етиштиришга ихтисослаштириш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, республика вилоятлари ҳудудларида, табиий иқлим шароити,



сув таъминоти, ташқи бозор талаблари ва деҳқончилик маданиятини ҳисобга олган ҳолда 3-4 турдаги экспортбop маҳсулотлар етиштиришга ихтисослаштириш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, картошка етиштиришни кўпайтириш, уруғликлар билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 майдаги “Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан республиканинг 40 та тумани истеъмол картошка ва 23 та тумани уруғлик картошка етиштириш ҳамда 9 та туманининг 39 та ҳудудлари суперэлита ва элита уруғлик картошка етиштиришга ихтисослаштирилди.

Шу билан бирга, маҳаллий инвесторлар маблағлари ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий молия ташкилотларининг соҳага жалб қилинган кредит маблағлари ҳамда грантлари ҳисобидан in vitro лабораториялари ташкил этилади.

Бундан ташқари, Фарғона вилоятида 2020-2021 йилларда бошоқли дон экинлари майдонлари қисқартирилиб, уларнинг ўрнида Олтиариқ туманида 3 минг гектар майдон узумчиликка, Қува туманида 2 минг гектар анорчиликка ва Қувасой шаҳрида 2 минг гектар гилосчиликка ихтисослаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Белгиланган вазифаларни амалга ошириш, соҳани ривожлантириш, тизимни ислоҳ қилиш, илм-фан янгиликларини жорий этиш, янги экспортбop, жаҳон андозаларига мос навлар яратиш, озиқ-овқат маҳсулотлари майдонини кенгайтириш, ҳосилдорлигини ошириш натижасида аввало, ички истеъмол бозорни тўлиқ таъминлашга замин яратади. Шу билан бирга, қайта ишлаш ва экспорт ҳажмини бир неча баробар кўпайтириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини оширишга хизмат қилади.

Фахриддин ҚИРҒИЗБОЕВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг мева-сабзавотчилик, узумчилик, полизчилик ва картошкачилик бошқармаси бошлиғи.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ДАВЛАТ ТИЛИНИНГ МАВЌЕИ



1979 йилда олий ўқув юртини тамомлаб, ўзим туғилиб ўсган туманда меҳнат фаолиятимни бошладим. Ёш мутахассис бўлганлигим боис жамоат ишларига жалб қилиниб, бир кунги ёшлар масалалари бўйича туман миқёсида ўтказилган йиғилишда қатнашимизга тўғри келди.

Мажлислар залида аксарият маҳаллий аҳоли вакиллари иштирок этаётган бўлса-да йиғилиш рус тилида олиб борилди. Энг ачинарлиси, маърузачи ва музокараларда қатнашган нотиклар аввалдан тайёрлаб берилган русча матнни қийнаиб, тутилиб, талаффузини бузиб, айрим сўз ва атамаларнинг маъносини ҳам тушунмай, ҳижжалаб ўқишлари ўта ачинарли “томоша” эди.

Туман марказининг русийзабон кишилар яшайдиган кўчасида туғилиб ўсганим, рус-ўзбек мактабида ўқиганим, рус тилини яхши билишим сабабли менга мажлисдаги иштироким “азоб”га айланди. Залдаги иштирокчиларга разм солиб қарасам, уларнинг кўпчилиги муҳокама мавзуси ва унинг моҳиятини тушунмаган ҳолда лоқайдлик билан тadbирнинг тезроқ тугашини кутиб ўтирган бўлса, 3 нафар русийзабон йигит-қиз бўлаётган жараёни мийиғида кулиб кузатишяпти. Йиғилишдан кейин мажлис ташкилотчилари биридан бу ҳолат сабабини сўраганимда, шундай тартиб ўрнатилганини, бундан кейин бундай саволлар билан мурожаат қилмаслигимни маслаҳат берди.

Кейинги меҳнат фаолиятим давомида тақдир тақозоси билан ўзим ҳам қанчалаб ҳужжатларни ва мажлисларнинг баёнини рус тилида тайёрлаганимни ҳисобини юритиш қийин.

Вазият шу даражага бориб етдики, ҳатто ўзбек тилидаги ҳужжатлар ва нутқлар матнларида ҳам аксарият сўз ва атамаларнинг ўзбек тилидаги муқобили қўлланилмасдан рус ва хорижий тиллардаги ифодасини тўғридан-тўғри ишлатадиган бўлдик. Ўша даврдаги газета, журналлар, ҳужжатлар билан танишсангиз, бу ҳолат ҳозир эриш туюлади.

Қонун ҳужжатларида рус тили расман миллатлараро мулоқот тили деб эътироф этилган бўлса-да, у давлат тили даражасида барча расмий тadbирлар ва ҳужжатларда қўлланилар эди. Фуқаролик ҳолатини қайд этиш, ходимлар билан ишлаш жойларида ҳам русийзабон “бекалар” ишлар эдики, улар томонидан насабимиз, исмибиз ва шарифимизни ёзишдаги йўл қўйилган хатоларни бу авлод вакиллари яқин ўртада тўғрилай олмас керак.

Мустақиллик арафасида, яъни 1989 йил 21 октябрда “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида”ги қонуннинг қабул қилиниши миллий ўзгичимизни тиклаш ва истиқлол йўлидаги буюк қадамлардан бири бўлди.

Ушбу қонун қабул қилиниши билан зиёлилар ва ўзгичига бефарқ бўлмаган инсонлар мажлис ва тadbирларнинг давлат тилида олиб борилишини қатъият билан талаб қила бошладилар. Собиқ Иттифоқ даврида ўзбек тили рус тилининг соясида қолиб, ўзаро мулоқотда ва фақат оила даврасида қўлланилиши одат бўлиб қолган бир пайтда бу ҳаракатлар ўзига яраша жасорат эди.

1990 йилнинг март-апрель ойлари эди. Биз ишлаётган ташкилотда ҳисобот сайлов анжуманига тайёргарлик кўрилаётганди. Ҳисобот маърузаси анъанавий равишда рус тилида ёзилганди. Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларни ҳисобга олиб, уни ўзбек тилига ўгириш топшириғи берилди. Ўнлаб йиллар давомида рус тилида ҳужжат тайёрлаган бизлар энди ўз тилимизда ёзишга тайёр эмаслигимизни сезиб қолдик.

Матндаги кўплаб сўзлар ва атамаларни ўзбек тилидаги муқобилини топишга матбуот тизимида кўп йиллар қалам тебратган тилшунослар ҳам бир неча кун қийналишди.

Ўша даврдаги воқеаларни эслар эканман, она тилимиз ҳам Орол ҳалокатига тенг бўлган фожеа ёқасига бориб қолгандай туюлади.

Мустақиллик йилларида ўзбек халқи ҳаётида рўй берган ва рўй бераётган жадал ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва ҳуқуқий ўзгаришлар ўзбек тилини ривожига ижобий таъсир қилди. Истиқлол сабабли миллий ғуруримиз – тилимиз ўз қадрини тиклади, тил сиёсатида жиддий ўзгаришлар юз берди, ўзбек тили тараққиёти шароитида унинг ўз ички имкониятлари асосида ривожлантириш қонуни тўла ва эркин амал қила бошлади.

Ўзбек тилида кўплаб бадий ва илмий адабиётлар, матбуот нашрлари чоп этилиши, корхона-муассасаларда иш юритишнинг ўзбек тилида олиб борилиши, илмий-техникавий, ижтимоий-сиёсий терминологиянинг яратилиши ва жорий этилиши ўзбек тилининг ривожланишига, такомиллашувига, ижтимоий вазифаларнинг кенгайишида муҳим омил бўлди.

Айниқса, сўнги йилларда янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган жадал ислохотларни изчил амалга ошириш билан биргаликда она тилимизга бўлган эътибор ва унинг том маънода давлат тили сифатида мавқеини юксалтириш йўлида олиб борилаётган ишлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўтган йили Президентимиз ташаббуси билан 21 октябр “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинганининг 30 йиллиги илк бора мамлакат миқёсида кенг нишонланганлиги, ушбу тadbирда давлатимиз раҳбари иштирок этиб, ўз маърузасида тилимиз ривожини тараққиёти йўлидаги устувор вазифаларни белгилаб бергани ўзбек тилига давлат даражасидаги юксак эътибор ифодасидир.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2019 йил 20 октябрда имзоланган “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеи ва нуфузини тубдан оширишга қаратилган чора-тadbирлар тўғрисида”ги фармон она тилимизнинг ривожини тараққиёти йўлида муҳим тарихий воқеа бўлди.

Ўтган даврда давлат тилини ривожлантиришга қаратилган 1 та қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 8 та қарори қабул қилиниши ўзбек тилини жорий қилиш борасидаги ҳуқуқий-меъёрий асосларни такомиллаштирди.

Юқорида қайд этилган ҳужжатлар асосида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг тизимида давлат тилида иш юритиш билан боғлиқ фаолият танқидий таҳлил қилиниб, тегишли чоралар белгиланди. Вазирликда қабул қилинаётган ва ижрога чиқарилаётган ҳужжатларни давлат тилида тайёрлаш, мазкур жараёнда матннинг имлоси ва лексикасига эътибор кучайтирилди. Ушбу йўналишда, авваламбор, ўзимиз ва тизимдаги ходимларнинг билим ва кўникмаларини ошириш зарурати аён бўлмоқда. Зероки, халқаро алоқалар жадаллик билан ривожланиб бораётган бир пайтда соҳамизга янги замонавий технологиялар билан биргаликда янги сўзлар ва атамалар кириб келмоқда. Уларнинг ўзбек тилидаги изоҳи ва муқобилини яратиш, мулоқот ва матнда тўғри қўллаш билиш тобора долзарб масалалардан бирига айланмоқда.

Қадимдан деҳқончилик маданияти ва касб-хунар лексикаси ривожланган миллатимизнинг бой меросидан фойдаланган ҳолда уни сақлаб қолиш, янги халқаро сўзлар ва атамалар билан бойитиш мақсадида қишлоқ хўжалигига оид атамалар луғатини яратиш борасида соҳадаги олимлар ва зиёлилар жалб қилинган ҳолда дастлабки ишлар бошлаб юборилди.

Эндиликда ўзбек тили халқаро анжуманларда ҳам мустақил давлатнинг расмий тили сифатида жаранглай бошлади.

Ўзбек тилининг ривожланиш тарихида 2020 йилнинг 23 сентябрь санаси миллий тилимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини мустаҳкамлаш борасида зарҳал ҳарфлар билан

битиладиган муҳим воқеа бўлди. Зероки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессиясидаги чиқиши, юксак минбардан туриб она тилимизда маъруза қилиши ўзбек тилининг давлат тили мақомидаги нуфузини мустаҳкамлаш борасидаги давлатимиз сиёсий иродаси нақадар қатъий ва изчил эканлигини намоян этди.

Тилимиз тарихида бундай халқаро миқёсдаги юксак минбарда жаҳон тамаддунига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби ватанимизнинг кўплаб буюк даҳоларини етиштирган миллатимиз тили илк бор янгради.

Ушбу тарихий воқеа мамлакатимизда ва хорижда яшаётган 50 млн. нафарга яқин миллатдошларимиз қалбини ғурур ва ифтихорга тўлдирди.

Юртбошимизнинг ушбу маърузаси ўзбек тилига чексиз ҳурмат ва эҳтиром тимсоли сифатида ҳар биримизга юксак ибрат намунаси бўлди.

Мана шу ифтихор ва ибрат ҳаммамизга, маълум бир маънода, она тилимизга бўлган муносабатда ҳам ўзига хос масъулият юклайди. Демокриманки, Давлат тилига эътиборимизда унга эҳтиромимиз мужассам бўлсин.

Эшмирза АБДУАЛИМОВ,

Қишлоқ хўжалиги вазирининг маслаҳатчиси.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

СУВДАН ЗАМОНАВИЙ Фойдаланиш



Швейцария билан ҳамкорликдаги "Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш бўйича миллий лойиҳа" янги босқичда

Йигирма йилга яқин вақт мобайнида Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги (ШТХА) Марказий Осиёда сув ресурсларини интеграцияланган бошқарув принциплари (СРИБ)ни ҳаётга татбиқ қилишга кўмаклашиб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш бўйича миллий лойиҳада сув хўжалигидаги жорий ислохотлар қўллаб-қувватланади ва СРИБ принципларини мамлакат сиёсати даражасида татбиқ этишга кўмаклашади. Шу мақсадда лойиҳа доирасида вазирлик ва идоралар ҳамда сув секторидаги барча манфаатдор тарафлар билан билим ва илғор тажриба алмашуви мунтазам олиб борилмоқда.

Лойиҳа барча сув истеъмолчилари ва фойдаланувчилари орасида сувни оқилона тақсимланишини таъминлайдиган

СРИБга асосланган стратегияни ишлаб чиқиш орқали сув сектори ислохотларини қўллаб-қувватлайди. Бу эса Сув хўжалиги вазирлиги (СХВ)га сув ресурсларини самарали ва натижали бошқариш имконини беради, ўз навбатда бу сувнинг маҳсулдорлигини ошириш ва Ўзбекистонда қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини яхшилашга олиб келади.

Лойиҳанинг биринчи палласи доирасида 2030 йилгача мўлжалланган сув секторини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишда СХВ га кўрсатилган техник ёрдам СРИБ принципларига асосланган комплекс стратегик ва норматив базани ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш йўлида Вазирликни қўллаб-қувватлашга қаратилган ШТХА сайъ-ҳаракатининг биринчи қадами ҳи-

собланади. Сув концепцияси соҳани янада ривожлантиришга қаратилган тубдан янги ғоя ва йўллари рўёбга чиқариш, сув ресурсларини интеграцияланган бошқаруви принципларини татбиқ этиш ва сув ресурсларидан барқарор фойдаланишни таъминлаш мақсадида минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга мўлжалланган. Концепция сув ресурсларини бошқариш ва сув секторини ривожлантириш стратегиясига асос бўлиб хизмат қилиши зарур. Бу борада лойиҳанинг иккинчи босқичи доирасида ишлар бошлаб юборилган.

Лойиҳада Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Сув хўжалиги миллий ахборот-

бошқарув тизими ишлаб чиқилмоқда. Бунда сув ресурсларини интеграциялашган бошқарувида қатнашадиган барча ташкилотлар вакиллари аъзо бўлган ишчи гуруҳ тузилмоқда. Бундай ҳамкорлик – сув хўжалигига тегишли маълумот ва ахборот алмашуви механизмини яратиш томон қўйилган яна бир қадам.

Лойиҳада ахборот-коммуникация технологиялар (АКТ) ни СХВнинг, ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларининг, туман ирригация бўлимларининг, сув истеъмолчилари уюмларининг ва фермерларнинг кундалик фаолиятида реал вақт режимида билимлардан фойдаланиш, маълумотлар тўплаш ва ахборот алмашувини яхшилаш мақсадида жорий этиш йўлида катта иш олиб борилмоқда. Бу борада Сув хўжалиги вазирлигининг таклифига биноан соҳанинг барча даражаларида фермер – СИУ – туман ирригация бўлими – ИТБ – ИТХБ ларда қишлоқ хўжалиги экинлари эҳтиёжлари асосида сувдан фойдаланиш режасини ягона шаклда тузишга имкон берувчи кўчма дастурий таъминот ишлаб Дастлабки версия Чирчиқ-Оҳангарон ва Аму-Қашқадарё ИТХБ сув хўжалиги ташкилотларида синалгандан сўнг фойдаланиш учун очиқ жойлаштирилди ва ҳозирда ундан фойдаланиш бўйича ўқитиш тадбирлари ўтказилмоқда.

Иккинчи босқичда лойиҳада сувдан фойдаланиш режасининг интерфейси қулай бўлган веб-илова ишлаб чиқилди, у зарур ўқитиш компонентлари билан бирга ирригация тизимларининг 13 та ҳавза бошқармаси (ИТХБ), 48 ирригация тизимлари бошқармаси (ИТБ)да ва 152 туман ирригация бўлимлари (ТИБ)нинг ҳар бирида ўрнатилди. Дастур тўлиқ ишга туширилганда сув ресурсларини мавсум, ой ва 10 кунлик даврлар асосида оптимал тақсимлашни таъминлайди.

Шунингдек, лойиҳа мелиоратив тармоқлар (дренаж) бўйича комплекс ахборот тизимини яратишга кўмак кўрсатади. Ушбу тизим марказий база, сизот ва ер ости суви, шунингдек, тупроқ ва сув шўрлиги тўғрисидаги маълумотни олиш, киритиш ва таҳлил қилиш имконини берувчи веб-иловадан ташкил топади. Ҳозирги пайтда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати мониторинги бўйича Сув хўжалиги вазирлигининг ахборот тизими (МАТ)ни яратиш учун техник вазифа ишлаб чиқилди.

Лойиҳанинг иккинчи босқичини амалга ошириш жараёнида фермерлар ва сув хўжалиги ташкилотларининг салоҳиятини юксалтириш лойиҳа томонидан режалаштирилган. Мазкур ташкилотлар интенсификатор қишлоқ хўжалигининг илғор усулларига ўтишга имкон берадиган суғо-

ришнинг инновацион технологияларини жорий этиб сув ресурсларидан самарали фойдаланишга қодир бўлишлари кўзда тутилган. Лойиҳа, шунингдек, АКТга асосланган замонавий билимларни тарқатиш воситаларидан фойдаланишни давом эттиради. COVID-19 билан боғлиқ жорий муаммоларни ечиш учун лойиҳалар бўйича ўқитишга ёндашув ўзгартирилиб, дастлаб назарда тутилган марказлашган тренинглар ўрнига онлайн машғулотлар ишлаб чиқилди. Жойларда тренинг ўтказиш мақсадида лойиҳада ҳар бир ТИБсини тегишли жиҳозлар билан таъминлаш таклиф этилди.

Қўллаб фермерлар «ТОМЧИ» мобил иловасидан (МИ) фойдаланиб <https://nwtmр.uz/link.html>), уни сувни тежаш технологияларини жорий этиш бўйича маълумотларнинг ажойиб манбаи деб ҳисобламоқдалар. Яқинда МИнинг янгиланган версияси ишга туширилди, унинг калькуляторига қишлоқ хўжалиги экинни, экин майдони катта-кичиклиги ва сув тежаш технологиясига боғлиқ ҳолда давлат томонидан ажратиладиган субсидиялар миқдорини ҳисоблаш мумкин бўлган функцияси қўшилди. Бу жуда қулай функция бўлиб, унинг ёрдамида фойдаланувчи сув тежаш технологиясини (масалан, томчилатиб суғориш), қишлоқ хўжалиги экинни (пахта, боғ, полиз) танлаши, экин майдонининг тупроқ бонитети баллини киритиши мумкин, калькулятор эса нафақат қанча қувур, най, шланг, нечта улаш узеллари керак бўлишини, қурилиш ишлари, балки бунинг қанчага тушишини ҳам ҳисоблаб беради.

«ТОМЧИ» МИсига киритилган тескари алоқа механизми пировард фойдаланувчилар билан мулоқотда бўлиш ва уларнинг эҳтиёжларини баҳолаш учун аҳамиятли восита ҳисобланади. «ТОМЧИ» МИ орқали лойиҳа сув тежаш технологиялари жорий қилиш бўйича аниқ талабларни мунтазам олмақда. «ТОМЧИ» ижтимоий тармоқлари орқали олинган талабларга жавоб бериш учун 2020 йил, 12 июнь куни «Сув тежаш технологияларини жорий этиш – имтиёз ва

амалиёт» мавзусида вебинар ўтказилди, унда қарийб 200 киши қатнашди. Айни пайтда ёзма равишда талайгина амалий саволлар олинди, уларга таклиф этилган маърузачилар жавоб бердилар ва жавоблар «ТОМЧИ» ижтимоий тармоқларида эълон қилинди.

Пандемия шароитида «ТОМЧИ» ижтимоий тармоқлари фермерлар кенг аудиторияси ва сувни тежовчи технологиялари ишлаб чиқарувчиларининг орасида тўғридан-тўғри мулоқотнинг асосий канали бўлиб хизмат қилди. ТОМЧИ (@tomchikanali) Телеграм оубначилари ва «ТОМЧИ мутахассислари» (@tomchiguruhi) Телеграм гуруҳи иштирокчилари амалда канал тарқатаётган назарий ёрдам ва билимни ҳам, «ТОМЧИ мутахассислари» гуруҳи мутахассислари кўрсатаётган амалий ёрдамни ҳис этдилар. Бу жараёнда сув хўжалиги вазирлигининг талабларига дарҳол жавоб бераётган ва имкон борича, амалий ёрдам ҳам кўрсатаётган мутахассислари гуруҳга аъзо бўлганлиги ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шундай қилиб, оубначиларнинг мавжуд эҳтиёжларини қондириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва билимли мутахассислар жамоаси контенти ишлаб чиқиши самарали ёндашув бўлиб чиқди ҳамда лойиҳада камровни кенгайтириш бўйича ишни янада фаоллаштириш нияти бор.

Журнал ўқувчилари учун лойиҳанинг бошқа онлайн ресурслари билан танишиш қизиқарли бўлиши мумкин:

Facebook >> <https://www.facebook.com/groups/2136266839950783/>;

Youtube >> <https://www.youtube.com/channel/UCCnt5WKnVYdtOIWFN6Q4GGg>;

Mover.uz >> <https://mover.uz/upload/>

Лойиҳанинг иккинчи босқичини амалга ошириш икки ой муқаддамгина бошланди. Лойиҳанинг СРИБни жорий этиш бўйича режа ва вазифалари мўл, улар шубҳасиз Ўзбекистонда қишлоқ аҳолиси турмуши шароитининг яхшиланишига хизмат қилади.

Улуғбек МАМАЖОНОВ,
ўз мухбиримиз.



ИСЛОҲОТЛАР ЗАМИРИДА ФАРОВОНЛИК НАМОЁН

Маълумки, ёз, куз фасли доим деҳқон учун муҳим дамлар ҳисобланади. Айниқса, ушбу долзарб лаҳзалар сувчи, мироблар олдида ҳам долзарб вазифалар кўядики, зеро, ҳар бир экинни вақтида ва тўғри сугорилиши, умуман, сидқидилдан қилинган меҳнат — мўл ҳосил омили бўлади. Айтиши жоизки, экин маромида ривожланиб, мўлжалдаги ҳосилни тўплашида тўғри сугоришнинг аҳамияти катта. Сабаби, бу энг нозик агротехник тадбирлардан бири бўлиб, сифатли бажарилсагина, шаклланган ҳосил нишонларини сақлаб қолиши ва уни кўпайтиришга хизмат қилади. Ана шуларни эътиборга олган ҳолда ҳар бир экиннинг ҳосил салмоғида бободехқон билан бирга сувчи миробларнинг машаққатли меҳнатлари муштарак деб эътироф этиши мумкин.



Халқимизда “Сув келтирган элда азиз” деган ҳикмат бор. Зеро, ҳамма даврларда ҳам сувни саховатли далалар бағрига, бободехқонлар ихтиёрига етказиб бериш осон кечмаган. Юрт ободлиги, дастурхонимиз тўқинлигига сабаб бўладиган сувни бошқариш ва ундан тежаб фойдаланиш иши ҳам бир санъат. Кейинги пайтларда соҳа ходимларининг меҳнатига бўлаётган юксак эътибор, амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида ҳам сувчи миробларнинг меҳнатини кадрлаш ва уларга қатор энгилликлар яратиш кўзда тутилган.

— Жорий йилнинг 10 июлида Президентимиз томонидан имзоланган “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони мамлакатимизда сувни бошқариш ва ундан фойдаланиш тизими ривожидида янги давр бошлангани ҳақидаги муҳим ҳужжат сифатида бизни ниҳоятда қувонтирди.

Фармон билан Осиё Тараққиёт банки, Швейцария ҳамкорлик ва тараққиёт агентлиги каби халқаро ташкилотлар экспертлари иштирокида ишлаб чиқилган Концепция асосида 2020-2022 йилларда амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирларни белгилловчи “йўл харитаси” ҳам тасдиқланди. Харита соҳада олиб борилиши зарур бўлган барча юмушлар аниқ-тиниқ ўз аксини топганлиги билан бизга дастуруламал сифатида хизмат қилади.

Шунингдек, концепция асосида магистрал ва хўжаликлараро каналларда таъмирлаш ва тиклаш, реконструкция қилиш ишлари тизимли тарзда олиб борилади. Бетон қопламали каналларнинг улуши 46 фоизга (13,1 минг км) етказилади. Шу билан бирга, 12,9 минг км лоток тармоқлари янгисига алмаштирилади. Натижада, сугориш тармоқларининг фойдали иш коэффиценти 0,73 га етказилади. 2022 йилдан бошлаб пахта ва ғалла етиштиришда насослар истеъмол қилган электр энергияни Давлат бюджетидан қоплаш фақат сув тежовчи технологияларни жорий этганларга татбиқ этилади. 2023-2025 йилларда сув тежовчи технологияларни насослар ва қудуқларга боғланган экин майдонларида жорий қилиш орқали улардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги оширилади, — дейди Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Фарҳод Раджабов.

Дарҳақиқат, соҳада амалга оширилажак бу каби ўзгаришлар бошқарманинг қуйи тизимларида фаолият

олиб бораётган ишчилар ҳаётида фаровонликни ошириш баробарида, уларнинг ўз касбидан фахрланишига ва эртанги кунга бўлган ишончини оширишга сабаб бўлаётир.

Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли “Дарғом” ирригация тизими бошқармаси ҳудуддаги энг йирик тармоқлардан бири бўлиб, тизим орқали Ургут, Тайлоқ, Самарқанд, Пастдарғом, Нуробод, Каттақўрғон туманларидаги 125 минг 485 гектар экин майдони сугорилади. Ана шу мушкул вазифа тизимда фаолият олиб боровчи 174 нафар ишчи-ходимнинг зиммасида. Ана шу ишчиларнинг меҳнатини ўз вақтида рағбатлантириш, уларга қўшимча моддий ёрдамлар ажратиш эса тизим раҳбариятидан ўзига яраша тадбиркорликни ва ишбилармонликни талаб этади. Шу боис, бугунги кунда Дарғом ирригация тизими бошқармаси томонидан қатор ёрдамчи хўжаликлар фаолияти йўлга қўйилган. Жумладан, тизим марказий базасида 10 сотих майдонда томчилатиб сугориш асосида қарам экилган ва Дарғом ИТБ ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан марказий базада ёрдамчи хўжалик учун 15 бош қўй парвариш қилинмоқда. Шу билан бирга, Дарғом ИТБ қуйи базасида шлакоблок ишлаб чиқариш, темир-бетон қувур ишлаб чиқариш, СП4 фундамент ишлаб чиқариш ишлари йўлга қўйилди, токарлик станокларини ишга тушириб, техник хизмат кўрсатиш ва пайвандлаш ишлари бошлаб юборилди. Натижада 4 нафар ходим қўшимча иш билан таъминланди. Шунингдек, яқинда, Дарғом ИТБ Марказий базасида 3 сотих замонавий иссиқхона ташкил этиш ишлари амалга оширилди ва товуқ гўшти ишлаб чиқаришга ихтисослашган товуқхона қурилиб, жўжалар парвариши учун 3 нафар ходим ишга олинди. Албатта, бу каби амалга оширилаётган ишлардан кўзланган асосий мақсад, авваламбор, қўшимча даромад олиш ва шу аснода ишчи-хизматчиларга қўшимча моддий кўмак кўрсатишдан иборат. Зеро, заҳматли соҳа вакилларининг юзу кўзида бугунги кундан шукроналик эртанги кунга ишонч зоҳир бўлиши энг муҳим омил.

Суратда: (чапдан) “Дарғом” ирригация тизими бошқармаси бошлиғи Қувончбек Очиллов ходимлар билан.

Шуҳрат НОРМУРОДОВ,
ўз мухбиримиз.

ОНА ЗАМИН ЗАҲМАТКАШЛАРИ

Диёримизда куз. Шаҳару-қишлоқлар, қиру-адирлар, боғу-роғларда иш қизгин. Йил бўйи пишиб етилган ҳосилни нобудгарчиликсиз йиғиб-териб олиш учун барча бирдай ишга киришган.

Фарғона вилояти пахтазорларини айланар эканман, далалардаги ҳосилни кўриб ҳайратга тушдим.

— Пахталар чаман-чаман-ку? Баракасини берсин, — дейман кўзларидан нур чақнаб турган Бешариқ туман “Бўтабой Жуманов” фермер хўжалиги раҳбари Маъмуржон Жуманов.

— Раҳмат опа, ҳаракатда баракат. Изландик, ўргандик, натижасини кўриб турибсиз. Ер билан тиллашдик, дардлашдик. Агротехника қоидаларига амал қилиб режани ҳар йили ортиғи билан бажаряпмиз. 42 гектар пахта майдонидан 40 центнердан йиғиб олдик. 46,86 гектар ғалла майдонидан эса 70 центнердан хирмон кўтардик. 5 гектар боғдаги турли хил мевалар ҳам фермерга қўшимча даромад, 30 оила асаларидан ҳам анчагина маҳсулот оляпмиз.

Ушбу туманнинг “Гулбод файзи” фермер хўжалиги ҳам илғорлардан.

— 46 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 42 центнердан ҳосил йиғиб олишни ният қилганмиз. Худо хоҳласа, гапимизнинг устидан чиқамиз, — дейди хўжалик раҳбари Зайлобиддин Исмоилов. — 53 гектарлик ғалла майдонидан 75 центнердан ҳосил йиғиб олдик. 50 тоннасини давлатга топширдик, 25 тоннаси ўзимизга қолди.

Камтарлик, самимийлик, хушмомилалик билан ишлашни одат қилган фермер савоб ишларини кўп ҳам қилар экан.

Шу тумандаги “Ихлос Бекмуҳаммад Умаржон” фермер хўжалиги раҳбари Умаржон Бекматов 2007 йили фермерликни бошлаган. Айни кунда 45,80 гектар майдондаги пахтазорлар иккинчи терим бўлишига қарамай оплоқ тусга кирган. 41 центнердан ошириб ҳосил олмақчи. 40 гектар ғалла майдонидан 75 центнердан ризку-насиба йиғиб олибди.

— Ҳомийлик деган тушунча талаффузимизга кириб келди. Савоб ишларингизни ҳам бисёр дейишди раҳбарлар.

— Опа, ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин, дея бежиз айтишмайди, — дейди қаҳрамонимиз. — Инсон инсонга ёрдам бермаса, бу дунёга нега келган...

Учкўприк вилоятнинг кўзга кўринган, ўз ўрнига эга туманларидан. Чунки одамлари ориятли, фермерлари илғор, тадбиркорлари бисёр. Ушбу туманнинг “Кенагас саховати” фермер хўжалиги далаларида бўлди. Абдулҳамид Аҳмедов раҳбарлик қилаётган хўжаликнинг дала майдонига ҳавас қилса арзийди.

— Пахта майдонимиз 42 гектар. Худо хоҳласа, 42 центнердан ошириб ҳосил йиғиб оламиз, — дейди фермер. — 40 гектар ғалла майдонидан 80 центнер дуру-гавҳар йиғиб олдик.

— Даромад ҳам шунга ярашади?

— Опа, йил оралатиб тўй қиламиз, уй соламиз, машина, техникалар оламиз. Пахта, ғалламизни уруғлик учун авайлаб асраймиз.

— Омадингизни берсин. Сизлар бой бўлсангиз, халқимиз бой, юртимиз тинч, Ўзбекистонимиз гуллаб яшнайдеради.

“Учкўприк туманида илғорлар бисёр”, дея бизни яна бир фермер даласига бошлади ҳамроҳим, туман қишлоқ хўжалиги бўлим бошлиғи Ғайратжон Каримов.

Ютуқлардан гердаймайдиган, ишнинг кўзини билувчи “Собижон-Синобек” фермер хўжалиги раҳбари Соҳибжон Акбаровдан ютуқлари сирларини билгимиз келди.

— Бу меҳнат холос, — дейди Соҳибжон ҳазилга ҳазил билан жавоб бериб.

27,4 гектар майдондаги пахтадан 42 центнерни мўлжаллаган фермер далаларида иккинчи терим бўлишига қарамай ҳосил мўл.

— 45 центнер олиш ҳам мумкин, — дейди ҳамроҳимиз Ғайратжон.

Ҳар йили режани ортиғи билан бажариб келаётган Соҳибжонга қойил қоламиз. Ерни тилини билгани боис, агротехника қоидаларини доимо вақтида ўтказлади.

2020 йилда 32 гектар ғалла майдонидан 70 центнердан ҳосил йиғиб олибди. Ғалладан бўшаган ерларга мош, шולי, маккажўхори, сабзи, картошка каби такрорий экинлар экиб, ишчиларига, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож аҳолига бўлиб бергани ҳам ўзбек ўғлонига хос фазилат.

Учкўприклик фермерлар билан хайрлашиб, Қувасой шаҳридаги фермерлар билан ҳам диллашгимиз келди, ўша манзил туман йўл олдик.

Мен туғилиб ўсган Фарғонанинг одамлари беғубор, меҳмондўст, ҳазилкаш, дилбар. Суҳбатлашсангиз ором оласиз, кулгулари самимий, сўзларидаги оҳангга қараб қизларида Нодира, йигитларида Бобур сиймосини кўрасиз.

Қувасойда “Иқбол 2001” фермер хўжалиги раҳбари Иқболжон Мамаюсупов билан танишдик, суҳбатлашдик, ишларига қизиқдик.

Камтаргина йигитни боғ оралаб одмигина кийимда далада сув тараб юрганида учратдик.

— Сувчи йўқми, чарчаб қолманг, — дедим ҳазиллашиб.

— Бор, аммо чорвага ҳам, боғга ҳам ёрдам бераман, қарашавераман. Томоша қилиб ўтиролмайман, — дейди у.

13 гектар боғда турли хил мевалар тартиб билан экилган. Сувларнинг шилдираши худди мусиқага ўхшайди.

— Даромад зўр бўлдимми?

— Ҳисоблаганимиз йўқ ҳали.

— Даромад сизники, биз билишимиз шарт эмас, қизиқиш холос.

12 гектар ғалла майдонидан олинган ҳосил ҳам тоғлардай баланд бўлгани аниқ.

— Келгусида режалар бисёрдир?

— Наслли куёнлар олиб келиш, балиқхона ташкил этиб, чорва сонини кўпайтириш режаларимиз бор.

— Дарвоқе, чорва молларингиз сони қанча?

— Ҳозирги кунда 40 бош, 100 бош қўйимиз бор. Устозим, маслакдошим дадам Мамаюнус Мамаюсупов бўладилар.

Кўп йиллар Данғара, Учкўприк туманларида, Қувасой

шаҳрида раис вазифасида ишлаган отасининг тажрибасидан ўрнак олиб меҳнат қилаётган Иқболжонга ҳавас қилдик. Соғлиқ, омонлик тилаб хайрлашдик.

Язёвон туманида ҳам илғор фермерлар бисёрлигини эшитиб, ушбу туманга йўл олдик. Туман ҳокимининг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосари Дилшоджон Камолитдинов бизни илиқ кутиб олди. Маслаҳатлашиб “Баҳромбек” фермер хўжалигининг айна кунлардаги ишлари билан танишишга қарор қилдик.

Ёш, ишчан, изланувчан, кўзи ёниб турган йигитни кўрганимда ҳаётдан нолиб юрган ёшлар ундан ўрнак олса қанийди, дегим келди. Отаси Мирзоҳид Олимов 1999 йили ушбу хўжаликни ташкил этган. Кексайиб қолгач, 2015 йили ўғлига ишониб топширган. Ишга чанқоқ 25 ёшли йигит атрофидаги қолоқ фермерлар ерларини қўшиб олиб, кластер ташкил қилди. Айна кунда 270 гектар ғалла майдони бўлиб, ҳар гектаридан 95 центнердан ҳосил йиғиб олибди. Тасанно! 172 гектар майдонидаги оппоқ бўлиб очилган пахтазорлар ҳам кўзни қувнатади.

— Ўтган йили 41 центнердан пахта йиғиб олган бўлсак, жорий йилда 45 центнерни мўлжаллаб турибмиз, — дейди фермер. — 170 та иш ўрни яратганмиз. Шундан 110 тасида меҳнат дафтарчаси бор. Кўриб турибсиз, ғалладан бўшаган ерларга мош, маккажўхори, картошка, нўхат, соя экдик. 20 гектар ерни кам таъминланган оилаларга бўлиб бердик. Қолганини хўжалик аъзолари билан маслаҳатлашиб, улар хоҳишига кўра турли хил дастурхонбоп экинлар экдик.

— Ҳали ёш экансиз, ишлар оғирлик қилмаяптими?

— Йўғ-э, ундай эмас. Қолаверса, кекса уста деҳқонлар билан доимо маслаҳатлашиб ишлайман. Яқинда чорвачилик, балиқчилик, асаларичиликни ҳам ташкил қилмоқчиман.

Фарғонадан қайтар эканмиз, халқимиз дастурхонни турли нозу неъматга тўлдириб, рискимизни бутун қилаётган фермерларнинг ишларига ривож тиладик.

Раъно ТОЖАЛИЕВА,
журналист.

Жорий йилги баҳорнинг сер-ёғин келиши Наманган вилояти далаларига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Асл заршунослар, ишни кўзини билган фермерлар эса бунга элга келган тўй дея қарашди. Натижада барча қийинчиликларни енгиб, далаларда мўл ва сифатли ҳосил етиштиришди.

— Агротехник тадбирларни ўз вақтида олиб бориб, пишиқ-пухта иш юритганимиз боис давлатга дон сотиш режасини ортиғи билан бажардик, 25 гектар майдондаги ғалладан 50 центнер ўрнига 80 центнердан ҳосил йиғиб олдик, — дейди Поп туманидаги “Раис-санг” фермер хўжалиги раҳбари Илёмжон Ботиров. — Режадан ортган донни хўжалигимиз аъзоларига бўлиб бердик. Хуллас, ерга меҳр бериб, инсоф, диёнатни унутмай ишлаган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди.

Хўжаликда пахта йиғим-терими ҳам авжида. 76 гектар майдондаги пахтазорни оралаб кўсақлар санадик. Биринчи терим якунланибди. Аммо очилай-очилай деган кўсақлар ҳали бисёр.

— Пахтадан ҳам 40-41 центнердан ҳосил кўтаришни мўлжаллаяпмиз, — дея сўзида давом этди фермер.

Австралиядан келтирилган 27 бош қорамол, 15 оила асаларилар, 150 бош ўрдак, 370 бош кўй-қўзилар, сутни қайта ишлаш цехи, биолоборатория ҳам фермерники.

СЎЗИДА УСТУВОР ФЕРМЕРЛАР

— Демак ишласа, имкон топса бўлади.

— Албатта, — дейди Илёмжон, — фақат кунт, сабр, эътиқод, меҳр, ақл билан иш юритиш лозим. Замонавий техникаларимиз бор. Ишда қийинчилик туғилса, туман раҳбарлари маслаҳатини, ёрдамини аяшмайди.

Наманган туманидаги Миролим Парпиев раҳбарлик қилаётган “Нурли диёр зар толаси” фермер хўжалиги фаолияти ҳам мақтовга лойиқ. Жорий йилда 44,2 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан 70 центнердан дон йиғиб олган бўлса, 42,3 гектар пахта майдонидан 41 центнердан ҳосил олишни ният қилган.

— Техникаларимиз етарли, — дейди Миролим. — Ютуқ ҳам, камчилик ҳам ўзимизники, ерга меҳр бериб ишласак, даромад устига даромад келаверади. Тинч, осойишта, улуғ кунлардан қувониб, шукроналар айтиб ишлаш барчамизга насиб қилсин.

Мингбулоқ тумани азалдан меҳнатсевар халқи билан тилга тушган. Туман иқтисоди юксалиб, фаровонлик сари интилиб, халқи тўқ, юрти обод бўлаётган ҳудудлар қаторига киради.

Ушбу туманнинг “Муқаддас замин саҳовати” фермер хўжалиги раҳбари Ферузахон Мирмаҳмудованинг ҳудудда ўз ўрни, хурмати борлигини туман раҳбарлари эътироф этишди. 60 гектар ғалла майдонидан 60 центнердан ҳосил йиғиб олиб, айрим қолоқ эркак фермерларни лол қолдирибди.

— Айна пайтда хўжалигимизда пахта йиғим-терими авжида, 58 гектар

пахта майдонидан 40 центнердан ошириб “оқ олтин” териб оламиз, — дейди Ферузахон.

Дили тили каби беғубор фермеримиз ишларининг ҳосиласидан хурсандчилигига гувоҳ бўлиб ич-ичимдан қувондим.

Ўзбекистонимизда ана шундай кўнгли очиқ, сахий, саховатли аёлларимиз кўп экан, Темурдай ўғлонлар, Тўмарисдай қизлар кўпаяверади. Ҳаётимиз янада гўзал, мафтункор бўлаверади.

Вилоятнинг Норин туманида ҳам марду-майдонлар бисёр.

“Гавҳарой Соҳиба Бону” фермер хўжалиги раҳбари Мавлонхон Мансуровнинг суяги далада қотган. Бригадир, пудратчи бўлиб ишлаган қаҳрамонимизга фермерликни бошқариш оғир бўлмади. У фермер хўжалиги ташкил этибдики, белгиланган режаларни ортиғи билан бажариб келади. 2020 йили 36 гектар ғалла майдонидан 60-70 центнердан ҳосил йиғиб олган бўлса, 43 гектар пахта майдонидан 42 центнердан ҳосил олишни ният қилган. Унинг яна 16 бош қорамоли, 2 гектар боғи ҳам бор. Ҳусниддин Ҳолиқов иш юритувчи бўлишига қарамай отасининг барча юмушларини ўз зиммасига олишга улгурибди.

— 2003 йили фермерликни бошлаган бўлсам, шундан буён Ҳусниддин ёнимда, — дейди отахон. — Кўмакчиларинг сени доимо қўллаб-қувватлаб турса, ҳар қандай бошлаган ишинг баракали бўлаверади.

Ўз мухбиримиз.

ЭНГ КАТТА МАЙДОНЛАРНИ ЭГАЛЛАГАН ҒЎЗА НАВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги сонли қарорига биноан ҳудудларда ғўза навларини жойлаштириш пахта тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ташкилотчилари ва кластерлари томонидан мустақил жойлаштирилиши ваколати берилган бўлиб, бу ўз навбатида селекционер олимлар томонидан яратилаётган янги ғўза навларига соғлом рақобат муҳитини яратиб берди.

Ривожланган мамлакатларда пахта хомашёси етиштиришнинг 2016-2017 йиллардаги таҳлили шуни кўрсатадики, пахта етиштириш бўйича биринчи бешликка Ҳиндистон, Хитой, АҚШ, Покистон ва Бразилия давлатлари киради.

АҚШнинг “Қишлоқ хўжалиги маркетинг хизмати пахта ва тамаки етиштириш” дастурига кўра, юқори сифатли “Делтапайн” бренди АҚШда 2016-2017 йиллар мавсумида энг машҳур бўлиб катта майдонларга экилган. Иккинчи энг машҳур бренд - Байернинг Фибер Макс, Доунинг Фито Гэн ва Байернинг Стоневил навларидир. Трансгенетик навлар 2016 йилда АҚШда экилган пахта майдонининг 98,7 фоизини ташкил этган.

Республикамызда 2020 йил ҳосили учун экилган ўрта толали ғўза навларининг асосий майдондаги улуши юқори бўлиб, 1 млн гектардан ортқ майдонни эгаллайди.

Ўрта толали ғўза навларининг асосий майдондаги улуши таҳлил қилинганда, биринчи ўринда ўзининг тезпишарлиги, ҳосилдорлиги

ва турли тупроқ-иқлим шароитларига мослашувчанлиги бўйича ижобий натижаларни кўрсатиб келаётган “Султон” ғўза навининг экилаётганлигини кўриш мумкин. Ушбу нав Бухоро ва Қашқадарё вилоятларидан ташқари барча вилоятларда 195,6 минг гектарни эгаллаган

бўлиб, асосий майдонга нисбатан улуши 18,9% ни ташкил қилмоқда.

Иккинчи ўринни ҳосилдорлиги, бир чаноқдаги пахта вазни (7-8 гр) ва тола чиқими (37-38%) юқори бўлган “Бухоро-102” нави эгаллагани ҳолда 128,5 минг гектар майдонга экилган ва асосий

Республикада экилаётган ғўза навларининг экилган ҳудудлар ва эгаллаган майдони тўғрисида қуйидаги жадвалда танишиш мумкин:

т/р	Навлар номи	Эгаллаган майдони, га	Асосий майдонга нисбатан улуши, %	Нав тавсифи ва экилган ҳудудлар
1	Султон	195638,3	18,9	Эртапишар нав бўлиб, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларидан ташқари Республиканинг барча вилоятларида асосий нав сифатида экиб келинмоқда.
2	Бухоро-102	128253	12,4	Эртапишар нав бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида асосий нав сифатида экиб келинмоқда.
3	Бухоро-6	97032,9	9,4	Ўртапишар нав бўлиб, Бухоро, Қашқадарё, Навоий вилоятларида асосий, Сурхондарё вилоятида янги нав сифатида экилган.
4	Бухоро-8	69994,9	6,8	Ўртапишар нав бўлиб, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида асосий, Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятида янги нав сифатида экилган.
5	С-6524	60874,1	5,9	Ўртапишар нав бўлиб, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида асосий нав сифатида экилган.
6	Анджон-35	59753,2	5,8	Эртапишар нав бўлиб, Анджон ва Наманган вилоятларида асосий нав сифатида экилган.
7	Наманган-77	50477,5	4,9	Эртапишар нав бўлиб, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида асосий нав сифатида экилган.
8	С-8290	42460,7	4,1	Эртапишар нав бўлиб, Фарғона вилоятида асосий нав сифатида экилган.
9	С-4727	39569,6	3,8	Эртапишар нав бўлиб, Қорақалпоғистон Республикасида асосий, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида янги нав сифатида экилган.
10	Бухоро-10	35409,2	3,4	Ўртапишар нав бўлиб, Бухоро вилоятида асосий, Сурхондарёда янги нав сифатида экилган.
11	Анджон-36	33098	3,2	Эртапишар нав бўлиб, Анджон вилоятида асосий, Наманганда янги нав сифатида экилган.
12	Ан-Боёвут-2	29626,8	2,9	Эртапишар нав бўлиб, Жиззах, Навоий ва Сирдарё вилоятларида асосий нав сифатида экилган.
13	Хоразм-127	29265,4	2,8	Ўртапишар нав бўлиб, Хоразм вилоятида асосий нав сифатида экилган.
14	Порлоқ-4	24303,1	2,4	Эртапишар нав бўлиб, Қашқадарё вилоятида асосий, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида истикболли нав сифатида экилган.
15	Омад	14555	1,4	Эртапишар нав бўлиб, Самарқанд вилоятида асосий нав сифатида экилган.
16	С-8286	11801	1,1	Эртапишар нав бўлиб, Самарқанд вилоятида асосий нав сифатида экилган.
17	Анджон-37	9931	1,0	Эртапишар нав бўлиб, Анджон вилоятида асосий нав сифатида экилган.
18	Гулистон	6709	0,6	Эртапишар нав бўлиб, Сирдарё вилоятида асосий нав сифатида экилган.
19	С-8294	6436,4	0,6	Эртапишар нав бўлиб, Хоразм вилоятида асосий нав сифатида экилган.
20	Наманган-34	5 444,5	0,5	Эртапишар нав бўлиб, Наманган вилоятида асосий нав сифатида экилган.
Ингичка толали навлар бўйича				
1	Сурхон-14	6111,9	0,6	Ўртапишар нав бўлиб, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида экилган.
2	Сурхон-103	2650	0,3	Эртапишар нав бўлиб, Сурхондарё вилоятида экилган.
3	Термиз-202	813,4	0,1	Ўртапишар нав бўлиб, Сурхондарё вилоятида истикболли нав сифатида экилган.
4	СП-1607	648,5	0,1	Янги нав сифатида Сурхондарё вилоятида экилган.
5	Термиз-208	531,6	0,1	Истикболли нав сифатида Сурхондарё вилоятида экилган.
6	Сурхон-16	520	0,1	Ўртапишар нав бўлиб, Сурхондарё вилоятида асосий нав сифатида экилган.
7	СТ-1651	481,3	0,05	Янги нав сифатида Сурхондарё вилоятида экилган.

майдоннинг 12,4% ини ташкил қилади.

Учинчи ўринни ҳосилдорлиги, бир чанокдаги пахта вазни (7-7,5 гр) ва тола узунлиги (33-36 мм) юқори бўлган “Бухоро-6” нави эгаллаган бўлиб, 70 минг гектар майдонда экилган ва асосий майдоннинг 9,4% ини ташкил қилади.

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига *G.hirsutum* L турига мансуб ўрта толали ғўза навлари билан биргаликда *G.barbadense* L турига мансуб ингичка толали ғўза навлари

ҳам киритилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 январдаги 47-сонли қарорига биноан ингичка толали ғўзанинг “истиқболли нав” сифатида экиб келинаётган навларини уларнинг ишлаб чиқаришдаги кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия қилинган қишлоқ хўжалик экинларининг давлат реестрига киритиш белгиланган бўлиб, Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш марказининг 27.12.2019 йилдаги 41-сонли қарори билан “Сурхон-14”, “Сурхон-16”, “Сурхон-103”

навлари Сурхондарё вилояти бўйича Давлат реестрига киритилди.

Бу эса, ўз навбатида, узун толали навлар орасида ҳам рақобатнинг кучайишига, пировард натижада эса, ҳосилдорлик, тола сифати, зараркунандаларга бардошлилик сингари қимматли хўжалик белгиларини ўзида мужассамлантирган ғўза навлари яратилишига асос бўлади.

*“Ўзагроинспекция” Матбуот хизмати,
Уруғлик пахта хомашёси чигити
етиштирилишини назорат
қилиш бўлими.*

ТАДҚИҚОТ

АҚШ КОЛЛЕКЦИОН НАМУНАЛАРИ ИШТИРОКИДА ЯРАТILGAN ДУРАГАЙЛАРДА ТЕЗПИШАРЛИКНИНГ ШАКАЛЛАНИШИ

The article presents evidence on early maturity of intraspecific hybrids, as well as the nature of inheritance of this feature in F₂ plants.

Ҳозирги замон ғўза селекцияси ва уруғчилигида яратилаётган навларнинг тезпишарлиги муҳим аҳамиятга эга. Ғўза навлари кўсақларининг эрта ва тўлиқ очилиши, тола сифати ва ҳосилдорликнинг юқори бўлишига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Юқоридаги фикрларни назарда тутиб, тезпишарлик масаласига бир қатор олимлар ўзларининг илмий ишларида алоҳида эътибор қаратишган. Жумладан, Д.Ахмедов (1984), П.Попов (1986), М.Пўлатов (1986), Х.Сайдалиев, А.Холмуродов (1996), Х.Сайдалиев ва бошқ. (2001).

Тезпишарлик – қишлоқ хўжалик экинларида энг муҳим биологик хусусиятлардан бири ҳисобланади. Тезпишарлик ўсимликнинг – униб чиққандан шоналашгача, шоналашдан гуллашгача ва гуллагандан пишиб етулгунгача бўлган даврларнинг давомийлиги билан белгиланади.

Тезпишарликнинг энг муҳим босқичларидан бири – бу кўсақларнинг очилиш даври ҳисобланади. Изланишларимизда ўрганилган F₁ ўсимликларида очилгунгача бўлган давр 107,8-118,4 кун оралиғида бўлди. Жумладан, F₁(Meade 14-2 x Оққўрғон 2) дурагайида тезпишарлик 112,6 кун, ота-онадан фарқланиши эса – 0,8 кунни ташкил қилди. Ушбу дурагайнинг реципрок шаклида эса кўрсаткич 107,8 кунни ташкил қилган ҳолда, ота-она кўрсаткичидан 5,6 кун эртапишар эканлиги

кузатилди. Бунда албатта оналик сифатида Оққўрғон-2 нави қатнашганда эртапишар, яъни ота-онага нисбатан устунлигини намойиш қилганлигини кўришимиз мумкин. F₁(159 Ф x Stoneville 731 (9873)) ва F₁(C-9081 x Marshall) дурагайларда тезпишарлик тегишли ҳолда 118,2; 118,4 кунни ташкил қилди. Ота-онадан фарқланиш эса –2,6–0,3 кунни ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин. Деярли ҳамма дурагайлар бўйича ота-она кўрсаткичлар –0,8 дан – 0,7 кунгача бўлганлигини кўрсатди. Бу дурагайларнинг ўзарувчанлик амплитудаси эса 1,5%; 5,4% оралиғида бўлди. Дурагайларнинг тезпишарлик белгиси бўйича доминантлик коэффициентини ўрганганимизда, ушбу белги бўйича ўта юқори устунлик, яъни гетерозис кузатилди (жадвал).

Туричи F₂ дурагайларининг тезпишарлик бўйича кўрсаткичлари 114,1-118 кун оралиғида бўлди. Масалан, F₁(MCNAIR-235 x C-6530) дурагайида тезпишарлик 117,2 кунни, унинг реципрок шаклида 114,1 кунни ташкил қилди. Ушбу дурагайнинг ота-онадан фарқланиши –1,4 ва реципрок шаклида эса 4,5 кунни ташкил этди. F₂(Stoneville 731 (9873) x 159 Ф) ва унинг реципрок шаклидаги дурагайларда ҳам шу қонуният ўз аксини топди ва кўрсаткичлар 118,0 дан 116,3 кунгача бўлди. F₁(Meade 14-2 x Оққўрғон-2) ва унинг реципрок шаклида тезпи-

Жадвал

Дурагайларда биринчи кўсақ очилгунгача бўлган давр, кун

№	Дурагай комбинациялар	F ₁				F ₂			
		X±Sx	S	V	P ₁ P ₂ дан фарқ.	X±Sx	S	V	P ₁ P ₂ дан фарқ.
1.	Stoneville 731(9873) x 159 Ф	117,0±0,8	2,7	2,3	-3,8	118,0±1,1	2,0	1,7	-2,8
2.	159 Ф x Stoneville 731(9873)	118,2±1,1	3,5	2,9	-2,6	116,3±0,3	0,6	0,5	-4,5
3.	Meade 14-2 x Оққўрғон-2	112,6±1,0	3,2	2,9	-0,8	115,1±1,3	3,6	3,1	+1,7
4.	Оққўрғон-2 x Meade 14-2	107,8±1,8	5,8	5,4	-5,6	115,0±1,4	4,2	3,6	+1,6
5.	MCNAIR 235 x C-6530	114,0±0,8	2,4	2,1	-4,6	117,2±0,6	1,8	1,5	-1,4
6.	C-6530 x MCNAIR 235	111,6±1,5	5,8	5,2	-7,0	114,1±1,0	2,6	2,3	-4,5
7.	PD 3246 x C-9080	116,8±1,1	3,5	3,0	-0,8	115,0±1,1	3,1	2,7	-2,6
8.	C-9080 x PD 3246	116,5±0,8	2,7	2,3	-1,1	116,4±0,4	1,3	1,2	-1,2
9.	Marshall x C-9081	117,3±1,1	3,6	3,1	-1,4	115,8±1,3	3,0	2,6	-2,9
10.	C-9081 x Marshall	118,4±0,6	1,8	1,5	-0,3	117,4±1,2	2,6	2,2	-1,3

шарлик 115,1-115 кунни, ота-онадан фарқланиши +1,7 ва +1,6 кунга кечпишар эканлиги кузатилди. Тебраниш амплитудаси 3,1-3,6% ни ташкил қилди. Қолган дурагайларнинг ота-онага нисбатан фарқланиши -1,2 дан -4,5 кун ораллигида бўлди. Бу эса дурагай ўсимликларда белгининг ижобийлашувидан дарак беради.

Тажриба натижалари таҳлилидан хулоса қилиб қуйидагиларни таъкидлаш мумкин: биринчи авлод дурагайларида тезпишарлик белгиси бўйича гетерозис ҳолати кузатилди. Иккинчи авлод дурагайларда деярли ҳамма комбинацияларда ота-она намуналарга нисбатан тезпишарлик белгиси бўйича устунлик ва, ҳатто, гетерозис кузатилди. Ғўзада тезпишарлик белгиси бошқа бир қатор белгилар сингари полиген эканлиги изланишларимиз давомида ўз исботини топди. Дурагайлар-

нинг тезпишарлиги чатиштиришларда қатнашган намуналарнинг оналик ёки оталик сифатида қатнашишига ва уларнинг генотипига боғлиқ эканлиги аниқланди.

Ҳакимжон САЙДАЛИЕВ,
қ.х.ф.д., проф.,

Аъзам РАВШАНОВ, қ.х.ф.д.,
Анастасия БАКИРОВА,

таянч докторант,

Сайёра СОРИЕВА,

к.и.х., ПСУЕАИТИ,

Умар ҚОДИРОВ, қ.х.ф.н.,

ТошДАУ Термиз филиали,

Отабек АХМЕДОВ,

таянч докторант, ТошДАУ.

АДАБИЁТЛАР

1. Ахмедов Д. Комбинационная способность сортов при внутривидовой и межвидовой гибридизации хлопчатника и пути практического использования гетерозиса в F_1 . Автореферат диссертации к.с.-х.н. -Ташкент, 1984. С. 25.
2. Попов П.В. Резерв скороспелости. //Хлопководство, 1986. №5. -С. 22-23.
3. Пулатов М.П. Наследование скороспелости у гибридов тонковолокнистого хлопчатника. //Хлопководство. -Москва, 1986. -№5. -С.23-24.
4. Сайдалиев Х., Холмуродов А.И. Турлараро дурагайлашда ғўзанинг чатишиш ва чигит туғиш қобилияти. //Пахтачилик, 1996. -№2. -Б.7.
5. Сайдалиев Х., Мамарахимов Б.И., Халикова М.Б. Новый источник скороспелости хлопчатника. //Аграрная наука. -Москва, 2001. С.12.

УЎТ: 631.5.445.152.559

ТАДҚИҚОТ

ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРИШДАГИ ТУРЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ “ЎЗПИТИ-201” ҒЎЗА НАВИ ЧИГИТЛАРИ УНИБ ЧИҚИШИГА ТАЪСИРИ

As a result of the study, it was found that the improved minimum tillage technology using the «Ilgar-1» aggregate accelerated the germination of cotton seeds UzPITI-201 by 15-24% compared to the control variant and compared to the tillage with the combined row spacing option 105 cm by 10-15 %.

Ғўза навларидан эртаки, юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда тупроққа турли усулларда ишлов бериш бўйича ўтказилган кўплаб тажрибаларда бу муҳим омиллар устида тегишли агротехнологиялар ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқаришга тавсия этилган.

Маълумки, ғўзанинг барча янги навлари турли тупроқ-иқлим шароитларида ўзига хос маълум агротехник тадбирларни талаб қилади. Шу жумладан, “ЎзПИТИ-201” ғўза нави Фарғона водийси иқлим шароитида яратилган бўлса-да, ўзига хос тегишли агротадбирлар ишлаб чиқилишини тақозо қилади.

Маълумки, чигитларнинг униб чиқиши учун маълум даражада намлик ва ҳарорат зарур. Чигитнинг бу ҳаёт омиллари билан таъминланишида пушта олиш, экиш олтидан пушталар орқали нам суви бериш, органик ўғитлар солиш ҳамда бошқа тадбирлар тупроқ ҳарорати ва намлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбирлар ҳисобланади.

Ғўза навларидан эртаки, юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда мавжуд технологияларнинг ижобий хусусиятлари тўла ўрганилган эмас.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш, мазкур технологияларнинг ўрни ва аҳамиятини аниқлаш мақсадида 2015-2017 йилларда ПСУЕАИТИ Андижон илмий-тажриба станциясида уларни “ЎзПИТИ-201” ғўза навини чигитларини униб чиқишига таъсири ўрганилди.

Ишчи дастурига кўра, тажрибанинг 1-варианти тупроққа ишлов беришнинг одатдаги 30-35 см чуқурликда ҳайдалган

вариантда назорат учун “ЎзПИТИ-201” ғўза навини чигитлари одатдаги экиш усулида экилди. 2-назорат вариантда амалдаги қатор ораси 105 см кенгайтирилган тупроққа ишлов беришнинг комбинацияли технологиясида (Оқ сув технологияси) “ЎзПИТИ-201” ғўза навини чигитлари қўшқатор усулда экилди.

Тажрибанинг 3-6 вариантларида тупроққа минимал ишлов беришнинг янги такомиллашган технологиясида “Илғор-1” агрегати ёрдамида ер ҳайдалмасдан 35-40 см баландликда кузги пушталар ҳосил қилинди. Худди шунингдек, 7-12 вариантлар ҳам 1-6-вариантлар каби яна тақдорланади ва ғўза тупроқнинг ЧДНС га нисбатан ЧДНС га нисбатан 65-65-60% ва 70-75-60% тартибда суғорилди.

Тадқиқотда тупроққа асосий ишлов беришнинг одатдаги 30-35 см чуқурликда ҳайдаш технологияси, қатор ораси 105 см га кенгайтирилган тупроққа ишлов беришнинг комбинацияли технологияси ҳамда тупроққа “Илғор-1” агрегати ёрдамида комбинацияли ишлов беришнинг такомиллаштирилган минимал технологияларида “ЎзПИТИ-201” ғўза навини чигитлари пушталарга қўшқатор қилиб экилган, ЧДНС га нисбатан 65-65-60% ва 70-75-60% тартибларда суғорилган вариантлар ўзаро таққосланиб, тадқиқ қилинди ва тегишли натижалар олинди.

Уч йиллик тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, тупроққа янги такомиллаштирилган минимал технологияда ишлов берилган пушталарга чигитлар қўшқатор экилган ҳамда

иккала суғориш тартибларида суғорилган вариантларда ҳали агротадбирларнинг таъсири кузатилмаган бўлса-да, чигит экилганидан 3 кундан кейин чигитларни униб чиқиши бошланди.

Чигит экилгандан 5 кундан кейин эса, шу вариантларда 19 апрель куни тупроққа ишлов беришнинг одатдаги 30-35 см чуқурликда ҳайдаш технологияси қўлланган вариантларда (1- ва 7- вариантлар) 3 йилда ўртача 10,3 ва 9,6%, қатор ораси 105 см га кенгайтирилган тупроққа асосий комбинацияли ишлов берилган вариантларнинг чигитлари (2- ва 8- вариантлар) 19,1 ва 15,5% униб чиққан бўлса, тупроққа янги такомиллаштирилган минимал технологияда ишлов берилган пушталарга чигитлар қўшқатор экилган 3-6 ва 9-12 вариантларда бу технологиянинг ижобий таъсирида пушталарда вужудга келган қулай тупроқ шароитида 25,0-31,5% ва 28,7-32,3% чигит униб чиққанлиги аниқланди.

Кузатувларимизнинг сўнги 25 апрель кунда назорат вариантларда чигитларнинг униб чиқиши 77,5 ва 75,5%, қатор ораси 105 см га кенгайтирилган тупроққа асосий комбинацияли ишлов берилган вариантларнинг чигитлари 82,7 ва 83,2%, тупроққа ишлов беришнинг янги такомиллаштирилган минимал технологиясида ишлов берилган ва-

риантларда эса мутаносиб равишда 91,7-94,3 ва 90,8-95,8% ни ташкил этди.

Бунда “Илғор-1” агрегати ёрдамида тупроққа ишлов беришнинг комбинацияли такомиллаштирилган технологияда ишлов берилган вариантларда технологиянинг ижобий таъсирида чигитларнинг униб чиқиши назорат вариантга нисбатан 15-24% га, қатор ораси 105 см га кенгайтирилган тупроққа комбинацияли ишлов берилган вариантга нисбатан 10-15% га тезлашганлиги кузатилди. Назорат вариантда эса чигитларнинг униб чиқиши 15-17 кунгача давом этди.

Демак, тажрибада ўрганилган тупроққа “Илғор-1” агрегати ёрдамида ишлов берилган янги такомиллаштирилган минимал технологиясининг чигитлар униб чиқишига ижобий таъсири узоқ давом этиб, тупроқ намлигини узоқроқ сақлашда муҳим омил эканлигини кўрсатди. Натижада бу вариантлардаги ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши тезлашиб, эртаки ва сифатли пахта ҳосили етиштириш имкониятини яратди.

Илҳомжон АБДУРАҲМОНОВ,
қ.х.ф.ф.д.,
Акрамқул ҲАЙДАРОВ,
қ.х.ф.н., катта илмий ходим,
ПСУЕАИТИ Андижон ИТС.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзажонов Қ., Тожибоев У. – Тупроққа ишлов бериш. // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. Тошкент. 2006, №1. 19 б.
2. Мирзажонов Қ. Ер ҳайдашни модернизациялаш. // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. Тошкент. 2012, №3. 28 б.
3. Мирзажонов Қ., Сатилов Ф. Илм ютуқларини амалиётга жорий этиш – давр талаби. // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. Тошкент. 2013, №2 (26). 3-4 б.
4. Курвантаев Р., Солиева Н., Мусурмонов А. – Влияние минимальной обработки почвы на её физические свойства. // Почвоведение в России: Вызовы современности, основные направления развития. Государственное научное учреждение Почвенный институт имени В.В. Докучаева. Россельхозакадемии. Москва, 2012. С. 190-194.
5. Курвонтоев Р. Кам ишлов бериш ва мульчалаш технологияси, воҳа тупроқларининг агрофизикавий хоссалари. // “Тупроқшунослик – мамлакат экологик ва озиқ-овқат хавфсизлиги хизматида” Республика илмий-амалий анжумани мақолалари тўплами. Тошкент 2017. 6-7 сентябрь. 74-81 б.

УЎТ: 633.51+631.811.1.

ТАДҚИҚОТ

СУСПЕНЗИЯ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ПАХТА ҲОСИЛИГА ТАЪСИРИ

Under the conditions of old irrigated typical serozems, the influence of suspensions prepared on the basis of UAN and urea on the cotton variety Navruz was established. A relatively high effect of suspensions was observed when using only nitrogen fertilizers during the squaring phase and the flowering period of cotton.

Маълумки, ғўзада қўлланилган барча агротехник тадбирларнинг самарадорлиги (шу жумладан, суспензияларнинг ҳам) уларни пахта ҳосилига бўлган таъсир даражаси билан ўлчанади. ПСУЕАИТИ тажриба хўжалигида олинган тажрибаларда пахта ҳосили бўйича олинган маълумотлари кўрсатишича, КАС ва карбамид ўғитлари асосида тайёрланган суспензиялар ғўзанинг 2-3 чинбаргли даврида қўлланилган вариантларнинг назоратига изланиш йиллари бўйича ўртача пахта ҳосили мутаносиб равишда 33,1; 29,1 ва 26,7 ц/га. Ни, 3 йилда ўртача эса 29,6 ц/га.ни ташкил қилган.

КАС ўғитининг 3,0; 5,0; 7,0 ва 9,0 л/га меъёрларидан тайёрланган суспензиялардан ўртача 3 йилда пахта ҳосили 34,3; 31,4; 30,5 ва 31,0 ц/га.ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан 0,7; 1,8; 0,9 ва 1,4 ц/га қўшимча олинди.

Нисбатан юқори қўшимча пахта ҳосили (1,8 ц/га) суспензиялар КАС ўғитини 5,0 л/га меъёридан тайёрланганда олинган.

Карбамид ўғити асосида тайёрланган суспензия меъёрларидан (4,0; 7,0 ва 10,0 кг/га) ўртача 3 йилда пахта ҳосиллари 31,6; 31,2 ва 31,3 ц/га.ни ташкил қилган ҳолда қўшимчалари 2,0; 1,6 ва 1,7 ц/га.га тенг бўлди. Демак, ғўза ривожланишининг бу (2-3 чинбаргли) даврида юқори қўшимча пахта ҳосиллари КАСни 5,0 л/га, карбамидни 4,0 кг/га меъёрларидан олинди 1,8 ва 2,0 ц/га.га тенг бўлган.

Ўсимликни озиқа унсурларига бўлган талабини ҳисобга олган ҳолда азотли ўғитларга калийлилари ҳам аралаштирилди ва алоҳида назорат вариантлари қолдирилди.

Назорат (сув сепилганда) вариантда изланиш йилларига мутаносиб равишда пахта ҳосили 32,0; 28,0 ва 26,0 ц/га.ни 3 йилда ўртача эса 28,6 ц/га.ни ташкил қилган. Бу кўрсаткичлар суспензиялар 2-3 чин баргли даврида қўлланилган вариантларни назоратига нисбатан 1,0 ц/га камроқдир. Лекин, гуллаш бошида қўлланилганда 0,1 ц/га фарқланди, холос. Бу эса назорат вариантларида ғўза

агротехникаси бир хилда олиб борилганлигидан далолат беради.

Ўзанинг шоналаш даврида қўлланилган суспензиялар КАС-ни 7,0 л/га меъёридан нисбатан юқори пахта ҳосили олинди ва 3 йилда ўртача 30,6 ц/га қўшимчаси эса 2,0 ц/га ни ташкил қилган.

Карбамид ўғити ҳам 7,0 кг/га I марта қўлланилганда ҳам бошқа вариантларга нисбатан юқори пахта ҳосили олишга эришилди (31,2 ц/га) қўшимчаси 2,6 ц/га ни ташкил қилган.

Демак, фақат КАС (7,0 л/га) ва карбамид (7,0 кг/га) ўғитлари асосида тайёрланган суспензиялар қўлланилган вариантларда нисбатан мақбул кўрсаткичлар олинди ва калий ўғити аралаштирилган мақбул вариантларниқидан (13 ва 18) 0,1 ва 0,3 ц/га юқори бўлганлиги аниқланган. Бу ҳолат биз қўллаган калийни суспензия ҳолатида ўсимлик барги орқали таъсири бўлмаганлигидан далолат беради.

Ўзанинг гуллаш даври бошида қўлланилган суспензияларда юқорида ёзганимиздек, ўсимлик талабидан келиб чиққан ҳолда азотли ўғитларга фосфориллари аралаштирилди. Назорат вариантыда 3 йилда ўртача пахта ҳосили 28,5 ц/га ни ташкил қилган.

Ўза ривожланишининг бу даврида кўрсаткичлар КАС ўғити (9,0 л/га) асосидаги суспензиялардан 3 йилда ўртача пахта ҳосили 30,6 ц/га ни ташкил қилди. Назоратга нисбатан 2,1 ц/га қўшимча пахта ҳосили олинди.

Карбамид ўғити (10,0 кг/га) асосидаги суспензиялардан ҳам шунга яқин юқори маълумотлар олиниб, ўртача 3 йиллик пахта ҳосили 31,2 ц/га ни, қўшимчаси 2,7 ц/га ни ташкил қилди. Демак, қўлланилган суспензияларнинг турларидан қатъий назар изланиш йиллари уларнинг нисбатан юқори таъсири ўзага шоналаш ва гуллашда фақат азот ўғитлари қўлланилган вариантлардагина иқтисодий жиҳатдан мақбул кўрсаткичлар олинган.

Ўза ривож бу (гуллаш даври бошида) даврда фақат КАС ва карбамиддан 9,0 л/га ва 10,0 кг/га меъёрлари асосида тайёрланган суспензиялар таъсирида ўртача 3 йилда пахта ҳосили 30,0 ва 31,2 ц/га ни, қўшимчалари эса 2,1 ва 2,7 ц/га ни ташкил қилди. Бу кўрсаткичлар фосфор аралаштирилган мақбул вариантларниқига нисбатан 0,2 ва 0,4 ц/га камроқ ёки деярли тенгдир.

Шундай қилиб, 3 йиллик пахта ҳосили маълумотларига кўра, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: суспензиялар турлари ва қўлланиш меъёрларидан қатъий назар, пахта ҳосилини назоратга нисбатан ортишига сабаб бўлади, уларнинг нисбатан юқори таъсири ўзанинг шоналаш ва гуллаш даври бошида фақат азотли ўғитлар қўлланилганда кузатилади.

Мадинабону АЗИМОВА,
қ.х.ф.ф.д., ПСУЕАИТИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Д.Холдаров, Д.Шодиев. Микроэлементларга бойитилган минерал ўғитларнинг ҳосилдорликни ошириш ва сифатини яхшилашдаги аҳамияти. Республика илмий ва илмий-техник анжумани материаллари. Фарғона, 2017 йил 20-21 апрель, 388-390-б.
2. Халиков Б., Ҳасанова Ф., Абдуалимов Ш. Мўл ҳосил пойдевори // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. Тошкент, 2013. №3. 4-5-б.
3. Тиллабеков Б.Х., Сиддикова Д., Каримов Ш., Хайитбоев Х. Суспензияларни қўллаш муддатларининг ўза навларининг ҳосилдорлигига таъсири. Ўзбекистон пахтачилигининг ривожлантириш истиқболлари. Тошкент, 2014 й. 128-129-б

УДК: 664.335.1

ИССЛЕДОВАНИЕ

ИЗУЧЕНИЕ ВЛИЯНИЯ БЕЛКОВОЙ АРАХИСНОЙ МАССЫ НА ПОКАЗАТЕЛИ ХЛЕБА

The introduction of peanut mass protein in the amount of 3.4 and 5% in the wheat bread formulation increases the gas production in the dough. The best effect is observed when making an additive in a dosage of 4-5% by weight of flour. Achieved an increase in the duration of storage of bread with a food supplement.

Проблема повышения пищевой и биологической ценности продуктов питания, в том числе хлеба, показывает целесообразность улучшения их химического состава, устранения дефицита отдельных компонентов, обогащения полноценными белками, витаминами, минеральными веществами и пищевыми волокнами. Эффективным путём решения данной проблемы является использование в качестве добавок высокобелковых продуктов растительного происхождения, в частности, продуктов переработки семян арахиса.


Исследовали влияние различных дозировок белковой арахисной массы (БАМ) на реологические свойства клейковины и теста. Контрольным образцом служило тесто с добавлением хлопкового масла (ХМ) в количестве эквивалентном содержанию жирного масла в БАМ, а в опытные пробы вносили БАМ, полученную из семян арахиса в дозировках от 2 до 5 % к массе муки в тесте. Установлено, что белково-липидный продукт оказывают укрепляющее действие на клейковину

муки по сравнению с контрольным образцом. Значительное увеличение укрепления клейковины объясняется более высоким содержанием в них углеводов и, прежде всего, моно- и дисахаридов, участвующих в образовании гликопротеинов, упрочняющих структуру белковой молекулы.

Влияние БАМ на газообразующую способность муки исследовали по степени интенсивности газообразования в тесте. Установлено, что внесение 3, 4 и 5 % БАМ увеличивает газообразование в тесте по сравнению с контрольным образцом на 8, 10, 22 % соответственно. Наблюдали усиление процесса спиртового брожения, которое связано с обогащением питательной среды сахарами, аминокислотами, витаминами и минеральными соединениями, вносимыми с этим продуктом. Различия в степени влияния белково-липидного продукта БАМ не отражались на реологических свойствах. Улучшение реологических свойств теста объясняется более высокой водопоглощательной способностью белков и углеводов, содержащихся в БАМ.

Установлено, что БАМ, как ценная пищевая добавка, более благоприятно влияет на хлебопекарные свойства пшеничной муки, а наилучший эффект наблюдается при внесении БАМ в дозировке 4-5% к массе муки.

Для определения влияния БАМ на качество готового хлеба проводили ряд пробных лабораторных выпечек. Проведено сравнительное изучение влияния различных дозровок БАМ на качество хлеба при безопасном способе приготовления. Установлено, что добавление в тесто БАМ приводит к улучшению органолептических показателей хлеба, повышению удельного объема, пористости, сжимаемости мякиша и формоустойчивости. Методом математического планирования эксперимента найдена оптимальная дозировка БАМ - 4% к массе муки, которую использовали при приготовлении теста различными способами: безопасным, по интенсивной «холодной» технологии (ускоренный способ), на обычной густой (ГО) и большой густой опаре (БГО). Лучшие результаты были получены при приготовлении теста ускоренным способом с внесением в него БАМ. Отмечено, что в этих пробах увеличивается удельный объем хлеба на 3,8 - 10 % (рис 1), формоустойчивость подовых изделий на - 2-8%, пористость на 1-2%, сжимаемость мякиша на 4-17% по сравнению с пробами, приготовленными безопасным и опарными способами.



Контроль БАМ

Рис.1. Влияние БАМ на удельный объем хлеба при разных способах приготовления теста.

Исследовали основные показатели качества хлеба, выпеченного из теста, приготовленного ускоренным способом. БАМ при этом вносили: в нативном состоянии, в виде жироводной эмульсии и в составе бездрожжевого полуфабриката. Использование БАМ в виде эмульсии было предпочтительнее. Удельный объем хлеба при этом увеличивался на 2-4%, пористость на 1,2-2,5%, форма устойчивости на 2-6%, а общая сжимаемость мякиша на 5,4-8%.

Влияние БАМ на сохранение свежести хлеба оценивали по изменению структурно-механических свойств мякиша в процессе его хранения. Установлено, что внесение БАМ позволяет получить хлеб, сохраняющий свежесть до 48 часов.

Таким образом, внесение в рецептуру хлеба БАМ положительно влияет на основные показатели его качества и позволяет увеличить допустимую продолжительность хранения хлеба.

Наибольший улучшающий качество хлеба эффект наблюдается при внесении БАМ в тесто в виде жироводной эмульсии при соотношении БАМ: вода, равном 1:2, при приготовлении теста ускоренным способом, в дозировке 4% к массе муки. Использование БАМ при производстве хлебных изделий улучшает органолептические показатели качества хлеба: пористость становится более развитой, равномерной, тонкостенной, мякиш – более нежным и эластичным с приятным ароматом и арахисовым привкусом.

Нилуфар КОБИЛОВА, докторант,
Рашид АДIZОВ, к.т.н., доцент,
Кахрамон МАЖИДОВ, к.т.н., профессор,
Дилафруз КАЛОНОВА, научн.исслед.,

Бухарский инженерно-технологический институт.

ЛИТЕРАТУРА

1. Поландова Р.Д. Применение пищевых добавок в хлебопечении // Агробизнес Юга России. 1999. -№11. - С.22-24.
2. Поландова Р.Д., Шваркина Т.И., Быстрова А.И. и др. Применение комплексных хлебопекарных улучшителей // Обзорная информация. Серия: Хлебопекарная, макаронная, дрожжевая промышленность. —М.: ЦНИИТЭИпищепром. - 1986, вып. 5. - 32 с.
3. Арсеньева Т.П., Баранова И.В. Основные вещества для обогащения продуктов питания // Пищевая промышленность. 2007. - № 1. - С. 6-8.
4. Боголюбовская Ю.В. Исследование рецептур продуктов функционального назначения // Пищевая промышленность. 2007. - №4. -С. 70.
5. Щипанова А.А., Марковский Ю.И., Мартовщук В.И., Калмаиович С.А. Химический состав и пищевая ценность БАД «Тыковка». Монография.

УЎТ: 634.8.03:634.86

ТАДҚИҚОТ

УЗУМНИНГ “КОВЕР-5ВВ” ПАЙВАНДТАГИНИ IN VITRO ШАРОИТИДА КУЛТУРАГА КИРИТИШ

The introduction of explants of grapevine rootstock – “Kober-5BB” on MS medium supplemented with BAP, Kin, 0,5 mg/l and 1,0 mg/l GA3 after surface sterilization with 0,1 and 0,2% hypochlorite solution are described in the article.

Узумчилик – Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири. Республиканинг барча тоифа хўжаликлари тасарруфида 113,3 минг гектар тоқзорлар мавжуд бўлиб, шундан 100,9 минг гектари ҳосилли ва 12,4 минг гектари ёш тоқзорлар

ҳисобланади. Ҳозирги даврда республикада тоқзорлар майдонини кўпайтириш, ҳосилдорликни ва узумни қайта ишлаш қувватини ошириш, жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган маҳсулотларни етиштириш каби масалаларга катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Виночилик соҳасини ва алкогольли маҳсулотларни реализация қилишни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида экиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича комплексларни ва

микрклонал кўпайтириш усули билан олинган узумнинг техник навларини кўпайтириш ва етиштириш учун питомникларни яратиш, улар томонидан мевали экинлар навлари мосланувчанлигини, ўсимликнинг экологик-генетик салоҳияти муҳит шарт-шароитларига мос келишини баҳолашнинг экспресс-методларини ўтказиш кераклиги таъкидланади.

Тадқиқотлар академик М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг “Биотехнология” лабораториясида Ж. Драйвернинг “Лаборатория шароитида тўқималар ва хужайралардан сунъий (пробирка) ўстириш” бўйича услубий қўлланмаси асосида узумнинг “Kober-5BB” пайвандтагида олиб борилди.

“Kober-5BB” пайвандтагини 1886 йил француз боғбони Resseguier Америка ёввойи навларини чапиштириб, ҳосил бўлган янги уруғларни венгриялик ер эгаси Телекига юборади. Телеки ўз навбатида 40000 уруғ экиб, сара ўсимликларни танлаб 1904 йили Австриялик систематик олим Коберга юборади. Кобер навни ажратиб, пайвандтага ўз исмини беради.

Пайвандтаг илдиз филоксераси (*viteus [phylloxera] vitifolii shimer*) га чидамли (4/5) балл). Барг филоксераси билан кам зарарланади. Илдизининг совуққа чидамлилиги юқори. Тупроқ ҳарорати -8°C га тенг бўлганда 32% ва ҳарорат -10°C га тушганда 83% илдизлари нобуд бўлади.

In vitro шароитида узумнинг “Kober-5BB” пайвандтагининг эксплантларини юза стериллаш, 2020 йил.

Юза стериллаш воситаси ва концентрацияси	Стериллаш муддати, дақиқа	Културага киритилган куртақлар сони, дона	Зарарланган куртақлар, %	Яшаб қолган куртақлар, %
NaOCl – 0,1 %	5	20	20,1	79,9
	7	20	58,6	41,4
	9 (назорат)	20	69,9	30,1
NaOCl – 0,2 %	5	20	33,0	67,0
	7	20	85,6	14,4
	9 (назорат)	20	88,3	11,7

Узумнинг бу пайвандтаги қурғоқчиликка чидамлилиги билан ажралиб туради. Тупроққа талабчан эмас. Камбағал ва шағалли тупроқларда ҳам яхши ўсади.

Эксплантларни юза стериллаш. Узум пайвандтаги она боғидан 2-3 см ли новда бўғимлари тўпланди ва водопровод сувида 60 дақиқа давомидида ювилди. Узумнинг “Kober-5BB” пайвандтагини юза стериллаш учун натрий гипохлориднинг 0,1, ва 0,2% ли эритмасидан фойдаланилди (1-жадвал).

Узумнинг “Kober-5BB” пайвандтаги натрий гипохлориднинг 0,1% ли эритмасида 9 дақиқа юза стерилланганида, културага киритилган куртақлар сони 20 дона, зарарланган куртақлар 69,9%, яшаб қолган куртақлар 30,1% ни ташкил қилди.

“Kober-5BB” пайвандтаги натрий гипохлориднинг 0,1% ли эритмасида 5 дақиқа юза стерилланганида културага

киритилган куртақлар сони 20 дона, зарарланган куртақлар 20,1%, яшаб қолган куртақлар 79,9% ни ташкил қилиб, назорат вариантыга нисбатан зарарланган куртақлар 50% кам ва яшаб қолган куртақлар 50% га кўп эканлиги қайд этилди.

“Kober-5BB” пайвандтаги натрий гипохлориднинг 0,2% ли эритмасида 5 дақиқа юза стерилланганида културага киритилган куртақлар сони 20 дона, зарарланган куртақлар 88,3%, яшаб қолган куртақлар 11,7% ни ташкил қилди.

“Kober-5BB” пайвандтагини натрий гипохлориднинг 0,2% ли эритмасида 5 дақиқа юза стерилланганида културага киритилган куртақлар сони 20 дона, зарарланган куртақлар 33,0%, яшаб қолган куртақлар 67,0% ни ташкил қилиб, назорат вариантыга нисбатан зарарланган куртақлар 56% кам ва яшаб қолган куртақлар 55,3% га кўп эканлиги қайд этилди.

Стерилланган эксплантлар озуқа муҳити таркибидаги макро ва микроэлементлар, аминокислоталар, ўсишни бошқарувчи моддалар (BAP, KIN ва GA₃ - 05, ва 1,0 мг/л) таъсирида ўсиб ривожланади. Озуқа муҳитига ўсишни бошқарувчи моддалар (BAP, KIN ва GA₃) турли хил концентрацияларида солинди. Стерилланган ўсимликлар 50 мл ли пробиркаларга 10 мл дан MS назорат (Мурасиге ва Скуг, 1962) озуқа муҳитида турли таркибли ва концентрацияларга эга бўлган BAP (бензил аминокислотаси), KIN (кинетин), ва GA₃ (гиббереллин) ўсишни бошқарувчи моддалар қўшил-

1-жадвал.

ган озуқа муҳитига кўйилди. Озуқа муҳитининг pH 5,8 кўрсаткичини 1н (нормал) ли HCl ва NaOH орқали бошқарилди. Озуқа муҳитини қотириш учун агар ҳамда гелзан қўшилди ва автоклавда 20 минут стерилизация қилинди. Эсплантлар тайёр бўлган озуқа муҳитларига экилди.

Хулоса қилиб айтганда, узумнинг “Kober-5BB” пайвандтагини in vitro шароитида културага киритишда стерилликка алоҳида эътибор бериш керак. “Kober-5BB” пайвандтаги натрий гипохлориднинг 0,1% ли эритмасида 5 дақиқа юза стерилланганида, яшаб қолган куртақлар 50% га кўп эканлиги аниқланди. Пайвандтаг учун MS озуқа муҳитига ўстирувчи моддалар BAP-1,0 мг/л таъсирида экилганда яхши културага киради.

Саломат АБДУРАМАНОВА,
қ.х.ф.ф.д (PhD), катта илмий ходим,

Хуршид НОРБЕКОВ,
таянч докторант,

Академик М.Мирзаев номидаги БУВаВИТИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Драйвер Ж. “Лаборатория шароитида тўқималар ва хужайралардан сунъий (пробирка) ўстириш” бўйича услубий қўлланмаси. Т.:2015.-Б.30.

2. Абдураманова С. Истиқболли гилос пайвандтагларини in vitro усулида микрклонал кўпайтириш ҳамда озуқа муҳитларини такомиллаштириш. Автореферат. Т.:2020. 40 б.

НИДЕРЛАНДИЯ ВА МАҲАЛЛИЙ ПОЛА ГУЛИНИНГ ПИЁЗЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА КЎПАЙТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ



Лолалар нафақат Ўзбекистонда, балки дунёда ҳам энг машҳур баҳор гуллари сирасига киради. Бу гул Ўзбекистонда баҳор фаслида ўтказиладиган учта байрам “Наврўз” миллий байрам, 8 март – халқаро хотин-қизлар куни ва 60 йилдан буён анъанага айланиб қолган Намангандаги гуллар байрамида асосий ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикасининг пойтахти Тошкент шаҳри кўча ва хиёбонларида охириги 2 йил мобайнида лолаларни экиш оммалашди. Ушбу челинж Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Ўзбекистоннинг барча вилоятларининг кўча ва хиёбонларига экишни оммалаштириш ишлари олиб борилмоқда. Шунинг учун, ҳозирги кунда лола гулига бўлган талаб ортмоқда. Лоланинг энг оптимал навларини танлаш учун, албатта, Ўзбекистон иқлим шароитида тадқиқот ишлари олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Дунё миқёсида жуда кўп олимлар томонидан лола гулининг биологияси, экилиш технологияси, экологияси юзасидан тадқиқот ишлари олиб борилган.

Хусусан, 2020 йилда А Yu Zhidkova, V V Podberesnij and V A Panova Rostov State University of Economics, Bolshaya Sadovaya st олимлари томонидан Нидерландия лолаларини Россия Федерациясининг Ростов вилояти иқлим шароитида 30 та навининг ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини ўрганган ва энг мақбул ва энг мос навлари Jumbo Go'zallik, Noutbuk, Verandi, Malayziya, Qizil Oltin, Davenport, Canasta, Dynasty, Renegade, Ice Rif, Pushti Ardor, Oq Qahramon, Surplase, Hunter эканлиги аниқланган.

Лола гулини Экиш учун тавсия этилган навлар: Аннушка, Май Леди, Маурен, Оксфорд, Парад, Президент Кеннеди ва бошқалар тупроқ-иқлим шароитига, харидорларнинг ҳар бир нав гулига бўлган талаблари, унинг бозор-ғирлигига қараб танланади.

Кўчат тайёрлаш.

Лола кўчатини тайёрлаш баҳор ойларининг охиридан бошлади. Апрельнинг 20–25 кунларидан бошлаб май ойининг 10–15 кунларигача очилиб бўлган лола пиёзлари ернинг чуқур қисмига кирмасдан, яъни юза қисмида бўлган пайтда ковлаб олинади. Ковлаб олинган пиёзларнинг соғломлари саралаб олинади, селгитилади ва қоронғи соя жойда сақланади. Сақланган пиёз ноябрь ойида ерга экилади. Экилаётган пиёз соғлом, чиримаган ва бутун бўлиши керак. Лола пиёзининг болалаш даври гуллаш пайтидан бошланади. Шунинг учун гуллаш даврида лола пиёзини ковлаш асло мумкин эмас.

Экиш. Лола пиёзи зах бўлмаган, сув шимувчи ва яхши ўғитланган юмшоқ ерга экилади. Пиёз томорқанинг катта-кичиклигига қараб 10 см. дан 30 см. гача ораликда экилади.

Сўғориш. Лола пиёзи қадалгандан сўнг унга кўп сув талаб қилмайди. Чунки пиёзлар салқин пайтда, яъни ноябрь ойларида ерга қадалиб, кунлар қизир-қизимас, яъни апрелнинг охири-май ойининг бошларида ковлаб олинади. Лола касалликларга чидамли, кўп миқдорда ўғит талаб қилмайди.

2019 йилда Наманган гул етиштириш технологиясида катта ўзгариш бўлди. Шу йилда Нидерландия билан ҳамкорликда Лола плантацияси барпо этилди ва бу жараёнда “Гулчиликни ривожлантириш маркази” Наманган муҳандислик-технология институти томонидан олиб борилган сай-ҳаракатларининг дастлабки кенг кўламли ва истиқболли лойиҳаси амалга оширилди. Марказ мутахассислари ва институт

Данная статья посвящена исследовательской работе по росту, развитию и урожайности 10 видов местного в 2018 году и 16 туров в 2019 году, введенные из Нидерландов сортов тюльпанов. Исследовательский материал – посаженные луковицы местного сорта составили 2018 году на 1 гектар 4500 штук, введенные сорта 2019 году 22500 штук. Перед посадкой луковицам были применены холодильная технология при температуре 4-5°C в течение 16 недель. Основной целью данного исследования является идентификация плодородных сортов лука, который устойчив всем климатическим условиям и различным заболеваниям а также сравнивая местных и введенных сортов определить наиболее оптимальные варианты.

This article is devoted to research on the growth, development and productivity of 10 local species in 2018 and 16 rounds in 2019 introduced from the Netherlands tulip varieties. Research material - locally planted bulbs of local varieties amounted to 4500 units per hectare in 2018, 22500 introduced varieties in 2019. Before planting the bulbs, refrigeration technology was applied at a temperature of 4-5 ° C for 16 weeks. The main objective of this study is to identify fertile onion varieties that are resistant to all climatic conditions and various diseases and by comparing local and introduced varieties to determine the most optimal options.

олимлари Голландиядан лола гулининг қатор навларини олиб келиб экмoқда. Плантация учун, мутахассисларнинг ҳар томонлама ўрганишлари хулосасига кўра, иқлим шароити талабга жавоб берадиган Косонсой тумани танланди ва туман ҳудудидан 5 гектар ер майдони ажратилди. Голландиядан лола гулининг 32 хил рангдаги 16 нави пиёзидан 2 миллион 250 минг дона келтирилди. Лолани иқлим шароитига мослаштириш, унинг парвариши ва селекциясини йўлга қўйиб олиш мақсадида голландиялик мутахассислар ҳам таклиф қилинди. Аини пайтда келтирилган лола пиёзларини замонавий техника воситалари ёрдамида нави, ранги ва бошқа табиий хусусиятларига қараб жойлаштириш ишлари давом этмоқда.

– Ушбу лойиҳа 2018 йилда Голландиянинг “Ligthart bloembouien” компанияси билан ҳамкорлик тўғрисида ўзаро имзоланган меморандум асосида амалга оширилаётган дастлабки йирик лойиҳамиздир, – дейди О.Жўраев. – Мазкур ҳужжатга мувофиқ, масъулияти чекланган жамияти шаклидаги “Ligthartulips-Namangan” Ўзбекистон-Голландия кўшма корхонаси ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад Президентимизнинг топширигига кўра, вилоятда ноёб гул навларини кўпайти-

риш, гулчиликни халқаро тажрибалар асосида ривожлантириш ва гул ҳамда гулчилик маҳсулотлари экспортини йўлга қўйишдир.

– Биз оиламиз билан ўз фермер хўжалигимизда лола гулининг турли навларини етиштириб, Америка, Германия, Франция давлатларига экспорт қиламиз, – дейди голландиялик мутахассис Ян Ликхард. – Бу борада Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш биз учун ҳам янги изланишлар майдонини очади. Голланд лолаларини Наманганнинг маҳаллий иқлимга мослаштириш истиқболи устида иш бошладик ва ишонимизки, бу ўз натижасини беради. Чунки, Наманганнинг табиий иқлими жуда кўп ўсимликларни ўзлаштириш хусусиятига

эга экан. Шунингдек, наманганликларнинг меҳнатсеварлиги, гулпарастлиги, меҳмондўстлиги ва бу ерда яратилган қулай сармоявий муҳит лойиҳамизнинг муваффақиятидан далолат бермоқда.

Ҳозирги кунда ҳосилни йиғиш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу олиб борилган тадқиқотда Голландиянинг 16 навдаги лолалари билан Ўзбекистондаги 10 хил навли лолаларни етиштириш технологиялари ўрганилмоқда ва турли усулларда экилиб, ҳозирги кунда ушбу навларни солиштириш ишлари олиб борилмоқда.

1. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Нидерландия лола пиёзларини 16 ҳафта музлаткичда ушлаб турилиб сентябрь ойининг охири декадасида

экиш тавсия этилади.

2. Лола пиёзларини очиқ грунт шароитида эни 90 см ли эгатларга 4 қаторли ва орасини 5 см ҳамда чуқурлигини 10 см қилиб экиш тавсия этилади.

3. Ўзбекистондаги танланган лоланинг 10 та навидан 4 таси ҳосилдорлик нуқтаи назаридан самарали деб топилди.

4. Нидерландиянинг 16 навдаги лолаларидан 10 та нави энг ҳосилдор деб топилди.

Сурайё МИСИРОВА,
қ.х.ф.ф.д. (PhD), доцент,
Иброҳим ҚУРБАНОВ, ассистент,
Азиза АБДУЛЛАЕВА, талаба,
НамМТИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Кольцова А.С., Калининченко Р.И. Тюльпан в Джанкайском интродукционно-карантинном питомнике // Бюллетень Никит. бот. сада. вып. 49. -Ялта.- 1982. 28-31 с.
2. Иванова Л., Иноземцева Е. Выращиваем лилии в Заполярье // Цветоводство. -Москва.- 2011. -№3. 18-19 с.
3. Doornik A.W. Effect of storage duration and temperature on the survival of Rhizoctonia solani in tulip and iris bulbs // Neth. J. Plant Pathol.- Netherland. -1982.- Vol.88 № 5.- pp.185-190.
4. Juodkaitė R., Baliūnė A., Naujalis J.R., Navalinskienė M., Samuitienė M. Selection and presentation of tulip (Tulipa L.) species and cultivars to the Lithuanian plant genetic resources. // Biologija. Lithuania, 2008, Vol. 54, No.2, pp.139-146.
5. Juodkaitė R., Naujalis J.R., Navalinskienė M., Samuitienė M. Evaluation of tulip (Tulipa L.) decorative capacities and resistance to Tulip breaking potyvirus in the tulip collection of the Botanical Garden of Vilnius University. Biologija. Lithuania, 2005, Vol. 51, No.4, pp.64-70.
6. Andželika Byczyńska, Agnieszka Zawadzińska & Piotr Salachna. Silver nanoparticles preplant bulb soaking affects tulip production// Acta Agriculturae Scandinavica, Section B — Soil & Plant Science. Informa UK Limited, trading as Taylor & Francis Group 2018, Vol 10. № 5.- pp.4-5.

УЎТ: 632.07.095.338

ТАДҚИҚОТ

ЎСИМЛИК БИТЛАРИГА ҚАРШИ ОЛТИНКЎЗ ЭНТОМОФАГИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ



Based on the data obtained, good results are obtained if the entomophagy of the golden eye is applied in a ratio of 1:10 against plant lice. Simple entomophages of goldfish, which now reproduce in biolabs against sucking pests, are giving good results

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича қатор вазифаларга асосий эътибор қаратилган.

Қишлоқ хўжалигининг барча йўналишларида олиб борилаётган тадбирлар мамлакатда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш асосида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ўсимликларни касалликлардан, зараркунандалардан, бегона ўтлардан ҳимоя қилишда биологик ҳимоянинг аҳамияти жуда катта бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда ўсимликларини биологик ҳимоя қилишда кенг қўлланилаётган энтомофаглар орасида олтинкўз алоҳида ўринни эгаллайди. Олтинкўз ҳашаротларидан яхши фойдаланиш, бу энтомофагнинг биологик хусусиятларини кўпайтириш, сақлаш ва қўллаш ҳамда технологияларини яхши билишга боғлиқ. Бу ҳашарот тўрқанотлилар (Neuroptera) туркуми олтинкўзлар (Chrysopidae)

оиласига киради. Бу оилага кирувчи энтомофаглар жуда кўпчилик ҳашарот турлари ўсимлик битлари, майда куртлари ва каналар билан озикланиб фойда келтиради.

Ўзбекистон шароитида асосан етти нуқталли олтинкўз (*Chrysopa septimpunctata* Wegm) ва оддий олтинкўз (*Chrysopa samea* steph) кўпроқ учрайди.

Ҳозирги кунда биологик лабораторияда ва био-

фабрикаларда олтинкўзни қишлоқ хўжалиги ўсимликларини сўрувчи зараркундаларига қарши қўлланилмоқда. Олтинкўзни, яъни хўжаликларда кўпайтириш, қўллаш миқдорлари, қўллаш усуллари, сақлаш ва тарқатиш каби масалалар ўрганилмоқда. Шунинг учун биз ўзимизнинг амалиётимизда юқори энтомофаг олтинкўзнинг турлари таркиби, биоэкологияси биологаторияда кўпайтириш ва зараркундаларга қарши қўллаш усулларига эътибор қаратилган.

Ўсимлик битлари табиий энтомофаглари ичида олтинкўзлар оиласи биринчи ўринни эгаллайди. Илмий тадқиқотларда очиқ дала шароитида ўсимлик битларига қарши олтинкўзни

1:10 нисбатда қўллаш тасдиқланган. Биз анализ қилган илмий тадқиқотларда (Х.Р.Мирзайева 1981;1986, С.Н.Алимухамедов ва бошқалар 1986); иссиқхона шароитида помидор ўсимлигида ўсимлик битларида қарши олтинкўзни қўллаш бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Бизнинг изланишларимизда 2018-2019 йиллар давомида Хўжайли тумани «Хатча момо» фермер хўжалигида тажрибани иссиқхоналарда помидор ўсимлигида ўсимлик битларига қарши олтинкўз энтомофагларини қўллаш биологик фойдалилиги аниқланди. Олтинкўз ўсимлиги ғунчалаш, гуллаш ва мева тугиш даврида, турли нисбатларда (1:20; 1:10; 1:5) қўлланиб, унинг фойда-

лилиги аниқланди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

Юқоридаги жадвал маълумотларга қараганда, 1:10 ва 1:5 нисбатлар қўлланганда олтинкўзнинг биологик фойдалилиги юқори бўлади. Бешинчи вариантимизда фойдалилик 55-88% орасида бўлиб, энг юқори кўрсаткич (88%) олтинкўзни ўсимлик битларининг нисбати 1:5 бўлганда энтомофаг тарқатилгандан кейин 14 кунда олинади.

Иккинчи вариантимизда энг юқори кўрсаткич (90%) шу вариант 14 кун баҳоланади. Бу жадвал учинчи вариантимизда ҳам такрорланади. Олтинкўзларни ўсимлик битлари нисбатлари 1:20 бўлганда фойдалилик пасаяди. Бунда биологик фойдалилик 52% ни фойда қилади. Якуний маълумотларни айтганимизда, иссиқхона шароитида помидорнинг ҳамма ривожланиш даражаларида ўсимлик битларига қарши олтинкўз 1:10 ёки 1:15 тарқатилиши энг юқори фойдалиликка эришиш мумкин.

Олинган илмий натижалар асосида қуйидагича хулосага келишимиз мумкин. Зараркундаларга қарши кураш усулларини олиб боришда уларнинг биоэкологик ривожланиш даврларни ўрганган ҳолда энтомофаглари ўз вақтида қўлланса, яхши натижага эриша оламыз.

Гулнара АЛЛАМБЕРГЕНОВА,
мустақил изланувчи,
ТошДАУ Нукус филиали.

Ўсимлик битларига қарши олтинкўз энтомофагининг фойдалилиги

Олтинкўзни ўсимлик битларига	Хар бир баргларидаги битлар миқдори, дон					Биологик фойдалилиги, % кунлар бўйича			
	Энтомофаг чиқарилганда	Энтомофаг чиқарилганда							
		3	5	7	14	3	5	7	14
1	2	3	4	5	16	7	8	9	10
1:20	10	36	30	24	18	10	25	40	55
1:10	20	17	13	9	5	15	35	55	75
1:5	25	20	14	10	3	20	44	60	88
Баҳолаш	25	31	39	44	62				
1:20	50	40	38	28	24	8	24	44	52
1:10	30	25	20	13	8	16	33,3	56,6	73,3
1:5	20	16	11	7	92	20	45	65	90
Баҳолаш	30	35	11	46	82				
1:20	40	35	30	23	17,6	12	25	42,5	57,5
1:10	30	26	21	14	7,0	13	30	53,3	77,6
1:5	20	17	11	7	2,3	15	45	65	88,5
Баҳолаш	30	36	43	51	73				

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. Тошкент, 2017 221 б.
2. Алимухамедов С.Н., Адашкевич Б.П. Биологическая защита растений Т. «Мехнат» 1991. С. 125-123.
3. Мирзалиева Х.Р. Методологические указания по разведению и полевому применению габробракона против совок на хлопчатнике и томатах, кукурузе, люцерне, кенафе. Ташкент. МСХ УзССР, 1981.- С.35-36.

УДК: 636.993.2

ТАДҚИҚОТ

КАЧЕСТВЕННЫЕ ПОКАЗАТЕЛИ НА ВЫДЕЛЕННЫХ ОВЧИН БАРАНЧИКОВ КАРАКУЛЬСКОЙ ПОРОДЫ

В статье приводятся результаты исследований качества овчин баранчиков черной окраски разных конституциональных типов в парном и сухосолоном состоянии.

Наряду с производством шерсти, баранины, смушка, молока, овцеводство является основной сырьевой базой современной кожевенной, шубной и частично меховой промышленности.

Известно, что в зависимости от качества шерстного покрова овчины овец, подразделяются на меховые и шубные. Шкуры овец каракульской породы с учётом специфики их шерстного покрова относятся к шубным и соответственно они служат сырьём для шубной и кожевенной промышленности

В тонкорунном, полутонкорунном овцеводстве овчинная продукция является важной статьёй дохода, из них изготавливают тёплые изделия различного назначения. К сожалению, шкуры каракульских овец согласно стандартов относились к степным шубным овчинам, считались побочной продукцией и оценивались относительно низко.

Этим и объясняется относительно низкий интерес учёных и специалистов к изучению шубной продуктивности овец каракульской породы, изысканию способов повышения их качества, целесообразности их использования.

По данным Асамова С. А. и др. (1986) в хозяйствах всех категорий Узбекистана ежегодно производится около 1,4-1,5 млн. шкур каракульских овец. Большую их часть составляют шкуры

старовозрастных овец (55%) и молодняка – валушков (35%). На долю овчин от баранов – производителей приходится 10%.

возрастного брака -90 дм², молодняка – валушков -65 дм².

С. Юсупов (2005) отмечает, что после предубойного откорма

Площадь и масса овчин баранчиков 4,5 месячного возраста (п-3)

Тип конституции	В парном виде		В сухосолёном виде		Потеря %	
	площадь дм ²	масса, кг	площадь дм ²	масса, кг	площадь дм ²	масса, кг
Нежный	76,9	2,15	56,4	1,45	26,6	32,4
Крепкий	81,1	2,65	62,3	1,82	23,1	31,1
Грубый	89,8	2,79	68,3	1,95	24,1	30,1

В связи с приватизацией отрасли окончательно была разрушена система заготовки и первичной обработки кожевенного сырья. Зачастую овцеводы при убое животных из-за отсутствия спроса вынуждены выбраковывать шкуры убитых овец, как не нужное сырьё.

В последние годы положение дел в животноводстве, в том числе и в каракулеводстве начало изменяться в лучшую сторону – принят ряд новых законов, постановлений Президента и Правительства, направленных на полноценное использование всех видов животноводческой продукции, создаются кластеры по производству, переработке и реализации продукции.

В этой связи значение шубной овчины, как сырья для промышленности и делает необходимым систематическое изучение их товарных и технологических свойств, изыскания новых источников их получения, разработку технологий увеличения производства наиболее ценных видов этого сырья, улучшения его качества и др.

Овчины каракульских овец в силу их специфики шерстного покрова использовались в качестве кожевенного сырья для производства малоценных подкладочных и галантерейных кож, хотя по своей структуре строения кожного покрова приближается к качественным показателям кожи овец северной короткохвостовой породы, шкуры которых широко используются для изготовления высококачественных шуб.

В связи с тем, что в каракулеводстве в последние годы начали широко использовать для производства мяса, убой животных в год их рождения, возникла проблема изучения качества кожевенного сырья молодняка, с целью расширения круга их использования.

Исходя из вышеизложенного, мы решили изучить качество овчины баранчиков чёрной окраски разных конституциональных типов в 4,5 месячном, 7-8 и 18 месячном возрастах и их пригодность для выработки доброкачественных полуфабрикатов.

Убой баранчиков в 4,5 месячном возрасте проводили сразу после отъёма их от маток, в 7-8 и 18 месячном возрастах убой проводили после осенней стрижки, с тем, чтобы к периоду убоя шерстный покров отрастал и достигал 4-5 см, то есть, чтобы отвечал требованиям полушерстных овчин.

Качество шубных овчин и пригодность их для выработки качественных полуфабрикатов зависят не только от породных свойств, но и от гистологического строения кожной ткани, размера, массы овчин, наличия пороков кожи и шерстного покрова.

По данным С. А. Асамова и др. (1988), С. Юсупова (2005), Э.С. Шаптакова и др. (2016), овчины каракульских овец и молодняка характеризуются относительно крупным размером площади при относительно небольшой массе шкур. По их данным средняя площадь овчин баранов – производителей -96 дм², овцематок

Таблица 1.

площадь и масса шкур овец разных окрасок и типов конституции был неодинаковым и колебался в пределах 73,7-101,6 дм² и 4,05-4,81 кг. При этом как по массе, так и по площади, шкуры животных грубой конституции превосходили показатели овец крепкого и нежного типа.

Наименьшие показатели в разрезе окрасок были присущи овцам суровой окраски.

Таблица 2.

Естественная длина и степень извитости косиц овчин баранчиков в 4,5 мес.возраста

Тип конституции	Длина, см			Степень извитости		
	на лопатке	на бочке	на ляжке	сильная	средняя	слабая
нежный	8,2	8,0	9,1	2	1	-
крепкий	12,3	11,8	12,7	1	2	-
грубый	10,4	11,7	14,1	-	1	2

Полученные нами данные по показателям овчин баранчиков в 4,5 месячного возраста приведены в таблице 1.

Анализ приведённых в таблице 1 данных показывает, что как площадь, так и масса овчин баранчиков чёрной окраски разных типов конституции были не одинаковыми. Как по своей массе, так и по площади наименьшие показатели были присущи ягнтям нежной конституции. Разница по площади между ягнтями нежной, крепкой и грубой конституций составляла соответственно - 4,2 и 12,5 дм². Разница в массе шкур составляла 0,5 и 0,64 кг.

В производственных условиях для сохранения товарных качеств овчин производится их засолка с последующей сушкой и первичной очисткой. В процессе этой операции происходит усадка и усушка шкур. Исследованиями целого ряда авторов установлено, что показатели как усадки, так и усушки связаны со строением кожно-волосного покрова.

В наших исследованиях этот факт подтвердился – наиболее высокие показатели усадки и усушки были присущи шкурам ягнят нежной конституции 26,6 и 32,4% и они превосходили ягнят крепкой и грубой конституций на 3,5-1,3% и 2,5 и 2,3 процентов.

Товарные качества овчин ягнят 4,5 месячного возраста зависят и от качества шерстного покрова, то есть естественной длины локонов косиц и степени их извитости.

Полученные нами данные по изучению выше отмеченных показателей приведены в таблице 2.

Анализ приведённых данных показывает, что по длине косиц наиболее уравниваемыми по площади шкуры были овчины ягнят нежной конституции, у них же отмечена лучшая извитость, но и наиболее короткие по длине косицы.

Шкуры ягнят крепкой конституции имели наибольшую длину косиц (12,3-12,7), среднюю степень извитости и лучшую уравниваемость по длине.

Таким образом результаты проведенных исследований позволяют заключить, что овчины каракульских баранчиков как в 4,5 месячном, так и в 7-8 и 18 месячном возрасте по своей площади, массе, качеству шерстного покрова отвечают стандартным показателям и могут служить сырьем для шубно-кожевой промышленности.

Эркин ШАПТАКОВ,
соискатель, СамИВМ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Асамов С. А. и др. Получение баранины и каракульчи на промышленной основе Т. 1988 151 стр.
2. Юсупов С. Ю. Конституциональная дифференциация и продуктивность каракульских овец. Ташкент 2005. 240 стр.
3. Шаптаков Э.С., Юсупов С.Ю. Товарные качества овчин овец каракульской породы. Ж. Агро илм № 1, 2019 г стр. 47-49.

ТУРЛИ ЁШДАГИ ҚЎЧҚОРЛАР АВЛОДИ ТЕРИСИНИНГ ТОВАР ХУСУСИЯТЛАРИ

The article presents the results of studies on the commercial qualities of karakul in the offspring of rams of different ages are indicated. No significant differences in offspring quality were found.

Қоракўлчилик амалиётида 1,5 ёшлик насли кўчқорларни авлодлар сифати бўйича дастлабки текшириш мақсадида қочиримга қўйилади ва 2,5 ёшлигида бу жараён ўз интиҳосига етказилади. Агар уларнинг хўжалик хизмати тўрт ярим-беш ярим ёшга бориб тугаганини ҳисобга оладиган бўлсак, авлод сифати бўйича текширилган кўчқорлардан фойдаланиш 2-3 йил билан чекланади, холос. Шу сабаб, наслчилик ишлари суръатларини жадаллаштириш орқали селекция самарасини ошириш йўллари излаб топиш, технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш нафақат бугунги кун, балки эртанги куннинг ҳам муаммоси ҳисобланади. (Мирзабеков С.Ш, 1984; Ерохин А.И, 2012).

туфайли, бу кўрсаткични ўрганишга муҳим эътибор берилади. Бу белгининг ифодаланишига қараб тери у ёки бу навага киритилади.

Тадқиқот натижаларига кўра ёш кўчқорчалар ва катта ёш кўчқорлар ўртасида тола қоплами ипаксимонлиги ва ялтироқлиги кўрсаткичлари бўйича деярли фарқ кузатилмади

Тола узунлиги ҳам муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб, қоракўл қўйлари билан наслчилик ишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Тадқиқот натижаларига кўра ёш кўчқорчалар авлодининг тола узунлиги катта ёшли кўчқорлар авлодига нисбатан калтароқ бўлди.

Маълумки, қоракўл тери нави қоракўл терисининг тола қоплами, гуллари ва товар хусусиятларининг умумлаштирилган кўрсаткичидир. Бизнинг бу борада ҳайвонларнинг ёшлари олан натижаларимиз қуйидаги жадвалда келтирилмоқда.

Турли ёшдаги кўчқорлар авлоди терисининг ипаксимонлиги ва ялтироқлиги.

1-жадвал.

Кўчқорлар тоифаси	n (дона) кучли ипаксимон	Ипаксимонлиги			Ялтироқлиги		
		меъёрли ипаксимон	етишмаган ипаксимон	кучли	меъёрли	етишмаган	
Қора рангли							
7-ойлик:							
яхшиловчилар	130	9,93	76,14	13,93	13,57	72,46	13,79
ёмонлаштирувчилар	40	2,95	62,02	35,03	-	64,97	35,03
1,5 ёш:							
яхшиловчилар	205	13,13	74,20	12,67	15,16	73,13	11,71
ёмонлаштирувчилар	66	6,07	65,15	28,78	4,54	65,15	30,31
Сур рангли							
7-ойлик:							
яхшиловчилар	119	12,78	74,63	12,59	17,30	69,32	13,38
ёмонлаштирувчилар	39	-	64,08	35,92	-	66,58	33,42
1,5 ёш:							
яхшиловчилар	213	14,98	73,74	11,28	1,56	68,3	30,14
ёмонлаштирувчилар	63	3,12	66,70	30,18	15,02	74,17	10,81

2-жадвал.

Турли ёшдаги кўчқорлар авлоди тери сағрисида тола узунлиги (мм).

Кўчқорлар тоифаси	n (дона)	Ёши		
		7 ойлик	n (дона)	1,5 ёш
Қора рангли				
яхшиловчилар	130	9,91±0,33	205	10,24±0,31
ёмонлаштирувчилар	40	10,68±0,26	66	11,30±0,25
Сур рангли				
яхшиловчилар	119	10,15±0,42	213	10,59±0,31
ёмонлаштирувчилар	39	10,79±0,38	63	11,38±0,33

Кўчқорлар насл сифатининг бир йил олдин аниқланиши эвазига танлаш ва жуфтлаш жараёнлари жадаллашади ва селекция самараси тезлашади, насл сифати меъёрида бўлмаган кўчқорларни барвақт аниқлаб, яроқсизга чиқариш эвазига ўша кўчқорларни асраш ва озиклантириш харажатлари тежаллади. Бу борада турли ёшдаги кўчқорлар авлодининг тери хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Самарқанд ва Навоий вилоятлари қоракўлчилик хўжалиқларида авлоди сифати бўйича эрта баҳоланган кўчқорчалар авлодининг тери товар хусусиятлари ўрганилди. Мақсад эрта фойдаланишнинг қайдаржада авлодига таъсири мавжудлигини ўрганишдан иборат эди.

Тола қоплами ипаксимонлиги ва ялтироқлиги қоракўл терилар товар қийматининг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. Шу

Турли ёшдаги кўчқорлар авлоди терисидан I нав чиқими (%).

Кўчқорлар тоифаси	n (дона)	Ёши		
		7 ойлик	n (дона)	1,5 ёш
Қора рангли				
яхшиловчилар	130	86,95	205	88,26
ёмонлаштирувчилар	40	70,20	66	71,20
Сур рангли				
яхшиловчилар	119	88,19	213	89,18
ёмонлаштирувчилар	39	69,21	63	71,41

туғилган йилнинг қочирим мавсумида бемалол фойдаланиб, соғлом авлод олиш мумкин. Тадқиқот натижалари қоракўл кўчқорларидан эрта фойдаланиш уларнинг авлоди сифатига салбий таъсир этмаслиги кўрсатди.

Раббимқул РЎЗИМУРАДОВ,
ассистент, қ.х.ф.н.,
СамВМИ.

АДАБИЁТЛАР

1. С.Ш Мирзабеков. О ранней оценке генотипа по потомству в каракулеводстве. Актуальные вопросы каракулеводства. Т. 5. Кайнар, 1984.

2. А.И Ерохин, Е.А Карасев, С.А Ерохин. Интенсификация воспроизводства овец. Москва, 2012.

ЎЗБЕКИСТОНДА МАГИСТРАЛ ОЧИҚ КОЛЛЕКТОРЛАРНИ ЁПИҚ КОЛЛЕКТОРГА ЎТКАЗИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНING АҲАМИЯТИ

The article on the impoutance of conducting collector collectors closed in detail on the basis of statistical data analysis and its role in improving the status of reclamation, and a collector modules for the construction of technological information.

Ҳозирги кунда, қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланувчилар сони кескин ошиб бормоқда. Ҳозирда замонавий инновацион воситалардан фойдаланилишига қарамай сувдан фойдаланишда йўл қўйилган хато-камчиликларнинг мавжудлиги бундай хатолар ўзи билан ерлар мелиоратив ҳолатининг ёмонлашиши, жойларда қишлоқ хўжалиги ва ичимлик мақсадлар учун сув етишмаслиги, сув ресурсларига электр ва бошқа энергия сарфларининг кўпайганлиги ҳамда суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражасининг ошиб бораётганлиги каби ҳолатларни олиб келмоқда ва, албатта шуни айтиш жоизки, коллектор муҳофаза ҳудудларининг ўзбошимчалик билан ўзлаштириб олинганлик ҳолатларини ҳам кўришимиз мумкин. Баъзи фермерларимиз сувдан фойдаланиш маданиятини билмасликлари, сувни бостириб қўйиш ва шу сувларни мавжуд коллекторларга ташлаб қўяётгани ва суғориш тармоғининг охирида жойлашган фермерга сув етиб бормаганлик ҳолатларини айтмас ва бўлади. Бу каби ҳолатлар очик коллекторларни ишчи параметрларини бузилишига, қирғоқлари ўпирилишига, гидравликаси бузилганлиги эса коллектор ичида ўсимлик ўсишга олиб келмоқда. Мамлакатимизда ҳар йили коллекторларни тозалашга миллиардлаб пул сарфланмоқда. Агар улар ёпиқ коллекторларга ўтказилса ушбу ҳаражатлар камайишига олиб келади. Чунки бу коллекторлар жойлар унумдор ерлар ҳисобланади. У ерлардан фойдаланса юқори ҳосил ва мўмай даромад олиш имкони ҳосил бўлади. Ёпиқ горизонтал коллектор қилинишидан мақсад, давлат маблағларини иқтисод қилиш. Ёпиқ горизонтал дренажларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш орқали суғориладиган ерларнинг сув-ҳаво-туз алмашинуви режимини яхшилашга кам маблағ сарфлаб эришилади. Уни ишлатиш эса иқтисодий жиҳатдан бошқа турдаги дренажларга нисбатан анча арзондир. Ёпиқ дренажларни ишлатиш бўйича жаҳон практикаси шуни кўрсатадики уларни тўғри ишлатганда 50 йил ва ундан кўп хизмат қилади Ёпиқ дренаж қурилганда очик дренажларга нисбатан экин майдонининг ердан фойдаланиш коэффициенти (ЁФК) сезиларли даражада кўп бўлади, катта қувватли машиналарнинг ишлашига ҳалақит бермайди. Уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш Ўзбекистон Республикаси шароитида, асосан 1960 йиллардан бошланган ва ҳозирги вақтда 600 минг гектардан кўп майдонларда ёпиқ горизонтал дренажлар қурилган. Дренаж тармоғининг солиштирма узунлиги ўртача 26 пог.м/га ни ташкил этади. Ёпиқ дренаж қурилиши тўлиқ тармоқни (бирламчи дренажлар, йиғувчи дренажлар ва коллекторлар) ва тармоқнинг алоҳида бир қисмини ташкил қилиши мумкин.

Очиқ дренажлар бир қанча жиддий камчиликлари (дренажлар ва зовурлар техник ҳолатининг ёмонлашиши, зах қочириниш даврининг узоқ давом этиши, шўр ювишда сувнинг кўп сарфланиши ва б.) тугайли уни камроқ қўллаш йўлидан борилмоқда. Ўзбекистонда ёпиқ дренаж тармоқлари 1930-1940 йилларда Мирзачўлдаги тажриба мелиорация станциясида қурилган. Кўпгина афзалликлар (узоқ фойдаланиш, тез ва

қисқа фурсатда суғоришга имконият яратиши, сувни тежаш ва б.)га эга бўлгани учун бундай дренажлар 1960-йилларда Мирзачўлдаги қўриқ ерларни ўзлаштиришда кенг жорий этилди. Ҳозирда бизга мавжуд очик коллекторларни ёпиқ киллекторга ўтказиш орқали ерлар ўзлаштирилади, чунки коллекторни параметрларига қарайдиган бўлсак, буни кўришимиз мумкин.

Мавжуд мелиоратив объектлардан; жами коллектор-дренаж тармоқлари узунлиги-140,1 минг км. Шунингдек: очик коллекторлар -103,0 минг км; ёпиқ дренаж тармоқлари - 37,1 минг км. Шундай бўлганда $35+13.5=48.5$ м агар очик коллекторларни 60 минг км деб умумий ер майдонини ҳисобласак $60000 \times 48.5=2910$ га ер майдони ҳосил бўлади.

b, м кенглиги	ctg a1	Чуқурлиги h, м	Доимий эни B, м	Муҳофаза ҳудуди L, м
2.5	1.5	3	13.5	35



1-расм. Ёпиқ хўжаликлараро дренаж қуриш технологияси.

Ёпиқ дренаж қурилишида ярим механизациялашган услубияти ҳам ер ости сувининг сатҳи дренажнинг лойиҳа чуқурлигидан юқори бўлганда қўлланилади. Бунда коллектор ён қияликларни мустаҳкам, ўпирилиб тушмайдиган, туби белгисига нисбатан грунт сувлари сатҳини пасайтириш учун 0,3 дан 0,5 метргача бўлган лойиҳага қарши ишлай оладиган бир чўмичли экскаваторлар билан очилади. Дренаж ён томонларидан бирида 0,8-1,2 метр кенликдаги токча ҳосил қилиниб, бунга қувур ётқизилади, филтрловчи материал тўқилади (1-расм.). Грунт тўқилиб, ён томонлари мустаҳкамланади. Дренаж тармоқларини 13-14 кишидан иборат механизациялашган бригада ётқизади. Якуний равишда дренажлар траншеялари бульдозерлар ёрдамида қайта кўмилади; аввало ишлатил-

маган ён томондан, кейин эса қарама-қарши томонидан грунт суриб қайта кўмиш ишлари амлга оширилади.

Хулоса. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, бугунги кунда ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда бир вақтнинг ўзида унумдор ерларнинг ҳисобини (гектари)ни оширишда зах қочириш тизимидаги очиқ коллекторларни ёпиқ коллекторга ўтказиш энг мақбул ечим ҳисобланмоқда. Бунинг натижасида ўз-ўзидан кўринадики ҳосилдор ерлар майдони кенгайди,

сизот сувларининг сатҳи доиний бир сатҳда яъни (3.5-4 м) ушлаб туриш имкони пайдо бўлади, натижада ҳосилдорлик 1.5-3.5 баробар ошиши кузатилади.

Сарварбек МЕЛИКУЗИЕВ,
ассистент, ТИҚХММИ,
Бобур ҲАЙИТОВ, ассистент,
ТИҚХММИ Қарши филиали.

АДАБИЁТЛАР

1. Муратов А.Р. Гидромелиорация ишларини ташкил қилиш ва механизациялаш: Ўқув қўлланамаси, -Т.: Турон - Иқбол, 2007. – 240 б
2. Муратов А.Р., Фырлина Г.Л. Организация и технология гидромелиоративных работ: Учебное пособие, -Т.: Изд-во Национального общества философов Узбекистана. -2007.-160 стр.
3. Евдокимов В.А. Механизация и автоматизация строительного производства: Учеб. пособие длч вузов. -Л.: Стройиздат .Ленингр. отд-ние, 1985.-195 с
4. Ясинецкий В.Г., Фенин Н.К. Организация и технология гидромелиоративных работ. М: Агропромиздат, 1986. –352 с.

УЎТ: 631.1:528.9:004 (575.1).

ТАДҚИҚОТ

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КАРТАЛАРИНИ ЯРАТИШНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ:

НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

This article analyzes the development of agricultural maps created by scientists and industry organizations of the republic in stages and highlights the relevance of creating electronic, interactive and web maps in agricultural research.

Бошқа давлатлардаги каби Республикамизда ҳам қишлоқ хўжалигини карталаштириш бўйича кенг доирадаги илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Ўзбекистон ҳудудини қишлоқ хўжалиги нуқтаи назаридан карталаштиришга икки томонлама ёндашиш мумкин.

Биринчи ёндашув “ташқи”, яъни Ўзбекистон ҳудудини карталаштиришда хорижий тадқиқотчиларнинг (тарихчилар, географлар, картографлар, элчилар ва бошқалар) илмий-тадқиқот натижалари ва картографик асарлари. Ўзбекистон ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги экинлари ва ишлаб чиқаришини карталаштириш асосан Россиялик (собик иттифоқ) олимлари ҳиссасига тўғри келади.

Иккинчи ёндашув “ички” ёки “маҳаллий” тадқиқотчилар томонидан Республикамиз қишлоқ хўжалиги ва унинг саноатини карталарда тасвирлаш.

Республикамизда қишлоқ хўжалигини карталаштиришни уч босқичга бўлиб ўрганиш мумкин. Ушбу босқичлар: собик иттифоқ босқичи; мустақилликдан кейинги босқич; учинчи – замонавий технологиялар босқичи.

Собик иттифоқ босқичи 1968 йилдан 1991 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Қишлоқ хўжалигини амалий жиҳатдан карталаштириш 1968 йилда, Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги ерларини “Ўзгипрозем” (ҳозирги “Ўздаверлоийҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти – ДИЛИ) томонидан 21 та номдаги мавзули

карталар чоп эттирилган. Ушбу карталар майда, яъни 1:1000 000 масштабда яратилган. 1983-1987 йиллар оралиғида қишлоқ хўжалиги ва унинг тармоқларини карталаштириш бўйича А.Эгамбердиев, Т.Мирзалиев, Ш.М.Мухитдинов, А.Базарбаевлар томонидан яратилган картографик асарлар алоҳида аҳамиятга эга.

Мустақилликдан кейинги босқичда яратилган Республикамиз ва унинг вилоятларидаги қишлоқ хўжалиги тармоқларини картографик тадқиқ қилиш ҳамда карталарини яратишда “Ўздаверлоийҳа” илмий-лойиҳалаш институти ва “Картография” илмий-ишлаб чиқариш давлат корхонасининг (ИИЧДК) ҳиссаси катта. Ушбу ташкилотлар томонидан 1992-1999 йилларда яратилган “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва саноат картаси”, “Ўзбекистон ер ва сув ресурслари картаси” ва мактаб ўқувчилари учун яратилган атласларда Республикамиз қишлоқ хўжалиги карталари илмий-амалий ва статистик маълумотлар асосида яратилган.

2012 йилда яратилган ва 2016 йилда қайта янгиланиб нашр қилинган “Ўзбекистон географик атласи” жами 135 номдаги карта ва планлар мавжуд бўлиб, шундан 13 та умумгеографик карталар, 13 та шахар планлари ҳамда бошқа мавзули карталардан ташкил топган. “Картография” ИИЧДК томонидан 2014-2015 йилларда яратилган вилоятларнинг “Ўлкашунослик атласи” учта соҳага ажратилиб, ижтимоий-иқтисодий карталар соҳасида қишлоқ

хўжалигига оид 9 та турдаги карталар келтирилган.

Замонавий технологиялар босқичи. Географик ахборот тизимларидан фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги карталарини тузишнинг илмий ва услубий томонларини яратишга бағишланган тадқиқот иши Урганч давлат университети доценти С.А.Авезовга тегишлидир. Олим томонидан Хоразм вилояти бўйича қишлоқ хўжалиги ва унинг тармоқларига бағишланган 15 дан ортиқ мавзули карталар яратилган.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги карталарини тузишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларининг таҳлили шуни кўрсатадики, Республикамиз олимлари томонидан қишлоқ хўжалигини картографик методлардан фойдаланган ҳолда тадқиқ қилишда жуда кўплаб илмий ва амалий тажрибалар ҳамда тавсифлар ишлаб чиқилган. Ушбу тадқиқот ишларининг мазмуни асосан қишлоқ хўжалиги ер турлари ва тармоқлари бўйича ишлаб чиқаришга қаратилганлигини таҳлил қилиш мумкин.

Ҳозирги кунда иқлим ўзгариши, табиий, антропоген омилларнинг қишлоқ хўжалиги ўсимлиги ва ҳайвонот оламига кўрсатаётган салбий таъсирлари, қишлоқ хўжалиги ерларидан унумли фойдаланиш, уларга ишлов бериш, агротехник тадбирларни ўз вақтида, режали ўтказиш ҳамда деҳқончилик ўсимликлари ва чорва молларининг касалланишига қарши ўз вақтида чораларни кўришни тақозо этмоқда. Ушбу масалаларни ҳал қилиш учун қишлоқ

хўжалигининг асосий икки тармоғи бўлган деҳқончилик ва чорвачиликнинг ҳудудлар бўйича тарқалиши ҳамда ишлаб чиқаришдан ташқари, қуйидаги муаммоларни ҳал қилишга қаратилган, жумладан, техник ва моддий хизмат кўрсатишни карталар мазмунида акс эттириш заруриятини пайдо қилди. Буларга ҳудудлардаги ветеринария пунктлари ва участкалари; деҳқончилик ва чорвачилиқда касалланишга қарши курашишга кўмак берувчи ветеринария дорихоналари; қишлоқ хўжалиги техникаларига техник сервис кўрсатиш пунктлари; қишлоқ хўжалиги техникаларининг ёқилғи қуйиш шохобчалари; чорва молларини суғориш учун мўлжалланган қудуқлари ва уларнинг ҳолатини мисол қилишимиз мумкин.

Қишлоқ хўжалиги асосий тармоғи бўлган деҳқончилик ва чорвачилик карталари таркибда юқоридаги техник ҳамда моддий техник хизмат кўрсатиш элементларини тасвирлаш орқали ҳудуддаги қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ агротехник тадбирларни самарали ташкил этиш, ўсимликлар ёки чорва молларининг касалланишини ҳудудлар бўйлаб тарқалиши ва унинг олдини олиш тадбирларини режалаштириш, қишлоқ хўжалиги техникаларига сифатли

техник хизмат кўрсатиш, қудуқларни доимий мониторинг қилиш натижасида сув танқислиги юзага келадиган ҳудудларда чорва моллари томонидан яйлов ўсимликлари пайҳон қилинишининг олди олинади.

Юқорида келтирилган тадқиқотчиларнинг илмий-тадқиқот ишларида ушбу масалалар етарлича баён қилинмаганлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги барча тармоқларининг бир-бири билан узвий алоқасини таъминлаш орқали уларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини баҳолаш, таъсир қилувчи ҳар хил омилларга асосланиб, таҳлилий башоратлаш кўрсаткичларини ишлаб чиқишнинг илмий ва амалий ечими сифатида ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги электрон картасини яратиш зарурияти вужудга келди.

Хулоса ўрнида ҳозирги кунда республикамиз ва унинг вилоятларида қишлоқ хўжалигига қаратилаётган эътибор, ҳукумат даражасидаги қабул қилинаётган қарор ҳамда чора-тадбирларда қўйилган вазифаларнинг ҳудудларга боғланган ҳолда амалий ечимларини топиш мақсадида, ҳар бир тегишли вилоятнинг “Қишлоқ хўжалиги электрон картаси”ни, туманлардаги қишлоқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқариш маҳсулотларининг етиштириш, экспорт-импорт кўрсаткичла-

рини ҳудудларга боғлаб тасвирлаш учун “Қишлоқ хўжалиги интерактив картаси”ни ҳамда қишлоқ хўжалиги ер турлари, экин турлари ва маҳсулотларини етиштириш бўйича оператив маълумотларни олиш учун “Қишлоқ хўжалиги веб-карталари”ни яратиш ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, баҳолаш ва башоратлаш учун асосий картографик манба бўлиб хизмат қилади.

**З.ХАФИЗОВА,
Р.ОЙМАТОВ,
ТИҚХММИ.**

АДАБИЁТЛАР

1. Аvezов С.А. Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этишда картографик методдан фойдаланиш. Автореф. дис. т.ф.н. – Т.: 2010.
2. Мирзалиев Т., Картография. – Тошкент, 2006.
3. Левицкий И.Ю. Научные основы комплексного сельскохозяйственного картографирования [Текст] / И.Ю. Левицкий. – М., 1975. – 204 с.
4. Эгамбердиев А. Ўзбекистонда картографиянинг ривожланиши, ҳозирги ҳолати, муаммолари ва истиқболлари. Тошкент: “Университет”, 2001.

УДК: 664.335.1

ИССЛЕДОВАНИЕ

ВЛИЯНИЕ ГИДРОТЕРМИЧЕСКОЙ ОБРАБОТКИ НА ТЕПЛОФИЗИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ЗЕРНА ПШЕНИЦЫ

Установлено что, высокая скорость гидротермической обработки сырья обеспечивается при её нагреве. Теплопроводность при гидротермической обработке зависит от температуропроводности, теплоёмкости и влажности зерна. Наилучшие условия гидротермической обработки достигаются при влажности зерна 14-18%.

It is established that a high speed of hydrothermal processing of raw materials is provided when it is heated. The thermal conductivity during hydrothermal treatment depends on the temperature conductivity, heat capacity and grain moisture. The best conditions for hydrothermal treatment are achieved moisture content of grain 14-18%.

Гидротермическая обработка (ГТО) – это искусственное воздействие на зерно водой и теплом для придания зерну оптимальных технологических свойств.

Применение современных методов гидротермической обработки связано с использованием специальных машин и аппаратов, осуществляющих воздействие на зерно в заданном режиме.

Поступление влаги внутрь зерна связано с большими преобразованиями структуры его анатомических частей. Наиболее важным в технологическом смысле является разрыхление эндосперма, происходящее в первую очередь вследствие образования в нем сети микротрещин. В результате снижается его плотность и прочность (сопротивляемость разрушению), следовательно, уменьшается расход энергии на измельчение. Такое снижение прочности эндосперма с одновременным повышением эластичности увлажненных оболочек и пластичности зародыша способствует разделению анатомических частей зерна друг от друга в процессе размола. Поэтому более полно выделяется эндосперм, что в конечном счете определяет выход и качество готовой продукции.

При изменении влажности и температуры можно обеспечить во времени направленное изменение технологических свойств.

Гидротермическая обработка пшеничного зерна местных сортов проводилась в лабораторной установке. Для анализа и оценки качества сырья и продуктов гидротермической обработки использованы современные методы физико-химического исследования, принятые на предприятиях мукомольного производства.

Происшедшие изменения зависят от исходных свойств зерна и величины воздействия, определяемого параметрами режима ГТО.

Чтобы снизить расход топлива, нужно вести тепловую обработку зерна при таких параметрах, которые обеспечат высокую скорость его нагрева. Это достигается при большом значении тепло- и температуропроводности зерна и невысоком значении его теплоемкости. Эти три величины характеризуют теплофизические свойства зерна.

На рис.1 показана зависимость теплопроводности, температуропроводности и теплоемкости от влажности зерна.

Из данных рис.1, видно, что в диапазоне 14-18% влажности температуропроводность имеет максимальное значение. Больших значений достигает и теплопроводность. В то же время удельная теплоемкость зерна еще невысока. Поэтому наилучшие условия для проведения процесса ГТО достигается при влажности зерна 14-18%.

Температура, при которой происходит тепловая обработка зерна, влияет на значение теплофизических свойств зерна, но это влияние в пределах 50—60° невелико.




Рис. 1. Влияние влажности на теплофизические свойства пшеницы:

- 1 — удельная теплоемкость;
- 2 — теплопроводность;
- 3 — температуропроводность.

Заключение: Установлено влияние технологических способов обработки зерна на его физико-химические показатели и теплофизические свойства.

Дилафруз ЖАББОРОВА,
докторант,
Кахрамон МАЖИДОВ,
т.ф.д., профессор,

Бухарский инженерно-технологический институт.

ЛИТЕРАТУРА

1. Айзикович Л.Е., Сенаторский Б.В., Соколов Н.П. Новое в технологии мукомольного производства. Изд. «Высшая школа», М., 1966, 145с
2. Гинзбург А.С. и Дубровский В.П. Определение коэффициента диффузии влаги в зернистых материалах. «Инженерно-физический журнал» №6, 1963, с.17-19
3. Гончарова З.Д. Исследование влияния гидротермической обработки зерна на изменение его структурно-механических свойств. «Мукомольно-элеваторная промышленность» № 9, 1962, с.27-294, Горшкова Н.С. Влияние гидротермической обработки на технологические свойства пшеницы сорта «Лютесценс». «Мукомольно-элеваторная промышленность» № 5, 1964, с.31-33.
4. Егоров Г.А. Управление технологическими свойствами зерна. // Воронеж.-2000.-348 с.
5. Казаков Е.Д., Листвин В.С. О температурном поле зерновки кукурузы при обработке водой. «Инженерно-физический журнал», т. 4, № 6, 1961, с.19-21.
6. Коньков П.М. Исследование технологических свойств и методов подготовки к помолу сильных пшениц Нижнего Поволжья. Диссертация, М., 1996, 145с.
7. Кретович В.Л. Биохимия зерна и хлеба. / М.: Наука.-1991.-133 с.
8. Казаков Е.Д., Кретович В.Л. Биохимия зерна и продуктов его переработки.М., ВО «Агропромиздат», 1989, 210с.
9. Русакова Н.Н. Исследование режимов гидротермической обработки ржи. Диссертация, М., 1961, 140с.

УЎТ: 532.543

ТАДҚИҚОТ

ДАВРИЙ ЮБИЛИБ ТУРУВЧИ ТИНДИРГИЧЛАРНИНГ КОНСТРУКТИВ ПАРАМЕТРАЛАРИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШИ

В статье предлагается новый дизайн и метод расчета отстойника, который позволяет осуществлять фракционное управление мутными осадками.

The article proposes a new design and method for calculating the sump, which allows fractional control of muddy sediments.

Ирригация тиндиргичларининг вазифаси оқимдаги ортиқча лойқани чўктириш ва тиндиргичдан кейин оқимни муаллақ чўкиндилар билан тўйиниш чегарасида транспортлаш қобилиятини таъминлаб кетувчи каналга ўтказишдир. Бундай тиндиргичлар тизимнинг бош қисмида жойлаштирилади ёки ички тизим ичидаги кўринишда фойдаланилади. Уларнинг жойлашуви муаллақ зарралар таркиби ва оқимнинг лойқалигига боғлиқдир.

Биз олиб борган илмий изланишлар натижасида даврий юбилиб турадиган бир камерали тиндиргич моделини ва таклиф этилган моделда чўкиндилар тақсимотини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилди.

Янги таклиф этилган Доимий-даврий ювиладиган тиндиргич модели суғориш каналларини чўкиндилар билан тўлиб қолишдан ҳимоя қилиш, уларга ўрнатиладиган тиндиргич тури ва ўлчамларини тўғри танлашга боғлиқ.


Ювилиш галереясига эга бир камерали тиндиргич, тиндириш резервуари туби 1 трапециадал бўлиб бурчак остида ишланган

(1-расм), иккинчи қисми 2 эса горизонтал ҳолатда қолдирилган, улар орасида эса остона 3 ва унга вертикал бошқарилувчи затвор 4 ўрнатилган.

Затвор тирқишининг ўлчами каналга берилаётган сув сарфига боғлиқ ҳолда топилади ва чўкиб қолган чўкиндиларни чўкинди галереясига 5 олиб кетишга мўлжалланган. Вертикал дарвоза махсус қурилма 6 орқали бошқарилади.

Тиндиргич куйидаги тарзда ишлайди: лойқа-чўкинди оқиб келтирувчи канал 7 (1-расм) орқали тиндириш 1-резервуарига тушади ва трапециадал кесим туфайли тиндиргичда нотекис ҳаракат юзга келиб, чўкинди фракцияларининг қатламларга ажралиши содир бўлади. Муаллақ зарраларнинг йирик фракциялари тиндиргич резервуари 1 га чўқади. Чўкинди майда зарралари оқим билан тиндириш резервуари иккинчи қисмига тушади.

Тиндиргичдан фойдаланиш даврида уларнинг тиндириш камералари 8 чўкиндилар билан тўлганда вертикал



1-расм. Даврий юбилиб турувчи бир камерали тиндиргич схемаси.

бошқарилувчи затвор 4 орқали чўкинди галереяси 5 га ташлаб турилади.

Шунга кўра вертикал бошқариладиган затвор тирқиши устида чўкиб қолган чўкиндилярни чўкинди галереясига интенсив олиб чиқиб кетилишини таъминловчи затвор остки оқими жараёнини ҳосил қилади.

Бошқариладиган затвор орқали ўтаётган сув сарфи, тиндириш резервуари дастлабки қисмига 1 келиб тушаётган сув сарфининг 5% ига тенг:

$$Q_{II} = 0,05 \cdot Q_I$$

Бу эса, сув тезлигининг чўкиб қолган чўкиндиляр ювилиш тезлиги g_p дан катта бўлишига имкон беради:

$$g \gg g_p;$$

Сув тезлиги қуйидаги усул орқали аниқланади:

$$g = \frac{Q}{\omega},$$

бу ерда: Q – бошқариладиган затвор орқали ўтаётган сув сарфи, м³/с.

$$\omega - \text{тирик кесим юзаси, м}^2; \quad \omega = b \cdot h;$$

h – затвор очилиш баландлиги.

Ювилиш тезлиги (g_{ω}) нинг қиймати “Қурилиш меъёрлари ва қордалари” (ҚМҚ 2.06.03-97) да тавсия этилган миқдорга асосан аниқланади.

Ишлаб чиқилган янги тиндиригичда олиб борилган тадқиқотларда чўкиндилярни оқим узунлиги бўйича тақсимотининг математик модели таклиф этилди. Мазкур модел асосида чўкиндилярни оқим бўйлаб ҳисоблаш формуласини қуйидагича ёзамиз:

$$S = S_0 \left(\frac{\omega_0}{\omega} \right) \exp \left\{ -\frac{\alpha}{Q^2} \int_0^x \sin \alpha \omega^2 dx \right\}$$

бу ерда: S_0 , ω_0 – мос равишда бошланғич створдаги ўртача лойқалик ва жонли кесим юзаси; оқимдаги α – чўкиндиларни харак-терловчи параметр:

$$\alpha = \frac{3g(p_t - p)}{2p_t} \cdot \left(\frac{d_0}{d_i} \right)^3;$$

Бу ерда S_0 , ω_0 – мос равишда бошланғич створдаги ўртача лойқалик ва жонли кесим юзаси;

p_t ва p – мос равишда суюқлик ва қаттиқ зарралар зичлиги;

d – қаттиқ зарраларнинг диаметри.

p_t ва p – мос равишда суюқлик ва қаттиқ зарралар зичлиги;

d_i – чўкинди зарралар диаметри;

g – эркин тушиш тезланиши;

β – ўзан нишаблигининг горизонталга нисбатан бурчак қиймати;

d_0 – оқим тезлигига тенг тезлик билан ҳаракатланадиган чўкиндилярнинг “характерли” диаметри;

H – оқимнинг ўртача чуқурлиги.

Таклиф этилган тенгламанинг афзаллиги шундан иборатки, тенгламада оқим узунлиги бўйича чўкиндиляр тақсимоти, оқимнинг гидравлик элементларининг ўзгаришига боғлиқдир. Бу эса жараёни тулароқ ифода этишга имкон беради.

Юқоридаги формулани x га нисбатан функция бўлган ихтиёрий кесимдаги ўзан узунлиги бўйича лойқаликнинг тақсимлишини ҳисоблаш мумкин бўлади.

Хусусий ҳолларда ўзан кесимининг узунлиги бўйича ўзгари-шини қуйидагича ёзишимиз мумкин:

$$\omega_x = \omega_0 + 2tg\beta H \cdot x$$

Кенгайдиган кесимли ўзанда чўкиндилярнинг оқим узунлиги бўйича тақсимотини ҳисоблаш учун, охириги ифодани тенгламага қўйиб ва уни интеграллаб қуйидагини ҳосил қиламиз:

$$S = S_0 \left(\frac{\omega_0}{\omega} \right) \exp \left\{ -\frac{\alpha(\omega^2 - \omega_0^2)}{2Q^2 tg\beta H} \cdot i \right\}$$

Турли таркибли чўкиндиляр учун лойқаликнинг тарқалиши фракцион тартибда олиб борилади, умумий лойқалик эса фракцияларга мос келувчи чўкинди умумий миқдори суммаси орқали ҳисобланади. Таклиф этилган тиндиригич конструкцияси Интел-лектуал мулк агентлиги томонидан фойдали модел сифатида эътироф этилди.

Хулоса. Назарий ва лаборатория шароитида олиб борилган изланишлар асосида дарё чўкиндилярини бошқарувчи иншоот-нинг конструктив параметрлари такомиллаштирилди. Дарё чўкиндилярини фракцияларга ажратиб бошқариш имконини берувчи тиндиригичнинг янги конструкцияси ишлаб чиқилди. Янги тиндиригич конструкцияси орқали дарё чўкиндилярини фракция-ларга ажратиб бошқарилади ва майда фракцияли зарраларни суғориш далаларига юбориш имконини беради.

Луқмон САМИЕВ, докторант,
Дилбар АБДУРАЙИМОВА,
катта ўқитувчи, PhD,
Зайтуна ИБРАГИМОВА,
ассистент, ТИҚХММИ,
Қувончбек ХУДОЙШУКУРОВ,
таянч докторант (PhD),
ГМИТИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Jurík, L., Zeleňáková, M. Kaletová, T., Arifjanov Small Water Reservoirs: Sources of Water for Irrigation. The handbook of environmental Chemistry. Volume 69, 2019, Pages 115-131
2. Aybek Arifjanov, Luqmon Samiev, Shamshodbek Akmalov Dependence of Fractional Structure of River Sediments on Chemical Composition. International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE) ISSN: 2278-3075, Volume-9 Issue-1, November 2019
3. Aybek Arifjanov, Maqsud Otaxonov, Luqmon Samiev, Shamshodbek Akmalov Hydraulic calculation of horizontal open drainages. E3S Web of Conferences 97, 05039 (2019). FORM-2019
4. Aybek Arifjanov, Luqmon Samiev, Tursunoy Apakhodjaeva, Shamshodbek Akmalov Distribution of river sediment in channels. XII International Scientific Conference on Agricultural Machinery Industry. IOP Conf. Series: Earth and Environmental Science 403 (2019) 012153
5. Арифжанов А.М., Распределение взвешенных наносов в стационарном потоке. М., Водные ресурсы, 2011. Том 28, №2, 185-187с.
6. Акмалов Ш., Тиндиригичдаги тиниш жараёнига гидравлик йирикликнинг таъсири// Тошкент, “Агро илм” журнали, 2012. 54-55-б.
7. Караушев А.В. Теория и методы расчета речных наносов. – Л: Гидрометеиздат, 1977. 444 б.
8. Латипов К.Ш., А.М.Арифжанов. Вопросы движения взвешенного потока в руслах. – Ташкент: Мехнат, 1994. 110 стр.

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

The article discusses the control and strengthening of their position in the food market of the food industry enterprise, as well as the creation of basic conditions for the release and sale of the product.

Иқтисодийнинг бошланғич маркази бўлган корхона ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий тизим сифатида мураккаб ва кўп босқичли бўлиб ҳисобланади. Шунинг таъкидлаш керакки, иқтисодий барқарорлик ҳолати вақт (давр) омига боғлиқ. Вақтинчалик таъсирнинг ишлаб чиқариш самарадорлигининг асосий мезонларига боғлиқлигини кўриб чиқамиз.

Умуман олганда, корхоналарнинг нисбатан мустақил функционал қуйи тизимлари бўлиб технологик, кадрлар (ижтимоий), ишлаб чиқариш, бошқарув тизимлари, маҳсулотларни сотиш, инвестицион, инновацион ва шу кабилар ҳисобланади.

Иқтисодий самарадорликни ташкил этадиган умумэтироф этилган белгилар корхона фаолияти натижаларини ва унинг фаолиятини ўзига хос хусусияти бўйича бириктиради.

Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқиш йилига 9-10% ўсмоқда. Мустақиллик йилларида аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжлари, хусусан, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотлари импорт ҳисобидан қондирилган эди. Айни пайтда, республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи тайёрланмоқда.

Бу қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини кенг миқёсда ислох қилиш, инвестицияларни жалб қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологияларни жорий этиш натижасидир.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон мева ва сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича дунёдаги ўнта давлатлардан бири ҳисобланади. 180дан ортиқ мева-сабзавот ва қайта ишланган маҳсулотлар жаҳон бозорларига экспорт қилинмоқда.

Кейинги йилларда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1,4 мартага, қайта ишланган мева ва сабзавотлар 2 баравар, мева ва сабзавотлар экспорти 2,3 мартага кўпайиши кутилмоқда. Экспорт инфратузилмасини яратиш, логистика ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун тижорат банклари ва халқаро молия институтлари, шу жумладан Жаҳон банки, Осиё Тараққиёт банки ва Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки имтиёзли кредитлари жалб қилинмоқда.

Маълумки, озиқ-овқат (қайта ишлаш саноати) корхоналарининг ўзига хос шarti бу талабнинг мавсумий омига боғлиқлиги ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан,

корхоналарнинг ривожланишини истеъмолчиларнинг жорий ва келажакдаги эҳтиёжларини ва уларни қондиришда корхонанинг қобилиятини мувозанатли ҳисобга олиш асосида маҳсулотнинг даражаси ва сифати, корхона фаолияти рақобатбардошлиги ва самарадорлиги параметрларининг ижобий динамикасини таъминлайдиган иқтисодий тизимнинг ишлаш тартиби сифатида кўриб чиқиш қабул қилинган.

Шунинг эса тутиш керакки, саноат корхонаси фаолиятининг натижалари унинг қуйи тизимларининг самарали фаолиятига ҳам боғлиқ: ишлаб чиқариш, молиявий, инвестицион-инновацион, бошқарув, маркетинг, ижтимоий ва экологик. Жорий ва истиқболли ўлчашда ушбу таркибий қисмлар самарадорлик ва уни ошириш йўналиши қўйидагилар орқали шакллантирилади:

- ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини акс эттириш;

- корхонанинг молиявий имкониятларидан фойдаланиш;

- озиқ-овқат саноати корхоналарида инвестицион-инновацион стратегиялардан фойдаланиш имкониятлари;

- истеъмолчиларнинг янги сотув бозорларини рағбатлантиришга қаратилган маркетинг тадбирларини моҳирона амалга ошириш.

Самарадорликни ошириш учун юқорида кўрсатилган йўналишларнинг қўлланилиши озиқ-овқат саноати корхоналарига озиқ-овқат бозорида ўз позицияларини назорат қилиш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш учун асосий шароитларни яратишга имкон беради.

Хулоса. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар таснифини методологик жиҳатдан қуйидагиларга ажратиш мумкин: самарадорликни ошириш манбаларини аниқ белгилаш; хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш; маҳсулотни сотиш жойини яратишга таъсир қилиш.

Умуман олганда, озиқ-овқат саноатини илмий таъминлаш, муаммоларнинг долзарблиги соҳадаги инқирозни бартараф этиш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш шароитида ажралмас ва стратегик аҳамиятга эга.

Азатбек ТУРЕБЕКОВ,

ЎзФА Қорақалпоғистон бўлими таянч докторанти.

АДАБИЁТЛАР

1. Ваҳобов А.В., Ибрагимов А.Т., Ишонкулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили. - Т.: "Шарқ", 2005.
2. Ли А.Н., Шевченко С.И. Основные принципы финансового анализа предприятия. - Т.: Сборник "Финансовое законодательство Республики Узбекистан", выпуск 11, 1995.
3. Тюкавкин Н.М. Методика оценки потенциального банкротства промышленных предприятий. Самара: ООО "Офорт", 2008.
4. Ковалев В.В., Волкова О.Н. Анализ хозяйственной деятельности предприятия: Учебник. - М.: Проспект, 2000.

ЭҶИШЛАР ЭДИ – УЖУЖЛАМАЙДИ



Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, уларнинг қилган меҳнати, қолдирган изи вақт билан эмас, балки эл-юртга келтирган нафи, беминнат хизмати билан ўлчанади. Ана шундай инсонлардан бири, нафақат Қашқадарё воҳаси, балки республикамиз иқтисодиёти ривожига катта ҳисса қўшган фидойи сувчи, ташкилотчи раҳбар Комил Амиров жорий йил 9 августда вафот этди.

У киши 1942 йилда Косон тумани Ўшоқтепа қишлоғида дунёга келди. Отаси Амир Диёров қишлоқ ўқитувчиси бўлиб, Иккинчи жаҳон уришидаги чоғида фарзанди дунёга келди. Жигарбандининг дийдорига тўйиш отага насиб қилмади.

К.Амировнинг ёшлиги суронли Иккинчи жаҳон уруши ва унинг асоратларини бартараф этишдаги қийин даврга тўғри келиб, муштипар онаси Зиёда момо кўлида вояга етди. 1958 йилда ўрта мактабни тугатиб, қишлоқда дурадгор бўлиб ишлади. 1960–1965 йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг гидромелиорация факультетини тугатди.

1966–1975 йилларда вилоят сув хўжалиги бошқармасида оддий муҳандисликдан, капитал қурилиш бўлими бошлиғи, қурилиш-монтаж бошқармаси бош муҳандиси лавозимларида ишлади. Ушбу даврда Қашқадарё вилоятининг Қашқадарё ва Зарафшон дарё ҳавзаларини эски суғориладиган ер майдонларини сув таъминотини яхшилаш, сув камчилик йилларда сувдан самарали фойдаланиш, янги суғориш тармоқларини қуриш ва мавжуд суғориш каналларни муҳандислик талабларига келтириш уларнинг фойдали иш коэффициентини ошириш ҳамда сел-тошқин сувларини беталофат ўтказиб юбориш ишларида бевосита раҳбарлик қилди. Чироқчи, Яккабоғ, Шахрисабз ва Қамаш туманлари сув таъминотини яхшилаш, Зарафшон дарёси сувини Қашқадарёга келтириш учун Эски-Анҳор (سوبик “Москва”) канали ва Қумдарё каналларини барпо этиш ишларида бевосита раҳбарлик қилди. Ўша даврдаги янги “Пачкамар” сув омборини эксплуатация қилиш, “Лангар”, “Янгикўрғон”, “Нуғайли” ва “Қорабоғ” сув омборларини лойиҳалаш ва қуриш ишларида бевосита қатнашди.

1975–1978 йилларда “Ҳисорақгидрострой” қурилиш бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлади. Кейинги саккиз йилдан ортиқроқ вақт давомида, ўша даврда баландлиги бўйича Ўрта Осиёда иккинчи ўринда турадиган “Ҳисорақ” сув омборининг қурилиши бошланишидан тугагунча раҳбарлик қилди. Бу қурилишда Комил Амировнинг ҳиссаси катта ва залворли бўлгани соҳа мутахассислари томонидан кўп бор эътироф этилган.

1986–1987 йилларда Ўзбекистон Республикаси собик Мелиорация ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари лавозимида республика сув хўжалигини ривожлантиришда фаол қатнашди. Йирик сув омборлари мутахассиси сифатида вилоятнинг “Ҳисорақ”, “Қамаш” ва “Қалқама” сув омборлари ва “Оқсув” гидроузелини фойдаланишга топшириш ва ишлатиш жараёнларида жонбозлик кўрсатди.

1987–1990 йилларда Китоб туманига раҳбарлик қилиб, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш, аҳоли соғлиғини сақлаш ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, шунингдек, гидротехника иншоотлари қурилишига катта эътибор қаратди.

1990–1996 йилларда вилоят сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган йилларда “Қизилсув” сув омбори, “Пахтаобод”, “Миришкор” ва Қарши магистрал каналлари, Сечанкўл зовурларини ҳамда ўнлаб насос станцияларини эксплуатацияга қабул қилиш ва эксплуатация жараёнларини яхшилаш ва ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларига раҳбарлик қилди. Қўшни Туркманистон ҳудудидаги “Султонтоғ”, “Сечанкўл”, “Денгизкўл” ва “Ачиғли” кўллари, шунингдек, Қашқадарё ва Бухоро вилояти яйловларини, Аму-Бухоро канали қирғоқларини сел ва тошқин сувлари босиш хавфсизлигини таъминлаш, Амударё дарёсидан сув олишни яхшилаш чораларини кўриш-да ўзининг етук муҳандислигини намоян қилди.

1996–2006 йилларда “Эскианҳорканалқурилиш” жамияти раиси лавозимида самарали меҳнат қилди. Ушбу даврда қишлоқ насос станцияси қурилишида, Китоб туманидаги “Ҳайрабод” жамоа хўжалигининг боғ ва тоқзорларида томчилаб суғориш технологиясини жорий этиш, Косон тумани “Бўрихона” ҳудудида янги ерларни ўзлаштириш, вилоятимиз ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, канал ва зовур тармоқлари иш самарадорлигини ошириш, янги мактаб ва маданий саройлар қурилишига раҳбарлик қилди.

У 2006 йилдан нафақада бўлишига қарамасдан ҳамisha эл орасида эди.

Комил Амиров қаерда, қайси вазифа ёки лавозимда ишлаган, аввало хушмуомалалиги, одамларга қайиша билиши, билими ва тажрибаси, иш билармонлиги, жонқуярлиги билан ҳурмат ва эътибор топиб яшади.

К.Амиров бутун ҳаётини эл-юрт манфаати учун бор билими, тажрибасини республика ва вилоятимиз иқтисодиётининг юксалиши, қурилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги тизимининг барқарор ривожланишига бағишлади.

У кишининг эл-юрт олдидаги хизматлари бир қатор орден ва медаллар, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. Бир неча бор Халқ депутатлари вилоят Кегаши депутати бўлиб сайланган эди.

Ҳаётда ҳар кимнинг Аллоҳ томонидан ато этилган ўз аъмоли бўлади. Кимдир эккан ниҳолнинг боғ бўлганини кўриб, кўзи қувнаса, “Аллоҳга шукр!” деса, бошқа биров очган кони ва қазиган ариғи, қурган кўприги билан фахрланади. Авлодлар қай бир зотни ёзган девону достони, гўзал ашъори билан ёд этса, яна кимдир заминидан қолдирилган беминнат излари боис қадр топади.

Комил аканинг она заминимизда қолдирган муборак излари талайгина. У юксак тоғлар бағридаги “Ҳисорақ” сув омборини ўзи каби халқ меҳри билан яшаган инсонларнинг бетимсол ижоди, деб билар эди. Суғориш тармоқлари мусаффо обиҳаётга тўлиб, оқар экан, унинг шарофати ила не-не анвойи боғлар гуркираб ҳосил бериб, экинлар сувга сероб бўлиб турар экан, бу бунёдкорликдан баҳрамандлик асло тугамайди.

Ер баҳраманд, эл баҳраманд бўлган улуг ишу ижоднинг умри эса боқийдир!

Комил Амировнинг ёрқин хотираси қалбимизда абадий сақланади.

Қашқадарёлик бир гуруҳ шогирдлари.



ИЛМ УСТОЗ ҚАЛБИДАН ШОГИРД ҚАЛБИГА ҶТГҮВЧИ НҶРДИР

Таниқли олим, меҳрибон ва самимий устоз, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Шавкат Умаров табаррук 60 ёшга кирди.

Устозлар ҳақида сўз борганда, меҳрибон, ўзининг қалб кўрини, кўз нурини ва бутун илм-маърифатини шогирдларига баҳшида этадиган улуғ инсонлар кўз олдимизда гавдаланади. Устозимиз Шавкат Рамазонович ҳам ана шундай инсонлардан десак муболага бўлмайди. Чунки у бутун умри давомида ҳалол меҳнат қилиш билан бирга, илм билан, шогирдлар тарбиялаш билан ҳам шуғулланди.

Шавкат Умаров Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида туғилган. Ёшлигидан билимга чанқоқлиги туфайли, ўрта мактабни тугатгач, 1979-1984 йилларда Тошкент Қишлоқ хўжалик институти (ҳозирги Тошкент давлат аграр университети) да таҳсил олган. Талабалик пайтидаёқ ўзининг билими, иқтидори билан дўстлари, устозлари эътиборини қозонди.

Меҳнат фаолиятини жамоа хўжалигида ишчиликдан бошлаган Шавкат ака пиллачилик агрономи, туман бош пиллахоноси агрономи, республика ипакчилик бош бошқармаси агрономи, катта агрономи, “Ипак” илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси илмий ходими, Ипакчилик бош бошқармаси бўлим бошлиғи, “Ўзбекенгилсаноат” уюшмаси бош мутахассиси, “Ўзбек ипаги” уюшмаси “Пилла-холдинг” холдинг компанияси бўлими бошлиғи, Бухоро вилояти “Пилла” акциядорлик бирлашмаси бошқаруви раиси, “Ўзбек ипаги” уюшмаси бошқарув раисининг ўринбосари, “Пилла-холдинг” холдинг компанияси раиси ва “Ўзбек ипаги” уюшмаси бошқаруви раиси каби раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатди. Шу боис 45 йиллик меҳнат фаолияти давомида пиллачиликдаги энг кичик лавозим – оддий агрономликдан энг

катта лавозим – уюшма бошқаруви раиси лавозимигача бўлган шарафли йўлни босиб ўтди.

Бундан ташқари, илм билан ҳам фаол шуғулланиб, 2005-2018 йиллар давомида Ўзбекистон ипакчилик илмий-тадқиқот институти директори лавозимида ҳам фаолият олиб борди. Институтга Шавкат Умаров бошчилик қилган йилларда мазкур илм маркази тилга тушди, республикада пиллачиликни ривожлантириш истиқболларини белгиловчи илмий-тадқиқот гўшасига айланди.

Шунинг учун ҳам Шавкат Рамазоновични, бемалол, пиллачилик соҳаси илмига муносиб ҳисса қўшган олим деб айтиш мумкин. Устоз, 1999 йилда номзодлик, 2011 йилда докторлик диссертацияларини муносиб ҳимоя қилди. Унинг “Ёз-куз мавсумида ипак қуртининг саноатбоп тухумларини тайёрлашнинг самарали технологиясини яратиш” мавзусидаги номзодлик ва “Тут ипак қуртини такрорий боқишда маҳсулдорликни оширишнинг илмий асослари” мавзусидаги докторлик диссертацияси устида олиб борган илмий тадқиқот ишлари айни кунларда мамлакатимизда такрорий ипак курт парваришlash ишларини ташкил этиш ва ёзги тут ипак курти парваришlash учун тут ипак курти уруғларини тайёрлашда пиллакорларга қўл келаятгани билан аҳамиятлидир. Олим ўша йиллардаёқ яқин келажакда ипак қуртини бир неча марта боқиш мумкинлигини тушуниб етган эди.

Айни пайтда Шавкат Рамазонович Тошкент давлат аграр университетининг Ипакчилик ва тутчилик кафедрасида профессор лавозимида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу билан бирга Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш раиси

вазифасини ҳам бажармоқда.

Шавкат Умаров ўзининг илмий фаолияти давомида 130 дан ортиқ илмий ишлари натижаларини чоп эттирган бўлиб, 5 та услубий қўлланма, 2 та ўқув қўлланма, 4 та монография, 2 та дарслик, 10 та тавсиянома, илмий журналларда 100 дан ортиқ илмий мақолалар, шундан, нуфузли хорижий ёки халқаро илмий журналларда 20 тадан ортиқ илмий мақолалар чоп эттирган ва 8 та муаллифлик (селекция ютуғи) гувоҳномаси ҳамда 6 та патентга эга эканлиги диққатга сазовордир.

Устоз илмий фаолияти давомида мамлакатимизга кўплаб билимли кадрлар тайёрлашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган олимлардан бири. Хусусан, домла раҳбарлигида 2 нафар фан доктори (DSc), 3 нафар фалсафа доктори (PhD) ўз илмий тадқиқот ишларини муваффақиятли ҳимоя қилиб, юртимиз ободлиги йўлида меҳнат қилмоқда.

Илм нурдир, у нур устознинг қалбидан шогирднинг қалбига ўтади. Агар устоз бўлмаса шу нур қалбга кирмайди. Шавкат Рамазонович ана шундай нурли қалб эгасидир.

Шунинг учун илм олишда яхши устоз танлашимиз ва уни мустаҳкам тутмоғимиз лозим. Яна такрор айтамикки, ҳидоят топишимизда устознинг ўрни бекиёсдир. Шу боис шогирд қандай мансаб ёки мартабада бўлишидан қатъи назар, то тирик экан, устоздан қарздордир.

Азиз устоз! Олижаноб ва масъулиятли фаолиятингизда куч-ғайрат, ютуқ ва омадлар, хонадонингизга бахту-саодат, файзу-барака тилаймиз. Оилангиз ва шогирдларингиз бахтига доим омон бўлинг. Таваллуд айёмингиз муборак!

ТошДАУ Ипакчилик ва тутчилик кафедраси жамоаси ва шогирдлари.

ДИҚҚАТ!

ЭЪЛОН

2020 йил – илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили муносабати билан тахририятимиз “Агро илм” журналининг “Бугунги илм – учинчи ренессанс пойдевори” рукни остидаги махсус сонини чоп этишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда тўлиқ маълумотни тахририятимизнинг интернетдаги www.qxjournal.uz веб-сайти ва [qxjournal_uz](https://t.me/qxjournal_uz) телеграм мессенжери орқали олишингиз мумкин.

ТАХРИРИЯТ.

ЎЗБЕКИСТОН QISHLOQ VA SUV ХО‘ЖАЛИГИ

АГРАР-ИҚТИСОДИЙ,
ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАРИ

Бош муҳаррир:

Тоҳир ДОЛИЕВ

Таҳрир хайъати:

Шухрат ҒАНИЕВ
Жамшид ХОДЖАЕВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Шухрат ТЕШАЕВ
Баҳодир РЎЗИБОВЕВ
Баҳодир ТОЖИЕВ
Равшан МАМУТОВ
Аброр ВАХОБОВ
Баҳром НОРҚОБИЛОВ
Низомиддин БАКИРОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Ўктам УМУРЗОҚОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Мирзиёд МИРСАИДОВ
Бахтиёр КАРИМОВ
Ибрагим ЭРҒАШЕВ
Мурод АШУРОВ

2020 йил,
№10. Октябрь

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

Обуна индекси:
якка обуначилар учун – 894
ташкilotлар учун – 895

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	1
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида	3
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси иштирокида “Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	5
Р.АБДУЛЛАЕВ, Ж.АГЗАМХОДЖАЕВ, А.ҚОСИМОВ, С.ШОДИЕВ, А.ПАРДАБОВЕВ. Боғ-тоқзорлардаги кузги юмушлар	7
Р.НИЗОМОВ, Ф.РАСУЛОВ. Тўқсонбости экинларни экишга тайёرمىсиз?	8
М.ТОШБОЛТАЕВ. Машина терими – ишнинг унуми	10
Унвонли боғбон опа	11
К.ЭРҒАШЕВ. Ер ҳам суйганни суяди	12
Х.КАРИМОВ. Саодат фермернинг саодати	13
Мироб меҳнатининг рағбати	14
Ёмонжар каналида реконструкция ишлари амалга оширилди	14
Ш.ЖАББАРОВА. Меҳнатидан шуҳрат топган Александр	15
“Мард ўғлон” совриндори	15
Д.МАРАСУЛОВА. Яхшиликшунос устоз	16
А.ТОИРОВ. Хотин-қизлар — қишлоқ хўжалигининг ишончли таянчи	17
Д.ТАЛИПОВА. Жомлик олима	19
Ф.ҚИРҒИЗБОВЕВ. Дастурхон тўқинлиги — озиқ-овқат хавфсизлиги	21
Э.АБДУЛЛИМОВ. Янги Ўзбекистон ва давлат тилининг мавқеи	22
У.МАМАЖОНОВ. Сувдан замонавий фойдаланиш	23
Ш.НОРМУРОДОВ. Ислохотлар замирида фаровонлик намоён	25
Р.ТОЖАЛИЕВА. Она замин заҳматкашлари	26
Сўзида устувор фермерлар	27
Энг қатта майдонларни эгаллаган гўза навлари	28
Х.САЙДАЛИЕВ, А.РАВШАНОВ, А.БАКИРОВА, С.СОРИЕВА, У.ҚОДИРОВ, О.АХМЕДОВ. АҚШ коллекцион намуналари иштирокида яратилган дурагайларда тезлишарликнинг шаклланиши	29
И.АБДУРАҲМОНОВ, А.ХАЙДАРОВ. Тупроққа ишлов беришдаги турли технологияларнинг “ЎзПИТИ-201” гўза нави чигитлари униб чиқишига таъсири	30
М.АЗИМОВА. Суспензия меъёрларининг пахта ҳосилига таъсири	31
Н.КОБИЛОВА, Р.АДИЗОВ, К.МАЖИДОВ, Д.КАЛОНОВА. Изучение влияния белковой арахисной массы на показатели хлеба	32
С.АБДУРАМАНОВА, Х.НОРБЕКОВ. Узумнинг “Kober-5BV” пайвандтагини in vitro шароитида културага киритиш	33
С.МИСИРОВА, И.ҚУРБАНОВ, А.АБДУЛЛАЕВА. Нидерландия ва маҳаллий лола гулининг пиёзларини етиштириш ва кўпайтириш технологияси	35
Г.А.ЛАМБЕРГЕНОВА. Ўсимлик битларига қарши олтинкўз энтомофагини қўллашнинг аҳамияти	36
Э.ШАПТАКОВ. Качественные показатели на выделенных овчин баранчиков каракульской породы	37
Р.РЎЗИМУРАДОВ. Турли ёшдаги қўчқорлар авлоди терисининг товар хусусиятлари	39
С.МЕЛИКУЗИЕВ, Б.ХАЙИТОВ. Ўзбекистонда магистрал очик коллекторларни ёпиқ коллекторга ўтказиш технологиясининг аҳамияти	40
З.ХАФИЗОВА, Р.ОЙМАТОВ. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги карталарини яратишнинг ривожланиш тенденцияси: назарий ва амалий жиҳатлари	41
Д.ЖАББОРОВА, К.МАЖИДОВ. Влияние гидротермической обработки на теплофизические свойства зерна пшеницы	42
Л.САМИЕВ, Д.АБДУРАЙИМОВА, З.ИБРАГИМОВА, Қ.ХУДОЙШУКУРОВ. Даврий ювилиб турувчи тиндиргичларнинг конструктив параметрларини такомиллаштириш	43
А.ТУРЕБЕКОВ. Озиқ-овқат саноати корхоналари самарадорлигини оширишни шакллантириш	45
Яхшилар ёди – унутилмайди	46
Илм устоз қалбидан шогирд қалбига ўтгучи нурдир	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2019 йил 10 январда 0158-рақам билан қайта рўйхатга олинган.

Манзилмиз: 100004, Тошкент ш.,
Шайхонтохур т., А. Навоий к., 44-уй.

Тел: +998 71-242-13-54,
+998 71-242-13-24.

www.qxjournal.uz

E-mail: uzqx_jurnal@mail.ru,

Telegram: qxjournal_uz

© «O'zbekiston qishloq va suv
xo'jaligi»

Босмахонага топширилди: 2020 йил 30 сентябрь. Босишга рухсат этилди: 2020 йил 30 сентябрь. Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида офсет қоғозига чоп этилди. Шартли босма табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табоғи 5,0. Буюртма №30/09. Нусхаси 1400 дона.


RELIABLE PRINT
МЧЖ да чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳар Чорсу майдони 3А.

Навбатчи муҳаррир: А. ТОИРОВ
Дизайнер: У. МАМАЖОНОВ



**Polimer
Galantery**



POLIMER GALANTERY

Надёжная полимерная продукция от производителя

ПЛЁНКА ПОЛИЭТИЛЕНОВАЯ:

- **ГИДРОИЗОЛЯЦИОННАЯ**
- **ПАРНИКОВАЯ 3-Х ГОДИЧНОГО СРОКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ**
- **ТЕРМОУСАДОЧНАЯ УПАКОВОЧНАЯ**
- **ТРЕХСЛОЙНАЯ**
- **МЕШКИ И ПАКЕТЫ**



Адресс: г. Ташкент, Алмазарский район, улица Янги Олмазор 51.

 **(+998) 94-638-33-33**

 **(+998) 95-142-31-19**

 **(+998) 97-342-50-08**

 polimergalantery@mail.ru

 www.polimergalantery.uz

ОБУНА – 2021 *** ОБУНА – 2021 *** ОБУНА – 2021

АГАР СИЗ «O‘ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGI» ВА «AGRO ILM» ЖУРНАЛЛАРИГА ОБУНА БЎЛСАНГИЗ:



- аграр соҳага оид долзарб мавзулардаги мақолалар;
- агросаноат мажмуига кирувчи корхона ва ташкилотлар, жумладан, илғор фермерлар, чорвадорлар ҳамда ирригация-мелиорация тармоқларида ибратли ишларни амалга ошираётган замондошларимиз, уларнинг ютуқ ва илғор тажрибалари ҳақидаги материаллар;
- олим ва мутахассисларнинг таҳлилий ҳамда амалий тавсия, маслаҳатлари;
- қишлоқ хўжалиги фанида эришилаётган илмий натижалар, ихтиролар;
- дунё қишлоқ хўжалигидаги янгиликлар билан мунтазам танишиб, касбий маҳорат ҳамда малакангизни ошириб борасиз.

Обуна индекслари:

«O‘ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGI» – 895

«AGRO ILM» – 859



**Журналларимизга 2021
йил учун обуна бўлинг!**